

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

**НИЗОМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ  
МАРКАЗИ**

«Тасдиқлайман»  
Тармоқ марказ директори  
\_\_\_\_\_ Н.А.Муслимов  
“ ” 2015 йил

**МЕҲНАТ ТАЪЛИМИНИ ЎҚИТИШДА  
ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**Тузувчилар:**  
Ў.Қ.Толипов  
О.А.Қуйсизов

*педагогика фанлар доктори, профессор  
педагогика фанлар номзоди, доцент*

**Тошкент -2015**

## МУНДАРИЖА

МУНДАРИЖА .....	2
ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ.....	3
МАЪРУЗАЛАР МАТНИ .....	10
1-Мавзу: Мехнат таълимининг дидактик тамойиллари. Мехнат таълими мазмунини белгилашда норматив-меъёрий хужжатлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш технологияси.....	10
2- Мавзу: Мехнат таълимини ўқитиш шакли, метод ва воситалари. Мехнат таълими ўқитиш жараёнида янги педагогик ва ахборот технологиялари.....	16
3-Мавзу: Маъруза турлари, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказишга қўйиладиган замонавий талаблар.....	26
4-Мавзу: Мехнат таълимини жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Таълим жараёнидаги илғор хорижий тажрибалар. ....	30
5- Мавзу: Таълим мазмунини интеграциялаш турлари, йўналишлари, функциялари ҳамда ривожлантириш истиқболлари .....	47
6- Мавзу: Мехнат таълими ўқитувчисининг технологик маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик.....	55
7- Мавзу: Талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизmlари. Рейтинг тизими ва унинг дидактик воситалари: стандарт, ностандарт тест ва ўқув топшириқлари мажмуи.....	85
8- Мавзу: Мехнат таълимининг дидактик таъминоти. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари. ....	98
АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ .....	103

## **ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармонидаги устувор йўналишлар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у замонавий талаблар асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг мазмунини такомиллаштириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қиласди.

Дастур мазмуни олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари ва қонунчилик нормалари, илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат, таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш, амалий хорижий тил, тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари, маҳсус фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, технологик тараққиёт ва ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг касбий компетентлиги ва креативлиги, глобал Интернет тармоғи, мультимедиа тизимлари ва масофадан ўқитиши усусларини ўзлаштириш бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришни назарда тутади.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, бу орқали олий таълим муассасалари педагог кадрларининг соҳага оид замонавий таълим ва инновация технологиялари, илғор хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларини ўқув жараёнига кенг татбиқ этиш, чет тилларини интенсив ўзлаштириш даражасини ошириш ҳисобига уларнинг касб маҳоратини, илмий фаолиятини мунтазам юксалтириш, олий таълим муассасаларида ўқув-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришни тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, педагогик вазиятларда оптималь қарорлар қабул қилиш билан боғлиқ компетенцияларга эга бўлишлари таъминланади.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг маҳсус фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар ўзгартирилиши мумкин.

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

“Меҳнат таълимини ўқитища замонавий ёндашувлар” модулининг **мақсади** Меҳнат таълими ўқитувчиларининг ўқув-тарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Модулнинг **вазифалариға** қўйидагилар киради:

- меҳнат таълимидағи инновациялардан таълим жараёнида фойдаланиш;
- меҳнат таълими дарсларида талабаларнинг фаоллигини оширишга хизмат қиласиган интерфаол таълим шакллари, методлари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- меҳнат таълими фанларини ўқитища ривожланган мамлакатлардаги илғор тажрибалардан фойдаланиш;
- меҳнат таълими жараёнида талабаларнинг билимларини объектив баҳолаш механизmlари, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт ўқув ва тест топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;
- меҳнат таълими жараёнида талабаларда мустақил равища билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш, уларга раҳбарлик қилиш;
- меҳнат таълими ўқитиши жараёнида талабаларнинг мустақил таълими ва ижодий изланишларини ташкил этиш, курс иши, битирув малакавий иши, магистрлик диссертациясининг узвийлигини таъминлаш.

## **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

- меҳнат таълими ўқитувчисининг педагогик фаолиятини лойиҳалаштириш;
  - модератор ўқитувчиларнинг илғор иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўзининг педагогик фаолиятини такомиллаштириш;
  - меҳнат таълими фанларини ўқитиши жараёнида талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизmlарини, рейтинг назоратда қўллашга қаратилган дидактик воситалар: стандарт ва ностандарт тестлар ҳамда ўқув топшириқлари мажмуасини ишлаб чиқиш;
  - меҳнат таълими бўйича ўқув ахборотини қайта ишлаш, муаммоли вазият, Кейс-стади топшириқларини тузиш;
- Меҳнат таълими жараёнида талабаларда мустақил равища билимларни янада орттириб боришга бўлган эҳтиёжни шакллантириш, мустақил иш вазифаларини табақалаштириш, мустақил иш ва ижодий изланишларини ташкил этиш.

## **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Меҳнат таълимини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модули бўйича машғулотлар ўқув режасидаги “Илгор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” ўқув модулининг “Педагогик компетентлик ва креативлик асослари” ва “Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илгор хорижий тажрибалар” модуллари, шунингдек, “Таълим жараёнларида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” ўқув модули билан узвий алоқадорликда олиб борилади.

### **Модулнинг ҳажми ва мазмуни**

Модулни ўқитиш учун 44 соат ҳажмда ўқув юкламаси ажратилган бўлиб, унинг 16 соати маъруза, 24 соати амалий машғулотлар ва 4 соати мустақил таълим учун мўлжалланган.

### **“Меҳнат таълимини ўқитишда замонавий ёндашувлар” модули бўйича соатлар тақсимоти**

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					Мустақил таълим	
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси			Жумладан		
			Жами	Назарий	Амалий машғулот			
1.	Меҳнат таълимининг дидактик тамойиллари. Меҳнат таълими мазмунини белгилашда норматив-мейёрий ҳужжатлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш технологияси.	2	2	2				
2.	Меҳнат таълимини ўқитиш шакли, метод ва воситалари. Меҳнат таълими ўқитиш жараённида янги педагогик ва ахборот технологиялари.	4	4	2	2			
3.	Маъруза турлари, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказишга қўйиладиган замонавий талаблар	4	4	2	2			
4.	Меҳнат таълимини жараённида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва	4	4	2	2			

	узлуксизлиги. Таълим жараёнидаги илғор хорижий тажрибалар.					
5.	Таълим мазмунини интеграциялаш турлари, йўналишлари, функциялари ҳамда ривожлантириш истиқболлари.	4	4	2	2	
6.	Мехнат таълими ўқитувчисининг технологик маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик	6	6	2	4	
7.	Талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизмлари. Рейтинг тизими ва унинг дидактик воситалари: стандарт, ностандарт тест ва ўқув топшириқлари мажмуи.	6	6	2	4	
8.	Мехнат таълим мининг дидактик таъминоти. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари	8	6	2	4	2
9.	Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси. Талабалар илмий тадқиқот ишларни ташкил этиш	6	4		4	2
<b>Жами:</b>		<b>44</b>	<b>40</b>	<b>16</b>	<b>24</b>	<b>4</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу. Мехнат таълим мининг дидактик тамойиллари. Мехнат таълими мазмунини белгилашда норматив-меъёрий хужжатлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш технологияси.(2 соат)**

Мехнат таълими фанининг таълим муассасаси ўқув режасида тутган ўрни. Мехнат таълими фанининг мақсади ва вазифалари. Мехнат таълими фанидан узвийлаштирилган ДТС мазмуни.

**2-Мавзу.Мехнат таълим мини ўқитиш шакли, метод ва воситалари. Мехнат таълими ўқитиш жараёнида янги педагогик ва ахборот технологиялари. (2 соат).**

Мехнат таълими дарсларида амалий дарсларни ташкил этиш. Дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш. Мехнат таълими жараёнида замонавий

таълим технологияларини қўллаш. Меҳнат таълимини ўқитиш шакли, метод ва воситалари. Меҳнат таълими ўқитиш жараёнида янги педагогик ва ахборот технологиялари.

**3-Мавзу. Маъруза турлари, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказишга қўйиладиган замонавий талаблар. (2 соат)**

Ўқув устахоналарига қўйиладиган талаблар. Газламага ишлов бериш устахоналарининг жихозланиши. Пазандачилик устахоналаарининг жихозланиши. Маъруза турлари. Амалий, семинар машғулотларига қўйиладиган талаблар. Лабаратория машғулотларига қўйиладиган заонавий талаблар.

**4-Мавзу. Меҳнат таълимини жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Таълим жараёнидаги илғор хорижий тажрибалар. (2 соат)**

Ўқувчиларни касб танлашига таъсир кўрсатувчи омиллар. Ўқувчиларни меҳнат ва касбий таълим жараёнида касбга йўналтириш ишлари. Умумтаълим ўқув предметларини касбга йўналтириб ўқитиш методикаси. Меҳнат таълимини жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Таълим жараёнидаги илғор хорижий тажрибалар.

**5-Мавзу. Таълим мазмунини интеграциялаш турлари, йўналишлари, функциялари ҳамда ривожлантириш истиқболлари. (2 соат)**

Касб танлашга йўллашнинг тарихий тараққиёти. Меҳнат таълими жарёнида касб танлашга йўллаш. Таълим мазмунини интеграциялаш турлари. Таълим мазмунинг йўналишлари, функциялари ҳамда ривожлантириш истиқболлари.

**6-Мавзу. Меҳнат таълими ўқитувчисининг технологик маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик(2 соат)**

Меҳнат таълими ўқитувчисининг технологик маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва услуксизлик. Курс ишини бажаришдан мақсад ва тузилиши. Курс ишини бажариш юзасидан кўрсатмалар. Курс ишини ҳимоя қилиш тартиби. Битирув малакавий ишлари бажариш. Битирув малакавий ишиниг мақсад ва вазифалари. Битирув малакавий ишлар мавзуларини танлаш ва тасдиқлаш тартиби. Битирув малакавий ишни бажариш жараёнига тайёргарлик.

**7-мавзу. Талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизmlари. Рейтинг тизими ва унинг дидактик воситалари: стандарт, ностандарт тест ва ўқув топшириклари мажмуи. (2 соат)**

Мехнат таълими, касб танлашга йўллаш дарслари жараёнида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларни баҳолаш ва унинг аҳамияти. Баҳолашда хисобга олинадиган омиллар. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш мезонлари. Нима учун баҳолаш керак. Нимани баҳолаш керак. Қачон баҳолаш керак. Баҳолашнинг асосий хусусиятлари.

**8-Мавзу. Мехнат таълимининг дидактик таъминоти.**  
**Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари. (2 соат)**

Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари. Мустақил таълим ва уни ташкил этиш методикаси. Талабалар илмий тадқиқот ишларни ташкил этиш.

### **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва Инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

#### **Норматив-хуқуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.

2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.

3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
4. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.
5. Толипов Ў., Усмонбоева М. Педагогик технологияларнинг тадбиқий асослари – Т.: 2006. – 163 б.
1. Абдуқодиров А.А., Астанова Ф.А., Абдуқодирова Ф.А. “Case-study” услуби: назария, амалиёт ва тажриба. – Т.: “Тафаккур қаноти”, 2012. – 134 б.
2. Абдуллаева Қ., Гаипова Н., Гафурова М., Тикувчилик буюмларини лойиҳалаш, моделлаш ва бадиий безаш. //Ўқув қўлланма. – Т.: “Ношир”, 2010. – 240 б.
3. Абдуллаева Қ.М. ва бошқалар. Газламага бадиий ишлов бериш, каштачилик ва уни ўқитиш методикаси. – Т.: “Нисо”, 2012. – 260 б.
4. Абдуллаева Қ.М. ва бошқалар. Пазандачиликка ўргатиш методикаси. – Т.: ТДПУ, 2012. – 104 б.
5. Голиш Л.В., Файзуллаева Д.М. Педагогик технологияларни лойиҳалаштириш ва режалаштириш. – Т.: “Иқтисодиёт”, 2011. – 208б.
6. Ишмуҳамедов Р, Абдуқодиров А, Пардаев А. Таълимда Инновацион технологиялар. – Т.: “Истеъдод”, 2008. – 180 б.
7. Қўйсинов О.А. ва б. “Меҳнат таълими методикаси, касб танлашга йўллаш” фанидан лаборатория машғулотлари. – Т.: ТДПУ, 2013. – 168 б.
8. Муслимов Н. ва бошқалар. Касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантириш технологияси. – Т.: «Фан ва технологиялар», 2013. – 64 б.
9. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. Монография. – Т.: “Фан”, 2004. – 126 б.
10. Ходиев Б.Ю., Голиш Л.В., Рихсимбоев О.К. Кейс стади – современная технология обучения в экономическом вузе. – Т.: SIGMA-PRINT, 2012. – 176 с.
11. Н.А.Муслимов Бўлажак ўқитувчининг лойиҳалаш фаолияти. – Т.: 2012. 104 б.
6. Муслимов Н. ва бошқалар. Мехнат таълими методикаси. Касб танлашга йўллаш. Дарслик – Т.: 2014. – 230 б.

## МАЪРУЗАЛАР МАТНИ

### **1-Мавзу: Меҳнат таълимининг дидактик тамойиллари. Меҳнат таълими мазмунини белгилашда норматив-меъёрий ҳужжатлар, уларни режалаштириш, ташкил этиш ва тайёрлаш технологияси**

Режа:

1. Меҳнат таълими фанининг таълим муассасаси ўкув режасида тутган ўрни.
2. Меҳнат таълими фанининг мақсади ва вазифалари.
3. Меҳнат таълими фанидан узвийлаштирилган ДТС мазмуни.

**Таянч тушунчалар:** Давлат таълим стандарти, таълим мазмуни, узвийлик, узликсизлик, юклама, сервис, технология, техника, ўкув режа, дастур.

Умумий ўрта таълим давлат таълим стандарти ўкувчилар умумтаълим тайёргарлигига, савиясига қўйиладиган мажбурий минимал даражани белгилаб беради.

Давлат таълим стандарти таълим мазмуни, шакллари, воситалари, усулларини, унинг сифатини баҳолаш тартибини белгилайди.

Таълим мазмунининг ўзаги хисобланган стандартат воситасида мамлакат ҳудудида фаолият кўрсатаётган турли муассасаларида таълимнинг барқарор даражасини таъминлаш шарти амалга оширилади. Давлат таълим стандарти ўз моҳиятига кўра ўкув низомлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни яратиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти ўзининг тузилиши ва мазмунигша кўра давлат, ҳудуд, таълим муассасаси манфаатлари ва воситалари мувозанатини акс эттиради ҳамда энг асосийси ўкувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишлари устиворлигидан келиб чиқади.

Давлат таълим стандартини бажариш Ўзбекистон республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган мулкчилик шакли ва идоравий бўйсунишидан қатъий назар барча таълим муассасалари учун мажбурийдир.

Бу стандарт умумий ўрта таълим Таълим муассасасилари учун ўкув дастури, ўкув методик кўлланма, дарслик ва бошқа меёрий материалларни ишлаб чиқиш, ўкув тарбия жараёнини ташкил этиш, ҳамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган меёрий ҳужжатдир.

Умумий ўрта таълим Таълим муассасасида меҳнат таълими фанини ўқитишининг мақсади - ўкувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар турлари билан таништириш, уларда дастлабки меҳнат кўниқмалари ва малакаларини, меҳнатга қизиқиш ва меҳнатсеварликни шакллантириш, уларни меҳнат ва касбларни қадрлаш, уларни аҳамиятини тушунтиришга ўргатиш ҳамда касб танлашга тайёрлаш орқали уларнинг касбгача бўлган тайёргарликларини амалга оширишдан иборат.

Умумий ўрта таълим Таълим муассасасиларининг ўкув режасида

мехнат таълими ўқув фанига 1-4 синфларида ҳафтасига бир соатдан, 5-7 синфларида ҳафтасига икки соатдан ва 8-9 синфларида ҳафтасига бир соатдан, ҳаммаси бўлиб 407 соат вақт ажратилган.

Ушбу йўналишларнинг ҳар бири юзасидан қуидаги билимлар бўйича ўзаро уйғунлаштирилган назарий билимлар берилади ва амалий иш кўникмалари шакллантирилади.

1. Материалшунослик асослари
2. Асбоб-ускуналар ҳақида маълумот ва ишлатиш усуллари
3. Машина механизм, станоклар ва мосламаларнинг тузилиши ва ишлатиш асослари

4. Махсулотлар ишлаб чиқариш технологияси

5. Халқ ҳунармандчилиги касблари бўйича умумий маълумотлар бериш ва ўзаро турдош учта касб йўналиши бўйича касбгача тайёргарликни амалга ошириш.

Бундан ташқари ҳар бир асосий йўналиши бўйича уй-рўзғор маданияти ва унга тегишли таъмирлаш ишларини бажариш кўникмалари шакллантириб борилади.

Ҳар бир йўналиш бўйича ишлатиладиган электротехника воситалари, улардан тўғри фойдаланиш ҳамда таъмирлаш ишлари ўргатилади.

Ҳар бир асосий йўналиш бўйича компьютер техникаларидан фойдаланиш масалалари юзасидан дастлабки маълумотларни бериш кўзда тутилади.

Ҳар бир дарс мазмунига боғлиқ ҳолда иқтисодий, хуқуқий, экологик билимлар ҳамда хавфсизлик техникаси қоидалари ўзаро уйғунлаштирилган ҳолда ўргатиб борилади.

Мехнат таълими дарсларида ўқувчилар касблар турларига оид билим кўникма ва малакалар Таълим муассасаси жойлашган ҳудуддаги имконият ва эҳтиёжларни хисобга олган ҳолда танланадиган касблар асосида шакллантирилади.

Мустақил Ўзбекистон давлати ташкил этилиши билан ҳукumat дастлабки ислоҳотларни фан ва таълимни ривожлантиришига алоҳида эътибор беришдан бошлади.

Бу борада расмий ҳужжатларни қабул қилишида «Таълим тўғрисида»га ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» қонунларида янги авлодни ўқитиш ва тарбиялаш, улар учун хос кадрлар тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ҳамда бошқа кетма-кет қабул этилган норматив ҳужжатлар билан таълим ва тарбияни миллий истиқлол талабларига жавоб бердиган мазмуни ДТСлар асосларида ишлаб чиқилган. Уларни ўқитиш учун янги педагогик технологиялар, дарсларни ўтишга қаратилган методикалар ишлаб чиқилган.

Хусусан, ўқувчиларни меҳнат таълими соҳасида амалий замини билан бир қаторда янги компьютер ахборот технологиясини ишлаб чиқди ва бу жараённи жорий этиш зарур тадбирлардан бири бўлиб қолди. Мазкур мақсадга эришишга қўшимча 2004 йил 20 февралда қабул этилган

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда Таълим муассасаси таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурида” давлат сиёсати стратегияси сифатида эътироф этилди. Таълимни модернизатсиялаш стратегиясининг асосий натижаси Таълим муассасаси битиравчилари қобилияти, билим, кўникма ва маалаакалари, касбий тайёргарлигига намоён бўлади

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, таълим мазмунини янгилаш деганда таълимнинг амалдаги мазмунидан воз кечиш, деган фикр тушунилмаслик керак. Таълим мазмунини биринчи навбатда фан-техника, ишлаб чиқариш ҳамда жамият ҳаётининг ижтимоий, сиёсий, маънавий ўзгаришларини ўзида ифодалай олиши керак. Шундагина таълим ўкувчи шахсига нисбатан ривожлантирувчи характер касб этиши керак.

Таълим жараёни якунида кўзда тутилган натижаларга, эришиш учун куйидагиларни амалга ошириш лозим:

1. Ўкув режасида ортиқча ўкув юкламаларининг миқдорини камайтириш, яъни такрор ва адекват ўкув материалларини интеграллаштиришга эришиш.
2. Шахсга йўналтирилган таълим жараёнини ташкил этишдан иборат.
3. Талим мазмуни ўкувчиларни ривожлантирувчи аҳамият касб этиши, уларнинг ёшига мослиги билан белгиланишини таъминлаш.

Юқоридагиларни назарда тутган холда Умумий ўрта таълим Таълим муассасасилари “Мехнат таълими” фанидан узвийлиги ва узлуксизлиги таъминланган ҳамда оптималлаштирилган Давлат таълими стандарти, ўкув дастурлари ишлаб чиқилди.

Амалдаги Давлат таълим стандарти шарҳига кўра ўкувчилар 5-9 синфлардаги меҳнат таълими жараёнида мавжуд бешта йўналишларидан фақат биттаси бўйича таҳсил олиши белгилаб берилган бўлиб, ўкувчиларни халқ хўжалиги, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тайёрлов йўналишлари, мутахассисликлар ва касблар таснифлагичи тузилмаси ва талабларига мувофиқтайёрлаш билан боғлиқ имкониятлари ҳамда боланинг қизиқишилари чеклаб қўйилган эди. Касб танлашга йўллаш ишлари фақатгина 8-9 синфларда қисман ўрганилиши ўкувчиларда қуи синфлардан касб-хунарлар тўғрисидаги тушунчаларни тизимли шакллантириш имконини бермайди. Бу эса таълим мазмунини интегратсиялаш принципини тўлақонли амалга оширишга тўсқинлик қилмоқда.

Ишчи гурӯҳ томонидан Давлат таълим стандарти шарҳларида ўкувчиларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мос келмайдиган, фанлараро боғланишни таъминламайдиган кўпгина мавзулар чиқарилиб, меҳнат таълими йўналишлари ўзаро интегратсиялаштирилиб, 5та йўналиш Зтага келтирилди, яъни: “Газламага ишлов бериш технологияси” ва “Пазандачилик асослари” йўналишлари мазмунан умумлаштирилиб, ягона “Сервис хизмати”; “Ёғочга ишлов бериш технологияси” ва “Металга ишлов бериш технологияси” йўналишлари умумлаштирилиб ягона “Технология ва дизайн” йўналиши мазмуни ишлаб чиқилди. “Қишлоқ хўжалиги асослари”

йўналиши замонавий талаблар даражасида модернизатсия қилиниб. Унинг мазмуни ҳамда ишлаб чиқариш асослари ва касб танлашга йўллашга оид билимлар билан тўлдирилди.

Меҳнат таълими фани бўйича умумий ўрта таълим мининг ўқув юкламаларини оптималлаштириш натижалари: Ишчи гурухлар хулосалари ва таҳлиллари, Илмий методик Кенгаш тавсиялари асосида умумий ўрта таълим Таълим муассасасиларида “Меҳнат таълими” фанидан 5та йўналиш бўйича ҳар бирiga ажратилган 68 соатдан 68 та мавзулар (йиллик юкламанинг 100%) оптималлаштирилди.

### **Ўқув юкламаларини оптималлаштириш синфлар кесимида қуйидагича амалга оширилди:**

#### **5-синф.**

“Технология ва дизайн” йўналишига “Металга ишлов бериш технологияси” бўлимидан 18 соат ҳисобидан 18та мавзу “Ёғочга ишлов бериш технологияси” бўлимидан 42 соат ҳисобидан 42 та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Електротехника ишлари” (4соат), “Уй рўзгор буюмларини таъмирлаш” (4соат) бўлиmlари киритилди.

“Сервис хизмати” Йўналишига: “Пазандачилик асослари” бўлимидан 18 соат ҳисобидан 18та мавзу, “Газламага ишлов бериш технологияси” бўлимидан 48 соат ҳисобидан 48та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Буюмларни таъмирлаш технологияси” (2 соат) бўлими киритилди.

“Кишлоқ хўжалик асослари” йўналишига 68 соат ҳисобидан 8 соат ҳажмдаги 8та мавзу чиқарилиб, шу соатлар ҳисобидан янгитдан “Електротехника ишлари” (4соат), “Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш” (4 соат) бўлиmlари киритилди.

#### **6-синф**

“Технология ва дизайн” йўналишига “Металга ишлов бериш технологияси” бўлимидан 18 соат ҳисобидан 18та мавзу “Ёғочга ишлов бериш технологияси” бўлимидан 40 соат ҳисобидан 40 та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Електротехника ишлари” (6соат), “Уй рўзгор буюмларини таъмирлаш” (4соат) бўлиmlари киритилди.

“Сервис хизмати” Йўналишига: “Пазандачилик асослари” бўлимидан 18 соат ҳисобидан 18та мавзу, “Газламага ишлов бериш технологияси” бўлимидан 48 соат ҳисобидан 48та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Буюмларни таъмирлаш технологияси” (2 соат) бўлими киритилди.

“Кишлоқ хўжалик асослари” йўналишига 68 соат ҳисобидан 10 соат ҳажмдаги 10та мавзу чиқарилиб, шу соатлар ҳисобидан янгитдан “Електротехника ишлари” (6соат), “Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш” (4 соат) бўлиmlари киритилди.

#### **7-синф**

“Технология ва дизайн” йўналишига “Металга ишлов бериш технологияси” бўлимидан 18 соат ҳисобидан 18та мавзу “Ёғочга ишлов бериш технологияси” бўлимидан 38 соат ҳисобидан 38 та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Електротехника ишлари” (8соат), “Уй рўзгор буюмларини таъмирлаш” (4соат) бўлиmlари киритилди.

“Сервис хизмати” Йўналишига: “Пазандачилик асослари” бўлимидан 18 соат ҳисобидан 18та мавзу, “Газламага ишлов бериш технологияси” бўлимидан 46 соат ҳисобидан 46та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Буюмларни таъмирлаш технологияси” (4 соат) бўлими киритилди.

“Кишлоқ хўжалик асослари” йўналишига 68 соат ҳисобидан 12 соат ҳажмдаги 12та мавзу чиқарилиб, шу соатлар ҳисобидан янгитдан “Електротехника ишлари” (8соат), “Уй-рўзгор буюмларини таъмирлаш” (4 соат) бўлиmlари киритилди.

### **8-синф**

“Технология ва дизайн” йўналишига “Ишлаб чиқариш асослари” бўлимидан 16 соат ҳисобидан 16та мавзу “Касб танлашга йўллаш” бўлимидан 4 соат ҳисобидан 4та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Ҳалқ хунармандчилиги технологияси” бўлими (14соат) киритилди.

“Сервис хизмати” Йўналишига: “Ишлаб чиқариш асослари” бўлимидан 16 соат ҳисобидан 16та мавзу, “Касб танлашга йўллаш” бўлимидан 4 соат ҳисобидан 4та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Ҳалқ хунармандчилиги технологияси” (14 соат) бўлими киритилди.

“Кишлоқ хўжалик асослари” йўналишига “Ишлаб чиқариш асослари” бўлимидан 30 соат ҳисобидан 30та мавзу, “Касб танлашга йўллаш” бўлимидан (4 соат) ҳисобидан 4та мавзулар танлаб олинди.

### **9-синф**

“Технология ва дизайн” йўналишига “Ишлаб чиқариш асослари” бўлимидан 16 соат ҳисобидан 16та мавзу “Касб танлашга йўллаш” бўлимидан 8 соат ҳисобидан 8та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Ҳалқ хунармандчилиги технологияси” бўлими (10соат) киритилди.

“Сервис хизмати” Йўналишига: “Ишлаб чиқариш асослари” бўлимидан 16 соат ҳисобидан 16та мавзу, “Касб танлашга йўллаш” бўлимидан 8 соат ҳисобидан 8та мавзулар танлаб олинди. Янгитдан “Ҳалқ хунармандчилиги технологияси” (10 соат) бўлими киритилди.

“Кишлоқ хўжалик асослари” йўналишига “Ишлаб чиқариш асослари” бўлимидан 26 соат ҳисобидан 26та мавзу, “Касб танлашга йўллаш” бўлимидан (8 соат) ҳисобидан 8та мавзулар танлаб олинди.

## **Назорат саволлари**

- Мехнат таълими фанининг таълим муассасаси ўкув режасида тутган ўрнини айтиб беринг.
- Мехнат таълими фанининг мақсади ва вазифаларини айтиб беринг.
- Мехнат таълими фанидан узвийлаштирилган ДТС мазмунига кўйиладиган талабларни айтиб беринг.

## **Адабиётлар руйхати**

- Муслимов Н., Шарипов Ш., Мехнат таълимини ўқитиш методикаси. Тошкент 2008й 430б.
- Давлатов К., Воробёв А., Каримов И. Мехнат ва касб таълими назарияси ҳамда методикаси. - Тошкент., Ўқитувчи, 1992. - 320 б.

3. Шарипов Ш.С., Шамсийева З. Мөхнат таълими фанидан узвийлаштирилган ўкув дастурлари асосида назорат ишларини ўтказиш бўйича методик тавсиялар (1-9- синфлар) “Қалдирғоч нашриёти” Тошкент. - 2010 й. – 80 б.

**2- Мавзу: Мехнат таълимини ўқитиш шакли, метод ва воситалари.**  
**Мехнат таълими ўқитиш жараёнида янги педагогик ва ахборот технологиялари.**

Режа:

1. Мехнат таълими дарсларида амалий дарсларни ташкил этиш.
2. Дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш.
3. Мехнат таълими жараёнида замонавий таълим технологияларини кўллаш.

**Таянч тушунчалар:** дарс, амалий дарслар, замонавий таълим технологиялари,

1. **Мехнат таълими дарсларида амалий дарсларни ташкил этиш.**

<b>Маърузага ажратилган вакт – 2 с</b>	Тингловчилар сони – 34 та
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Маълумотли маъруза
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Амалий дарсларга тайёргарлик.</li> <li>2. Дарс жараёнида ўқитувчининг вазифаси.</li> <li>3. Хавфизлик техникасига эътибор.</li> <li>4. Йўриқномаларни ўтказиш.</li> <li>5. Дарсни якунлаш.</li> </ol>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Тингловчиларга меҳнат таълими дарсларида амалий дарсларни ташкил қилиш услубини ўргатиш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Амалий дарсларга тайёргарлик ва унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш.</li> <li>• Дарс жараёнида ўқитувчининг вазифаси ҳақида тушунчалар бериш.</li> <li>• Хавфизлик техникасига эътибор мазмунини очиб бериш</li> <li>• Йўриқномаларни ўтказиш ҳақида маълумот бериш.</li> <li>• Дарсни якунлаш мазмунини ўргатиш.</li> </ul>	<p><b>Ўқув фаолияти натижалари:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Амалий дарсларга тайёргарлик ва унинг мазмун-моҳиятини ҳақида маълумотга эга бўладилар</li> <li>• Дарс жараёнида ўқитувчининг вазифаси ҳақида тушунча ҳосил бўлади.</li> <li>• Хавфизлик техникасига эътибор мазмуни билан танишадилар</li> <li>• Йўриқномаларни ўтказиш ҳақида маълумотга эга бўладилар.</li> <li>• Дарсни якунлаш мазмунини ўргатиш</li> </ul>
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, сухбат, “Еркин ёзиш” интерфаол методи, Тоифалаш жадвали
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, гурӯҳли
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентатсия
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

Иш босқичлари ва вакти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тингловчиларга беш минут вакт ичида ўтилган мавзу юзасидан саволларга жавоб ёзиш вазифаси берилади.</li> </ul> <p><b>1-илова</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Баъзи тингловчиларнинг эркин ёзишларини эшигади</li> <li>Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади.</li> </ul> <p><b>2-илова</b></p>	<b>1-босқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Амалий дарсларга тайёргарлик ва унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш.</li> </ul> <p><b>3-илова</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Дарс жараёнида ўқитувчининг вазифаси ҳақида тушунчалар бериш. 4-5-иловалар</li> <li>Хавфсизлик техникасига эътибор мазмунини очиб бериш 6-7 иловалар</li> <li>Йўриқномаларни ўtkазиш тартиби билан таништиради.</li> </ul> <p><b>8-9 илова</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Дарсни якунлаш мазмунини ўргатиш.</li> </ul> <p><b>10 илова</b></p>	<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>. Тингловчиларга Тоифалаш жадвалини тақдим этади.</li> </ul> <p><b>11-илова</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>Тоифалаш жадвали асосида</li> </ul>	<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>

	<p>саволни бериш орқали тингловчиларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.</p> <p><b>12-илова</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.</li> <li>• Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан танишитиради.</li> </ul>	
--	---	--

### 1-илова

#### **Тезкор савол:**

- 1.Амалий дарслар жараёнида асосан нимага эътибор бериш лозим?
- 2.Дарс жараёнида ўқитувчининг вазифаси нималардан иборат?

### 2-илова

**Амалий машғулот** - аниқ мақсадга қаратилган ва таълим берувчи томонидан бошқариб туриладиган, аниқ бир топшириқни бажариш учун керакли назарий дарсда олинган маҳсус билимлар асосида малака ва кўникумалар шакллантириш мақсадида олиб бориладиган режали дидактик ҳаракатга айтилади.

Амалий машғулот меҳнат таълимининг таркибий қисми бўлиб, ўқув устахоналарида, лабораторияларда, ўқув полигонларида иш ўрнида жойлашган реал воситалардан фойдаланилган ҳолда ўтказилади.

Меҳнат таълими тизимининг хусусияти шуки, назария ва амалиёт бир биридан алоҳида, яъни назарий таълим ўқув аудиторияда, амалий машғулотлар устахона ва лабораторияларда амалга оширилади. Назарий дарсда керакли маҳсус билимлар амалий дарсга нисбатан илгарироқ берилиши таъминланиши керак. Амалий машғулотларда таълим берувчи иш ўрнида фақат иш топшириқларига тегишли қўшимча билимларни

### 3-илова

**Дарсни режалаштириши** - кутилаётган ўқув натижаларига эришиш мақсадида ўқув жараёнига тайёргарлик кўриш: таълим методларини танлаш, тарқатма материаллар ва ўқув-дидактик воситалар тайёрлаш.

Барча имкониятларни инобатга олган ҳолда, бир марта тузилган режада ўзгаришлар бўлмаслигига ҳаракат қилиш керак. Таълим берувчи учун

режалаштириш ўқув жараёнини бошқаришда хатоларга йўл қоймаслик деганидир. Таълим олувчи учун режалаштириш, у бўлажак ўқув жараёни тўғрисида ва таълимдан нималарни кутиши мумкинлиги ҳақидаги аниқ тасаввурга эга бўлиши деганидир.

#### 4-илова

##### *Дарс жараёнида ўқитувчининг вазифаси.*

Ўқитувчи навбатдаги мавзу бойича машғулотларга тайёргарлик жараёнида меҳнат топшириқларини бажариш протсессида ўқувчилар меҳнатини режалаштириш ва уюштириш шунингдек меҳнат жараёнини боришини кузатиш, унга тузатишлар киритиш ҳамда рой берадиган хатоларни бартараф қилишга жалб этилади.

Ўқувчиларни ақлий фаолиятида амалий дарсларда иштирок этиш алоҳида аҳамиятга лойиқдир. Ўқувчилар устахоналарида амалий дарсларда ҳал қилинадиган техник масалаларни икки типга: конструкторлик ва технологик масалаларга ажратиш мумкин. Конструкторлик масалаларини турларини кўриб чиқамиз.

#### 5-илова

##### **Ўқув устахоналарида хавфсизлик техникаси қоидалари**

Меҳнат таълим мининг моддий базасини тубдан яхшилаш учун барча шарт-шароитларни инобатга олиш зарур.

Ўқув устахоналарининг майдони, мавжуд лойиҳаларга кўра,  $70\text{-}90 \text{ m}^2$  ни ташкил этади. Устахоналар бир қаватли алоҳида бинога жойлашган бўлади. Улар таълим муассасасида ортиқча шовқин бўлмаслиги учун коллежнинг асосий биносидан бир оз нарироқда курилади.

Ўқув устахоналари материаллар, ярим фабрикатлар, тайёр буюмлар, шунингдек асбоблар ва мосламаларни сақлаш учун зарур ёрдамчи хоналарга эга бўлади. Устахоналарнинг поли тахтадан тайёрланиши, улар яхши табиий ва сунъий шамоллатиладиган бўлиши меъёрда табиий ва сунъий ёритилган иш ўрни бўлиши, ҳаво температураси қишида  $14\text{-}16^\circ\text{C}$ , ёз даврида эса  $20^\circ\text{C}$  дан ошмаслиги керак. Ёритиш учун табиий ёруғликдан ёки шароитга қараб кундузги ёруғлик лампаларидан фойдаланиш мақсадгага мувофиқдир.

Ўқув устахона деворлари силлиқ бўлиб, ёрқин боёқлар билан шипи оқ боёқлар билан боялиши керак. Булар хонанинг яхши ёритилишини таъминлайди. Устахонадаги жиҳозларнинг ранг жиҳатдан безатилишига ҳам эътибор бериш керак. Ёрқин, физиологик жиҳатдан асосланган боёқлар жиҳозларнинг турли қисмлари, ишланувчи объектлар билан устахонанинг умумий фони ўртасида яққол фарқ бўлишини таъминлайди.

Устахоналардаги шовқин ва тебранишнинг камайишига шовқин ютувчи ва тебранишни йўқотувчи жиҳозлардан, энг тўғри меҳнат усусларидан фойдаланиш йўли билан эришилиши мумкин.

Ўқув устахоналаридаги асбоб-ускуналарни жойлаштириш вақтида ёнфинга қарши чораларга, меҳнатни муҳофаза қилиш ва санитарияси

талабларига риоя қилиш зарур, устахоналар асбоб-ускуналар билан тўлдирилиб юбормаслиги керак. Тикув машиналар ва уларнинг орасидаги ўтиш йўллари белгиланган меъёрлар даражасида бўлиши лозим. Дастгоҳлар, тикув машиналарнинг охирги қаторлари билан устахона деворлари орасидаги масофа камида 0,5 м бўлиши керак.

Устахонада қўл ювиш, устки ва маҳсус кийим-кечаклар сақланиши учун санитария-гигиеник талабларига риоя қилган ҳолда шарт-шарот яратилган бўлиши керак.

Устахоналарнинг майдонидан оқилона фойдаланиш, уларнинг тоза бўлиши, асбоб-ускуналарнинг тўғри туриши, эстетика талабларига риоя қилиш ва намунали тартиб – буларнинг ҳаммаси ўқувчиларни интизомлилик ва давлат мулкини эҳтиёт қилиш руҳида тарбиялаш учун катта аҳамиятга эгадир.

## 6-илова

Амалий методларга машқлар, инструктаж (йўлланма)лар, ўкув қўлланмалар билан ишлаш, лаборатория тажрибалари, касбий кўнинка ва малакаларни шакллантириш киради.

**Машқлар** – меҳнат таълими жараёнини тадқиқ қилиш ҳар бир янги операцияни қисқа муддатли (5-15 минутли) машқлардан бошлиш мақсадга мувофиқдир. Бу машқларни шартли равишда таълимий машқлар дейилади. Амалий ишларни бажариш жараёнида ўқувчилар ҳар хил буюмлар тайёрлар экан, меҳнат усуслари ва ҳаракатларини бажариш бойича машқ қилишни давом эттирадилар. Бундай машқларни тайёргарлик машқлари дейилади.

Машқларга бир қанча дидактик талаблар қойилади:

Машқлар учун моддий ўкув шароити яратилиши керак.

Машқлар ўкувчининг онгли фаолиятига асосланиши керак.

Машқлар ва уларнинг элементлари қийинлиги ортиб борадиган тартибда жойлаштирилади.

Машқлар давомида ўқувчилар ўз меҳнат ҳаракатларини назорат қилишлари керак.

Машқлар давомида ўқувчилар йўл қойилган камчиликларни тезда бартараф этиш йўлларини топиш керак.

## 7-илова

**Йўлланма** – меҳнат фаолияти усусларини тушунтириш ва кўрсатиши ҳамда меҳнат фаолиятларини тўғри ва хавфсиз бажариш бойича тасаввур ҳосил қилишга ва ўқувчиларнинг амалий фаолиятларини тўғри йўналтиришга қаратилади. Йўлланма дарснинг қисми (элементи)дир. Йўлланма (инструктаж)га қуйидаги дидактик талаблар қойилади:

Йўлланма жараёнида таълимнинг ҳар хил методларидан фойдаланиш.

Йўлланма мазмунини ўқитувчи асослаши. Агар ўқитувчининг ўқувчилар

олдига қойган топшириги уларга тушунарли бўлмаса, ўқувчилар уни бажариш шартини кўпинча бузадилар, чунки улар бу нимага олиб боришини билмайдилар. Шунинг учун ўқитувчининг ҳар бир талаби асосланиши керак.

Йўлланманинг тўлалиги ва йўлланмани элементларга ажратиш. Мехнат топширигининг қийинлиги ва у қайси синфда бажарилаётганига қараб йўлланма бутун ёки ишнинг боришига қараб қисмларга ажратиб берилиши мумкин.

Йўлланмада шундай кўрсатмалар бўлиши керакки, ўқувчи улар ёрдамида ўз фаолиятларини назорат қила олиши керак.

Кириш, жорий ва якуний йўлланмалар бир-биридан фарқ қиласди.

Янги операцияни ўрганиш бойича *кириш йўлланмаси* операция характеристикасини; меҳант усулларини меъёрий ва секинлаштирилган суръатларда бажариш қоидаларини намойиш қилишни; ўз-ўзини назорат қилиш белгиларини; аниқ мехнат вазифасини ўз ичига олади.

8-илова

**Жорий йўлланма:** ўқувчилар ишини тўхтатиш – хатога йўл қойган ўқувчининг ишига эътибор бериш, ундан нотўғри ишланганлигининг сабабини тушунтириб беришини талаб қилиш, шу аснода ҳамма ўқувчилар билан сухбат ўтказиш, ўқитувчининг холосаси: ўқитувчининг тўғри усулларни кўрсатиши, хатога йўл қойган ўқувчининг усулларини хотирада тиклаши, гурухга ишни давом эттиришга рухсат беришдан иборатдир.

9-илова

**Якуний йўлланма** сифатли бажарилган ва нотўғри қилинган буюмларни намойиш қилишни, ўқувчилар ишининг умумий характеристикасини, ўқувчилар йўл қойган хатолар таҳлилини, ўқувчилар ишини баҳолашни ўз ичига олади. Кириш инструктажлари ишлаб чиқариш таълими дастурининг мавзуси, мавзучаси ёки бўлимини ўрганишдан олдин берилади. Буларнинг вазифаси ўқувчиларни ўқув-ишлаб чиқариш ишларини онгли равищада энг самарали усуллар билан бажаришга тайёрлаш, брак ва хатоларнинг олдини олиш, хавфсизлик техникаси қоидаларига риоя қилинишига эришишdir.

**Дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш мавзусидаги маълумотли маъруза таълим технологияси модели**

<b>Маърузага ажратилган вақт – 2 с</b>	<b>Тингловчилар сони – 40та</b>
<b>Ўқув машғулотининг шакли</b>	Маълумотли маъруза
<b>Ўқув машғулотининг тузилиши</b>	<p>1. Таълим муассасаси шароитида тўгаракларни ташкил этиш.</p> <p>2. Синфлар, Таълим муассасасилар, туманлараро кўргазмаларни ташкил этиш методикаси.</p> <p>3. Ўқувчиларни Таълим муассасасидан ташқари тўгаракларга жалб этиш</p> <p>4. Олимпиадаларга тайёргарлик ва уни ўtkазиш.</p>
<b>Ўқув машғулотининг мақсади</b>	Тингловчиларда дарсдан ҳамда ўқув муассасасидан ташқари машғулотларни режалаштириш ва ташкиллаштириш ҳамда бошқариш қобилиятларини шакллантириш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> 1) Экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бойича хисбот ишларининг мазмун ва моҳиятини очиб бериш; 2) Тўгарак ишларининг режаларини тузиш. Тўгарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўлларини тушунтириб бериш; 3) Оммавий тадбирларни ташкиллаштиришга доир маълумотларни тушунтириш.	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бойича хисбот ишларини амалга оширишни ўзлаштирадилар; тўгарак ишларининг режаларини тузиш, тўгарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўлларини ва бошқариш усуллари билан танишадилар; тадбирларни ташкиллаштириш ва бошқаришга доир тасаввурлар шаклланади;
<b>Таълим методи</b>	Маъруза, тушунтириш, сухбат, интерфаол методи, “Тоифалаш жадвали” график органайзери
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>	Маъруза, оммавий, гурухли
<b>Дидактик воситалар</b>	Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>	Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>	Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

## Маълумотли маърузанинг технологик картаси

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
<b>1-босқич. Ўқув машиғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<p>1.1. Тингловчиларга Таълим муассасаси шароитида тўгаракларни ташкил этиш дастлабки билимларига таянган ҳолда қисқа маълумотларни тайёрлаш вазифаси берилади.</p> <p>1.2. Синфлар, Таълим муассасасилар, туманлараро кўргазмаларни ташкил этиш тўғрисидаги маълумотларни тинглашади.</p> <p>1.3. Тўгарак ишларининг режаларини тузиш. Тўгарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўлларини баён этади ва таништиради.</p> <p>1.4. Олимпиадаларга тайёргарлик ва уни ўтказиш. ишлари билан таништиради.</p>	<p>Ешитадилар. Ёзib оладилар</p> <p>Бахс-мунозара олиб борадилар ва ўз фикрларини бошқалар билан ўртоқлашадилар.</p> <p>Хулосалар чиқарадилар.</p>
<b>2-босқич. Асосий (Англаш босқичи) (50 минут)</b>	<p>2.1. Синфдан ва Таълим муассасасидан ташқари ишларни ташкил этиш мавзу бойича маъруза матнини тарқатади, унинг режаси ва асосий тушунчалари билан танишишни таклиф этишади.</p> <p>2.3. Синфлар, Таълим муассасасилар, туманлараро кўргазмаларни ташкил этиш унинг якуни бойича ҳисобот ишларини тақдимот технологияси ёрдамида баён этади.</p> <p>2.4. Тўгарак ишларининг режаларини тузиш. Тўгарак қатнашчиларининг фаоллигини ошириш йўллари тўғрисидаги маълумотлар билан таништиради.</p> <p>2.5. Олимпиадаларга тайёргарлик ва уни ўтказиш, ташкиллаштириш йўл-йўриклари тўғрисидаги маълумотларни этказади.</p>	<p>Тинглайдилар, савол-жавобларда иштирок этишади, муҳим чизма ва жадвалларни ўз дафтарларига қайд этишади.</p>
<b>3-босқич. Якуний (Фикрлаш босқичи) (20 минут)</b>	<p>3.1. Тингловчиларга синфдан ҳамда Таълим муассасасидан ташқари ишларни режалаштириш ва ташкиллаштириш ўргатиш ҳақидаги тасаввурларини бойитиш мақсадида “Тоифалаш жадвали” график органайзерини тақдим</p>	<p>“Тоифалаш жадвали” график органайзерини гурухларда тўлдиришади.</p>

	<p>этади.</p> <p>3.2. “Тоифалаш жадвали” график органайзерини намойиш эттириш орқали экскурсияларни тайёрлаш, ўтказиш ҳамда унинг якуни бойича ҳисобот ишларини ташкил этиш тўғрисида тингловчиларнинг умумий тасаввурларини аниқлайди.</p> <p>3.3. Мавзу бойича тингловчиларда аниқ хуносалар, тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайta тушунтиради.</p> <p>3.4. Тингловчиларни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</p>	<p>Ўз фикрларини бойитади ва тўлдиради.</p> <p>Топшириқни ёзib олишади.</p>
--	--	---

1-илова.

### **Таълим муассасаси шароитида тўгаракларни ташкил этиш.**

Синфдан ташқари ишлар ўз ичига Таълим муассасасида ва Таълим муассасасидан ташқарида ўқувчиларни ўқитиш ва меҳнатга тарбиялашни умумлаштиради. Дарсдан ташқари ишлар ўқув-тарбиявий протесссининг ажralmas қисми ҳисобланади.

Дурадгорлик, чилангарлик, токарлик, автомобил, электротехника, тикувчилик, каштачилик, зардўзлик, таом тайёрлаш каби тўгаракларни ташкил этиш мумкун. Меҳнат тўгарагига қараб ташкил қилинадиган бундай тўгаракларнинг мақсади ўқувчиларнинг маҳсус техникавий билимларини ва меҳнат кўниkmаларини ҳамда малакаларини мазкур меҳнат турига тадбиран кенгайтириш ва чуқурлаштиришдан иборатdir. Тўгарак аъзолари ўқув устахоналари ва кабинетларини жихозлашда, уларни кўргазмали қуроллар ва мосламалар, техникавий-технологик хужжатлар ва х.к. билан таъминлашда актив қатнашадилар.

2-илова.

### **2. Таълим муассасалар, туманлараро кўргазмаларни ташкил этиш тартибини тузиб чикинг**

3-илова.

### **“Тоифалаш жадвали” график органайзерини**

<b>Синфдан ва Таълим муассасасидан ташқари ишлар</b>		
<b>Кўргазмалар</b>	<b>Тўгараклар</b>	<b>Олимпиадалар</b>

## **Назорат саволари**

1. Мәхнат таълими дарсларида амалий дарсларни ташкил этишшалларини айтиб беринг.
2. Дарсдан ташқари ишларни ташкил этиш шалларини айтиб беринг.
3. Мәхнат таълими жараёнида замонавий таълим технологияларини қўллаш тартибини тушунтириб беринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
4. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.

### **З-Мавзу: Маъруза турлари, амалий, семинар ва лаборатория машғулотларини ўтказишга қўйиладиган замонавий талаблар**

#### **Режа:**

1. Ўқув устахоналарига қўйиладиган талаблар.
2. Газламага ишлов бериш устахоналарининг жиҳозланиши.
3. Пазандачилик устахоналаарининг жиҳозланиши.

**Таянч тушунчалар:** машғулот, маруза, амалий, семинар, лаборатория, таълим мақсади, тарбиявий мақсад, ривожлантирувчи мақсади, педагогик талаблар, илмий талаблар.

Таълим муассасаси таълим тизимини тубдан яхшилашни; энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартлари шакллантирилишини; яшаш жойидан қатъи назар, қишлоқ ва шаҳар Таълим муассасаси ларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратилишини; ўқитувчилар меҳнати ҳар томонлама рағбатлантирилишини кўзда тутувчи Давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифалари маъқулланди.

Таълим муассасасида ўқитиладиган меҳнат таълими фанининг мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан дастлабки таништириш, касб танлашга тайёрлаш меҳнатга қизиқтириш ҳамда меҳнатсеварликни шакллантириш орқали уларнинг касбгacha тайёргарликларини амалга оширишдан иборат. Бу мақсаднинг таркибида таълим-тарбия ва ривожлантирувчи йўналишлар мавжуд бўлиб, улар қўйдагича ифодаланади.

Таълимнинг мақсади-ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технологиялар, техника ва ишлаб чиқаришнинг умумий асосларини ўргатиш, уларни касб танлашга йўналтириш камида учта касб орқали уларнинг касбгacha тайёргарларини амалга оширишдан иборат.

Ўқувчилар меҳнат кўнималарини эгаллашлари жараёнида меҳнат ва касбга муносабатларида юқори аҳлоқий сифатларни, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, ҳамда тадбиркорликни шакллантиришдан иборат.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 2-босқичи таълим мазмунида кенг қамровда илгор педагогик технологияни жорий этиш вазифасини кўймоқда. Бу вазифани бажаришда Таълим муассасаси фан хоналарининг замон талаби даражасида жиҳозланиши муҳим аҳамиятга эга.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг 2-босқичи таълим мазмунида кенг қамровда илгор педагогик технологияни жорий этиш вазифасини кўймоқда. Бу вазифани бажаришда Таълим муассасаси фан хоналарининг замон талаби даражасида жиҳозланиши муҳим аҳамиятига эга.

Ўрта Таълим муассасасида ўқитиладиган меҳнат таълими фанининг мақсади-ўқувчиларни ақлий ва жисмоний меҳнат турлари, жараёнлари ҳамда касблар билан дастлабки таништириш, касб танлашга тайёрлаш меҳнатга қизиқтириш ҳамда меҳнатсеварликни шакллантириш орқали уларнинг касбгача тайёргарликларини амалга оширишдан иборат.

Бу мақсаднинг таркибида таълим-тарбия ва ривожлантирувчи йўналишлар мавжуд бўлиб, улар кўйдагича ифодаланади.

Таълимнинг мақсади-ўқувчиларнинг баркамол шахс бўлиб шаклланишлари учун уларга меҳнат жараёнлари, касблар, умумий технологиялар, техника ва ишлаб чиқаришнинг умумий асосларини ўргатиш, уларни касб танлашга йўналтириш камидан учта касб орқали уларнинг касбгача тайёргарларини амалга оширишдан иборат.

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида” ги Қонунларининг асосий маҳсади таълим тизимини такомилаштириш мамлакатимиизда жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган баркамол авлодни тарбиялашни назарда тутади. Баркамол шахснинг муҳим сифатлари бўлган мустақил ва ижодий фикрлаш, ишлаш қобилиятларини тарбиялаш ўрта умумий таълим муассасаларининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бу борада ўқувчиларнинг фаоллигини ошириш, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни самарали ташкил қилиш, алоҳида аҳамият касб этади. Жумладан, умумий ўрта таълим Таълим муассасаларида ўқитиладиган меҳнат таълими дарслари ёшларни ҳаётга, касб-хунарга тайёрлашда муҳим ўринга эга.

Меҳнат таълими фани бўйича хоналарга қўйиладиган талаблар:

Педагогик талаблар:

Меҳнат таълими ўқитувчиси талабчан бўлиши керак, нафақат ўз фани илмий асосларини мукаммал билиши балки меҳнат кўникмаси, малакасини пухта эгаллаган ва уни ўқувчиларга маҳорат билан ўргата оладиган бўлиши керак. Меҳнат режа мавзусига ҳозирлик кўришда ўқитувчи хар бир мавзунинг мақсад ва вазифаси белгиланади мавзучалар умум меҳнат билим ва қуникмалари мазмуни ҳамда даражасини аниқлайди, ўқувчилар томонидан бажарилиши лозим бўлган амалий ишларнинг характер ва микдорини белгилайди аста-секин мураккаблашиб боришини ҳисобга олиш керак.

Фанлараро алоқа ўрнатиши учун яъни ўқувчиларнинг физика, химия, математика, чизмачилик ва бошқа дарсларда олган билимларидан фойдаланиш учун меҳнат таълими ўқитувчиси бошқа фан ўқитувчилари билан биргаликда табий-илмий цикл фанларининг йиғма мавзули режасини ишлаб чиқади.

Меҳнат таълими ўқитувчиси техник хужжатларни зарур кўргазма куроллари, плакатлари, схемалар, жадваллар, макетлар, моделлар, буюмларнинг намуналарини тайёрлайди, жиҳозларнинг техникавий холатини, ўқитувчиларининг иш жойларининг тўғри ташкил этилганлигини, уларнинг хавфсизлик техникаси, санитария ва гигиена талабларига мос

эканлигини текширади.

### **1.1. Илмий талаблар:**

Меҳнат дарсларида ўқувчилар томонидан эгалланган техникавий билим маълумотлар, меҳнат кўнишка ва малакалари, тўла маънода илмий ҳамда политехник характерга эга бўлиши керак.

Илмий талабларни амалга ошириш, ўқувчиларга илмий асосланган, тажрибада синалган фаннинг энг ютуқларини ҳисобга олган техникавий билимларни етказишидир.

Илмий талаблардан келиб чиқиб, ўқувчилар, меҳнат дарсларида энг яхши жихозлар, механизмлар, машиналар, асбоблар, мосламалар; ишлаб чиқаришда қўлланиладиган материалларнинг энг янги маркалари, меҳнатни илмий асосда ташкил этишҳамда прогрессив технологик жараёнлар билан танишишлари лозим.

Илмий талабларни бажара бориб, меҳнат ўқитувчи ўқув хоналардаги машғулотларда соф илмий терминлардан фойдаланиши, фанда қабул қилинган рамзий белгилар, формуалар, ўлчам ва ҳоказоларни қўллаши лозим.

Бундан ташқари меҳнат ўқитувчи ўз дарсларида бажараётган маҳсулотларини тайёрлаш технологияси ва ва харакат принциплари ҳамда тузилишини асослаш учун ўқувчиларнинг асосий фанлардан олган билимларидан фойдаланиши лозим.

### **1.2. Психологик-физиологик талаблар:**

Инсон атрофни ўраб турган оламни сезги органлари орқали билиб олади. Инсон таълим жараёнида сезги органларидан таъсирланади. Олинган маълумот фикрланади ва катта ярим шар пўстлоғида мустаҳкамланади. Билим бу борлиқнинг инсон онгига акс эттирилган ва мустаҳкамланган фактлари, умумлашмалари, қоидалари, қонунлари ва ҳоказолардир.

Меҳнат таълими жараёнида ўқувчилар турли хил фикрларга эга бўладилар. Шу фикрлар психологик- физиологик жараён сифатида шундай механизмки, у ғам малака сингари шартли рефлекс занжиридан иборатдир.

Меҳнат малакаларининг бундай бўлиниши бирмунча шартли саналади, чунки уларнинг кўпчилиги бир вақтнинг ўзида ҳам харакатлантирувчи, ҳам ақлий ҳаракатни қўшиб олиб боришни талаб қиласди.

### **1.3. Эстетик ва техник талаблар:**

Ўқув устахоналарида ва хизмат кўрсатувчи меҳнат хоналаридаги машғулотларга мувофиқ равишда қуидаги тадбирларни бажаришни назарда тутади;

Санитария-гигиена ҳамда ўқув-тарбия талабларига тўла жавоб бериш.

Ўқув устахоналарида машғулот ўтказилаётган вақтда ўқитувчи, дарслар ўртасида танаффус ўтказиши лозим. Бунда ўқитувчи хонани шамоллатиб, меҳнат фаолиятини давом эттириш учун нормал шароитни тиклаш мақсадида болаларга ташқарига чиқиши ва дам олишни таклиф қиласди.

Дастгоҳлар. Станоклар, машиналар чекка қатори билан устахона деворининг ўртаси 0.5 метрдан кам бўлмаслиги карак.

## **Назорат саволлари**

1. Ўқув устахоналарига қўйиладиган талабларни айтиб беринг.
2. Газламага ишлов бериш устахоналарининг жиҳозланиш тартибини айтиб беринг.
3. Пазандачилик устахоналарининг жиҳозланишини айтиб беринг.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
4. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.

## **4-Мавзу: Мехнат таълимини жараёнида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва узлуксизлиги. Таълим жараёнидаги илғор хорижий тажрибалар.**

### **Режа**

1. Ўқувчиларни касб танлашига таъсир кўрсатувчи омиллар
2. Ўқувчиларни меҳнат ва касбий таълим жараёнида касбга йўналтириш ишлари
3. Умумтаълим ўқув предметларини касбга йўналтириб ўқитиш методикаси

**Таянч тушунчалар:** Узвийлик, узлуксизлик, илғор хорижий тажрибалар, касбга йўналтириш, касбий маърифат, касбий маслаҳат, касбий мослашув.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касб-хунарга йўналтиришда уларнинг шахсий, иродавий ҳамда ҳиссий сифатларини инобатга олиш билан бирга саломатлик даражасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ўқувчининг саломатлиги ҳақида муайян маълумотларга эга бўлмасдан туриб, уни касбга йўналтириш мумкин эмас. Шу сабабли ҳам, “Умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларини касбга йўналтириш” мониторинги негизида касб-хунарга йўналтириш бўйича ишларни ташкил этиш борасида тиббий тавсифномада қайд этилган маълумотларга асосан иш кўриш мақсадга мувофиқдир.

Касб-хунарга йўналтириш иши бутун меҳнат таълими машғулотлари давомида олиб борилади, аммо, унинг вазифалари турли босқичларда ўзгариб туради. Масалан, V–VII синф ўқувчиларида асосан касб ҳақида маълумотлар берилади. Бунда, ўқувчилар касбларнинг ўзига хос жихатларини ўқув устахоналарида бажариладиган амалий фаолият мазмуни орқали билиб оладилар. Айниқса, ушбу жараёнда V–VII синф ўқувчиларида касблар тўғрисидаги назарий маълумотлар бериш билан бирга, касбий тарбиялаш ҳақида ҳам ишлар олиб борилади. Амалиётда ўқувчиларни меҳнат таълими жараёнида касбга йўналтириш қўйидаги шакллардан фойдаланилади: Дарс жараёнида касб-хунарга йўналтириш; Саёҳатларда касб-хунарга йўналтириш; Тўгарак машғулотлари жараёнида касб-хунарга йўналтириш; Турли илғор касб эгари билан учрашувлар ўтказиш орқали касб-хунарга йўналтириш; Ҳар хил мавзуларда маънавий-маърифий, маданий оммавий ва таълимий-тарбиявий тадбирлар ўтказиш орқали касб-хунарга йўналтириш; Турли касбларни чуқур ўрганиш орқали касб-хунарга йўналтириш; Факультатив машғулотлар орқали касб-хунарга йўналтириш кабилардир.

Ўқувчиларни касбга йўналтиришга қўйидаги омиллар ўз таъсирини кўрсатади:

1. Касбий маърифат – ўқувчиларни касблар дунёси билан таништириш, худудга мос бўлган зарурий меҳнат турларининг мазмуни ҳамда ушбу касб-хунар сир-синоатларини ўрганиши мумкин бўлган таълим муассасаларига оид маълумотлар бериш тушунилади.

2. Касбий маслаҳат – ўқувчини турли хил методлар бўйича ўрганиш асосида тўғри касб танлаши юзасидан маслаҳатлар берилади. Шунингдек,

ўқувчиларнинг аниқ бир касб тўғрисида, бу касб сир-синоатларини эгаллаш йўллари тўғрисида маълумотлар олиши, ўқувчи ўзининг индивидуал хусусиятлари, қизиқишилари ва қобилиятларини аниқлашларини ўз ичига олади [32].

3. Касбий саралаш ва касбий танлаш. Касбнинг ўқувчига нисбатан талаблари асосида касбий саралаш амалга оширилади яъни ўқувчига унинг психофизологик имкониятларига мос тушадиган касбий фаолиятнинг йўналиши танланади.

4. Касбий мослашув – касб-хунарни эгаллаш жараёнида ҳар бир ўқувчининг ўзига мос тиббий, биологик ва психофизологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, у билан олиб бориладиган ишлар мажмуасини ўз ичига олади.

Ўқувчиларни касб-хунарга йўналтиришда ота-оналар, мактаб раҳбарлари, синф раҳбари, психолог, шифокор, меҳнат таълими ўқитувчиси, ўқувчилар етакчиси, тўғарак раҳбарлари, кутубхона мудири кабилар ҳамкорликда иш олиб боришлари лозим. Шунингдек, ўқувчининг касбий ўзлигини аниқлаш ва англаш учун зарурый шарт-шароитлар яратиб берилиши мақсадга мувофиқдир.

Умумий ўрта таълим мактаблари битирувчилари орасида касб-хунарга йўналтириш ишларини олиб боришда касб-хунар коллежлари (КҲҚ) нинг имкониятлари беқиёсдир. Чунки, илк бор онгли равишда касб-хунар танлаши учун ўқувчи бир қатор касбларни етарлича билишлари лозим бўлади. Бу ўринда, нафакат умумий ўрта таълим мактабларида балки, касб-хунар коллежларида ҳам касбий ахборот, касбий маслаҳат, касбий тарғибот ва ташвиқот, касбий мослашув, касбий тайёргарлик ва касб танлаш мотивация компонентлари муҳим саналиб, шулар асосида ўқувчиларнинг танлаган касби оламига олиб кирилади, унинг сир-синоатларини мукаммал эгаллашга сафарбар этилади.

Умумий ўрта таълим мактабларининг битирувчилари касб-хунар коллежларига касбий йўналтирилганлик тавсияномалари билан келишадилар. Лекин, ўқувчилар янги таълим муассасасида мослашиб кетишлари ва тавсияномада кўрсатилган тайёрлов йўналишлари асосида касбий йўналганлик даражаси ҳамиша ҳам яхши натижа бермаётганлиги маълум бўлмоқда. Бунга сабаб, умумий ўрта таълим мактаблари ўзига яқин худудда жойлашган касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик ишларини талаб даражасида олиб борилмаётганлигидан далолат беради.


Касб-хунар коллежларида касб-хунарга йўналтириш ишларини олиб боришуучун бир қатор вазифаларни бажариш мақсадга мувофиқдир. Буларга, дастлабки касбий ахборот, касбий маслаҳат, тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш, ишлаб чиқариш корхоналарига, саёҳатлар, учрашувлар ўтказиш, касбий йўналишлар бўйича маълумотларга эга бўлиш, касбий қизиқиши ва лаёқатларини шакллантириб бориши орқали ўқувчи танлаган касбини амалга ошириши муҳим аҳамият касб этади (1–расм).


Бугунги кунда касб-хунар коллежлари да ўқитилаётган “Кишлоқ њўжалиги машиналари ва жиҳозлари” ўкув предмети мазмуни бўйича

ўқувчилар томонидан ўзлаштириши зарур ва етарли бўлган билим ва кўникмаларнинг мукаммал бўлиши, уларнинг ёш ҳамда индивидуал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда амалга оширилиши мақсадга мувофиқ.

1-расм

Ўқувчиларни меҳнат ва касбий таълим жараёнида касбга йўналтириш ишлари






Бунда, назарий ва амалий машғулотларни ўзаро муштарак ҳолда осондан қийинга, соддадан мураккабга қараб ўқитиш принциплари асосида узвий олиб борилиши лозим. Масалан, умумий ўрта таълим мактаблари меҳнат таълими ва касбга йўналтириш дарсларида аввало, ўқувчиларнинг тарбиясига эътибор берган ҳолда қизларни уй-рўзгор юмушларига йўналтириш лозим. Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиларни касб танлашга йўналтириш ишининг мувафақияти ўқитувчилар томонидан мавжуд ўқув предметлари асослари, меҳнат таълими ва тарбиясини ташкил этиш, уларга маълум даражадаги билимлар, дастлабки касбий қўникмаларни шакллантириш ҳамда ўқувчининг қизиқишига мос тайёрлов йўналишини танлаб ўқиши ҳисобига кафолатланади.

Маълумки, ўқувчи ёшларнинг касб танлаши даври уларнинг шахси ҳали тўлиқ шаклланмаган ўсмирилик ва ўспиринлик даврига тўғри келади. Бу даврда, улар ҳали атроф муҳитнинг, ота-оналар ва устозларнинг маслаҳатисиз бу масалада бирор аниқ қарорга кела олмайдилар. Ўйламасдан қабул қилинган қарорлар, қизиқмасдан танланган касблар салбий оқибатларга олиб келади. Ўқувчиларнинг касб-хунар сир-синоатларини эгаллашга бўлган муносабати ўзгарида ва ундан совийди. Бу ҳол, уларни етук мутахассис бўлиб шаклланишига тўсқинлик қиласи. Шунинг учун ҳам касб танлаш иши нафақат оиланинг балки, жамиятнинг, умумий ўрта таълим мактаблари ва касб-хунар коллежлариларининг ҳамкорликдаги фаолиятидир.

Ўқувчининг касб танлаши жараёни ўта масъулиятли, унинг келажагини белгиловчи давр, уни ташкил қилиш йўллари, унга таъсир этувчи омиллар илмий жиҳатдан ишлаб чиқилиши зарур. Қуйидаги расмда ўқувчиларни касб танлашларига таъсир этувчи омиллар кўрсатилган (2-расм).

## Ўқувчиларни касб танлашига таъсир кўрсатувчи омиллар



Расмдан кўриниб турибдики, ўқувчиларни касб танлашларига таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар мавжуд. Масалан, ички омилларга ўқувчининг танлаётган касбиға қизиқиши, унинг психофизиологик хусусиятлари, яъни лаёқати, қобилияти, характери кабилар ҳамда соғлигининг тўғри келиши муҳим омиллардан саналади. Ўқувчининг касб танлашига таъсир этувчи ташқи омилларга эса, ота-оналар, ўқитувчи-мураббийлар, маҳалла-жамоатчилик, қўни-қўшнилар, дўст ва дугоналар, қариндошлар, оммавий ахборот воситалари – телекўрсатувлар, радио эшиттиришлар, газета ва журналлар, интернет сайtlари ҳамда касбнинг худуддаги, мамлакатдаги, дунёдаги нуфузи кабилар таъсир кўрсатувчи омиллар ҳисобланади.

Ўқувчини касбга йўналтиришни тизим сифатида қараб, унда ирсиятнинг ўрнини истисно қилмаган ҳолатда ўрганилади. Унда, ўқувчини касбга тўғри йўналтириш тўрт босқичда амалга оширилиши шартли равишда мақбул деб топилди. Яъни, мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим орқали касбни танловчи иш берувчиларнинг талабларига жавоб берувчи малакали ва рақобатбардош мутахассис бўлиб етишади.

Фикримизча, мактабгача таълим муассасалариданоқ боланинг қизиқишлиарига қараб гурух ва гурухчаларни шакллантириш, уларнинг

қизиқишиларига мос ва хос шарт-шароит, қизиққан соҳасига оид ўйинчоқлар, шу соҳага оид маҳсус хона ёки бурчакларнинг ташкил этилиши кабилар касбга йўналтиришнинг асосий пойдевори бўлиб ҳисобланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида ўқувчиликниң қизиқишилари бўйича мактабда ўқитилидиган меҳнат таълими йўналишини танлаши тавсия этилади. Бундан ташқари, ўқувчиликниң шаклланаётган дастлабки билими ва кўникмаларини янада ривожлантириш мақсадида гурух йўналиши бўйича ташкил этиладиган машғулотларда ҳам ўқувчиликниң иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Мактаб психологи ўқувчининг шу йўналишини танлашига унинг шахсий психофизиологик хусусиятларини аниқлаб, келгусидаги касбий яроқлилик даражасини ташхис қилиш орқали тавсиялар беради. Бошқа ўқитувчилар ва синф раҳбари ўқувчининг қизиқиши бўйича шаклланиши лозим бўлган билим ва кўникмалари ҳамда шахсий фазилатларини ривожлантириш орқали худуднинг касб соҳаларига бўлган эҳтиёжи ва маҳаллий шарт-шароитини эътиборга олган ҳолда ЎМКХТ муассасасининг қайси йўналишига мос келишига қараб керакли маслаҳатлар берадилар. Бу эса, ўқувчининг қизиқишига қараб ЎМКХТ нинг қайси тайёрлов йўналишига ҳужжат топшириши кераклигини аниқлаб беради.

Ўқувчи, ўз қизиқишига мос келувчи ЎМКХТ тайёрлов йўналишига ҳужжат топширади. Ўқувчи, гурух йўналиши бўйича етарли ва зарурий даражадаги БКМларга эга бўлиши учун ихтисослик ўқув предмети базасида малакали ва рақобатбардош кичик мутахассис бўлиб етиша боради. Унинг қобилияти ва қизиқишиларига мос равишда БКМларининг ривожланиш даражасини касб-хунар коллежлари психологи ташхис қилиш орқали, коллежнинг муҳандис-педагоглари эса, ўқувчида шаклланаётган билим ва хатти-ҳаракат усуллари даражасини аниқлаш орқали ўқувчига керакли маслаҳат ва тавсияларини бериб борадилар.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги хulosага келиш мумкин:

- ўқувчи бирор бир касб сир-синоатларини мукаммал эгаллаши учун умумий ўрта таълим мактабида ўқитилаётган меҳнат таълими ва касбга йўналтиришнинг ўрни ва аҳамияти бекиёс.
- ДТСлари асосида меҳнат таълими ва касбга йўналтиришга оид яратилаётган ўқув дастурлари, дарслеклар, ўқув ва услубий кўлланмалар шу соҳанинг мутахассис олимлари ва амалиётчиларнинг хамкорлигида шакллантирилиши зарур.
- касб-хунар коллежларидан ўқувчиларни касбга йўналтириш ишлари маҳсус дастур ва режа асосида узвий олиб борилиши керак.
- умумий ўрта таълим, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими ва олий таълим муассасаларида ихтисослик тайёрлов йўналишига оид ўқитилаётган ўқув предметларининг илмийлиги, таълим-тарбия бирлиги, ўқув материалининг барқарорлиги ва ўзгарувчанлиги, редукциялаш, предметлараро боғлиқлик, политехник, касбга йўналганлик каби ўқитиш принципларига асосланиши.
- ўқувчиликни касб танлашига таъсир этувчи ички ва ташки омилларни таълим-тарбия жараёнида инобатга олиши.

- ўқувчиларни касбга йўналтириш тўрт босқичда (мактабгача таълим, умумий ўрта таълим, ЎМКХТ ва олий таълим) амалга оширилиши орқали иш берувчиларнинг талаблариiga жавоб берувчи малакали ва рақобатбардош мутахассис бўлиб етишишига эришиш мумкин.

Ҳар бир таълим тури ва унга мос ўқув муассасасининг мақсади ва вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда, аниқ бир ўқув предметининг ички ва ташқи алоқаларини ўрганиш, унинг бошқа ўқув предметлариiga татбиғини имконият даражасида таъминлаш, ўқувчининг нафақат билим даражасини кенгайтиради балки, унинг дунёқарашининг шаклланишига, олган билимини амалиётда қўллай олишлариغا имконият яратади. Шу жиҳатдан олиб қаралганда, умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида ҳар бир ўқув предметининг узвийлигини таъминлабгина қолмасдан балки, уларнинг ташқи узвийлигига яъни, таълим муассасалариаро ва уларда ўқитилаётган предметлараро алоқадорлигига ҳам эътибор бериш зарур бўлади. Шундагина, ўқув предметининг амалиёт доираси ва имконияти кенгаяди.

Узлуксиз таълим тизимининг алоҳида-алоҳида бўғинлари ва босқичлари учун белгиланадиган давлат таълим стандарт (ДТС)ларига мувофиқ: умумий ўрта таълим (УЎТ), ўрта маҳсус, касб-хунар таълими (ЎМКХТ); олий таълим (ОТ) ҳамда давлат талаблари (ДТ)га мувофиқ эса: мактабгача таълим (МТ); олий таълимдан кейинги таълим (ОТКТ); кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш (КМО ва УҚТ); мактабдан ташқари таълим мазмuni доирасида узвийлик таъминланиши зурур.

Бу жараёнда узлуксиз таълим тизими қўйидагиларни қўзда тутиш мақсадга мувофиқ:

- ДТС лари, ТТС ларининг мазмuni ҳамда етарли ва зарурий даражалари умумий ўрта таълим мактаблари ҳамда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларида муайян таълим соҳаси ёки ўқув предмети мазмuni доирасида ўқув ҳамда умуммехнат кўнижмаларининг шакллантирилиши;

- турли ёшдаги ўқувчиларнинг ёшига мос бўлган даражада таълим олиши, мустақил ва ижодий фаолият қўрсатиши учун имкониятлар яратилиши;

- талаблар доирасида таълим мазмунининг муқобил, кўпвариантли ва интеграциялашган моделларининг қўлланилиши учун қулай шартшароитлар яратилиши;

- турли даражадаги тайёргарликка эга бўлган ўқувчилар учун табақалаштирилган таълимга йўл очилиши кабилардир.

Ушбу мақсадларни рўёбга чиқариш учун умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасалари учун ДТСлари, ТТСлари ва улар асосида ўқув режа, дастур, дарслик ва қўлланмалар яратилиб, таълим-тарбия жараёнига жорий этилмоқда.

Тажриба-синов ишларининг натижалари мазкур таълим турларининг хар бири учун ўқув предметларидан ўқув дастурларини яратиш алоҳида-алоҳида амалга оширилганлиги сабабли, таълим босқичларида мазмунан

узвийлик етарли даражада таъминланмаганлигини кўрсатмоқда.

Кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2002-йил 15-февралидаги 31/47 сонли буйруғи билан умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар ҳамда олий таълим муассасалари учун умумтаълим фанларидан узвийлашган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш бўйича муаллифлар гурӯҳи шакллантирилди. Узлуксиз таълим турлари учун жумладан, меҳнат таълимининг ўқув дастури ишлаб чиқилди.

Узвийлашган ўқув дастурлари Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2002-йил 4-сентябридаги 144/263 сонли қўшма буйруғи билан тасдиқланиб, умумий ўрта, ўрта маҳсус, қасб-хунар ҳамда олий таълим муассасаларида 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб тажриба-синовдан ўтказишга тавсия этилди. Ушбу қўшма буйруқقا биноан 19 номдаги ўқув предметлари (она тили, математика, тарих, география, меҳнат таълими ва бошқ.) дан узвийлашган дастурлар умумтаълим мактабларида тажриба-синовдан ўтказилди (ҳар бир умумтаълим мактабида биттадан ўқув предмети ҳисобида) ва амалиётга татбиқ этилди. 2004-йилнинг 6-январида Т.Н.Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти (ЎзПФИТИ)да тажриба-синов ишларига бағишиланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Семинарда узвийлашган ўқув предметлари дастурларининг амалиётдаги ҳолати таҳлил этилиб, уларда камчиликлар мавжудлиги муҳокама этилди. Шунингдек, семинар жараёнida асосий эътибор фанлараро (горизонтал) узвийликка, мантикий кетма-кетликни таъминлашга қаратилиши зарурлиги таъкидланди. Узлуксиз таълим тизими барча таълим бўғинларида таълим-тарбиянинг узвийлиги ва изчиллиги асосида таъминланади. Бу жараённи амалга ошириш учун нафақат таълим босқичлари орасидаги узвийлик, балки, ҳар бир босқичдаги ўқув предметларининг ички яъни, мавзулараро ва боблараро шунингдек, ташқи предметлараро узвийлигининг ҳам таъминланиши назарда тутилиши керак.

1. Таълим босқичлари орасидаги тик(вертикал) узвийлик, муайян таълим босқичи мазмунининг кейинги босқич таълим мазмуни билан узвий боғланган ҳолда ўқитилишини қўзда тутса, ўқув предметларини ўрганиш жараёнida (горизонтал) узвийлик, предметлараро боғланишнинг йўлга кўйилишини талаб этади.

**Биз таълим мазмунидаги узвийлик дейилганда, бир таълим тури ўқув предметлари дастурининг кейинги таълим турига ўтганда мутаносиб равишда ўзгартириб, оддийдан мураккабга, осондан қийинга қараб кенгайиб ва чуқурлаштирилиб борилишини тушунамиз.**

Қайси ўқув предметларини таълим турларининг қайси босқичида ўқитилишини илмий асосда аниқлаш муҳим бўлиб, уларни тартибга солиш вазифасини бажаради ва натижада узвийлик таъминланади.

Юқорида зикр этилган фикрларни инобатга олиб, таълим мазмуни узвийлигини таъминлашда қўйидаги методик тавсияларни бериш мумкин:

Узвийликни таъминлаш учун тарихийлик, изчиллик, кетма-кетлик, таҳсил олувчиларга индивидуал ёндошиш, уларни табақалаштириш, таълим-

тарбия яхлитлигини ва мақбуллигини таъминлаш, мақсадга йўналганлик, таълим мазмунининг барқарорлиги ва динамик ўзгарувчанлиги, редукциялаш, касбий йўналганлик ва бошқа принциплардан уйғун фойдаланиш;

- умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими тизимида вертикал ва горизонтал узвийликни таъминлашга оид методик мажмуалар яратиш;
- таълим мазмунида узвийликни таъминлашга хизмат қиладиган таълим технологияларидан самарали фойдаланиш;
- узвийликнинг таъминланганлиги нуқтаи назаридан ўқувчилар ўзлаштиришининг мониторингини олиб бориш;
- таълим жараёнига яхлит тизим сифатида ёндашиш;
- таълим мазмунида узвийликни таъминлаш бўйича илмий-тадқиқот ишларини бажариш кабилар.

### **Умумтаълим ўқув предметларини касбга йўналтириб ўқитиши методикаси**

Касбга йўналтириш деганда таҳсил олувчиларнинг касбий фаолият йўналишини онгли ва асосланган ҳолда танлашларига кўмак бериш тушунилади. Касбга йўналтиришнинг моҳиятини қуидаги қоидалар орқали ифодалаш мумкин:

о Қобилияйтсиз инсон йўқ, фақат индивидуал имконият ва қобилиятига мос фаолият билан шуғулланмаётган инсонлар бор;

о Агар инсон бирор ишни бошқалардан ёмонроқ бажарса, демак, қандайдир бошқа ишни бу инсон бошқаларга нисбатан яхшироқ бажаради.

Зикр этилган қоидалардан, жамиятнинг ривожланиш даражаси мамлакатда касб-хунарга йўналтириш тизимини тўғри режалаштириш, ташкил этиш, амалга ошириш ва бошқаришга боғлиқ эканлиги келиб чиқади.

Касбга йўналтириш ўқувчиларни онгли равишда касб танлашга тайёрловчи илмий асосланган тизим бўлиб, у яхлит таълим-тарбиявий жараённинг таркибий қисми сифатида намоён бўлади. Унинг вазифалари қуидагича: ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш; ўқувчиларда амалий меҳнатга оид хатти-ҳаракат усулларини шакллантириш; иқтисодиётнинг асосий соҳаларини мутахассис кадрларга кўядиган талаблари билан таништириш; шахснинг йўналганлиги, мойиллиги, қизиқиши, қобилияти кабиларни мунтазам равишда ўрганиш; таҳсил олувчиларда ўзини-ўзи тўғри баҳолаш қобилиятини шакллантириш кабилар.

Касбни тўғри танлаш учун ҳар бир шахс аввало, ўз имкониятларини яхши билиши, ўзини-ўзи тўғри баҳолай олиши, касбларнинг мутахассис шахсига қўядиган талаблари билан ўз имкониятлари орасида зиддиятлар йўқлигини билиши, касбий яроқлилигини билган ҳолда касб танлаши лозим. Шунингдек танлаган касбини жамиятдаги бу касбга бўлган талаб ҳамда шу касб сир-синоатларини қаерда эгаллаш мумкинлиги ва унинг мавжуд билим ва дастлабки кўникмалари даражалари билан мослигини аниқлаши лозим. Ана шундагина касбга йўналтириш тизимида олиб борилган психологик-педагогик ишлар ижобий самара беради. Пировард натижада рақобатбардош

кадрлар тайёрланади.

Касб-хунар коллекцияда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилнинг 10 августда қабул қилган 243-қарори асосида 20 та умумтаълим ўқув предметларини ўқитишда касб ва хунарларнинг жуда кўп қирраларини ёритиб берилиши кўзда тутилган.

Умумтаълим ўқув предметларини касбга бевосита ва билвосита боғлаб ўқитиш малакали кичик мутахассислар тайёрлашнинг муҳим омилларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Лекин дастлабки таҳлилларимиз касб-хунар коллекциядаги намунавий ўқув режаси ва ўқув дастурларига киритилган умумтаълим фанлари деярли йўналишларга боғлаб ўқитилмайди. Шу боис, тайёрланаётган кичик мутахассисларнинг 44% вақти умумтаълим ўқув предметларига сарф бўлгани билан уларни танлаган касб ва ихтисосликлари билан боғлаб ўргатиш кўникмалари етишмайди. Шу сабабли ҳам, тайёрланаётган кичик мутахассисларни рақобатбардош кадр бўлиб етиша олмаслигига асосий сабаб деб қаралмоқда.

Ушбу камчиликни бартараф этиш йўлларидан бири умумтаълим фанларини касбга йўналтириб ўқитиш ҳисобланади.

Маълумки, умумтаълим фанларининг барчасини ҳам озми-кўпми касбга йўналганлик асосида амалга ошириш мумкин. Бу математик интерпретациялаш қулай бўлган ҳодиса ва жараёнларни рамзий (символик) моделлар сифатида акс эттирувчи математика фанига айниқса тегишлидир. Ушбу омил математик билимларни қўллашнинг жуда кўп имкониятларини очиб беради. Бундан, математиканинг мазмуни ўқувчиларнинг касбий тайёргарлигига таъсир кўрсатадиган ўқув материалини ўз ичига олиши лозим деган хуласа келиб чиқади.

Сир эмаски, умумтаълим мактабларининг битирувчи ўқувчилари ўқув предметларидан бир-бири билан боғланмаган лавҳалар шаклидаги билимга эга бўлиб, улар турмушда, амалиётда учрайдиган мажмуавий муаммоларнинг ечимини топишда ноқулай вазиятларга тушиб қолишмоқда. Шу сабабли ҳам, бу муаммони аниқ-равshan тасаввур қилиш учун “Касбий йўналтирилганлик” хусусида тўхталиш жоиздир.

“Йўналтирилганлик” тушунчаси шахснинг психологияк тузилишининг бош таркибий қисми ҳисобланади. У бошқа таркибий қисмлар – билимлар ҳажми, темпераментнинг биологик асосланган характерли хусусиятларига таъсир этади. Психолог олимларнинг таъкидлашларича, шахснинг ижтимоий тузилиши мазмунини ўрганишда унинг йўналганлигини таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади. “Йўналтирилганлик” тушунчаси турли обьектларга нисбатан кенг ва турлича талқин қилинади. Масалан, йўналтирилганлик тушунчасини математик обьект, кесмага нисбатан қаралса, “Вектор” тушунчасига олиб келади. Векторни математик ва физик маъноларга эга эканлигини кўриш мумкин.

Касб-хунар педагогикасида касбга йўналганлик ўрганилаётган муаммоларнинг амалий татбиқларини назарий тушунтиришга ёрдам беради.

Касбга йўналтирилганлик шахснинг аниқ бир меҳнат фаолиятига оид

қобилиятлари, қизиқишилари, эхтиёжлари унинг энг асосий сифатларидан бири бўлиб, бунда касбий мақсад, қизиқиши ва мойилликлар касб танлаш мақсадлари билан ўзаро алокадорликда қаралади. Яъни, математик тайёргарликни касбга йўналтириш математика таълимининг мазмуни ва методларини ҳаётий масалалар, бошқа фан асослари билан алокадорлик ҳолда математик билимларни касбий фаолиятга йўналтириш демакдир.

Математикани касбга йўналтириш тушунчasi бир неча талқинга эга. Фикримизча, касбга йўналтирганда педагогик воситалардан ўзига хос равишда шундай фойдаланиш керакки, унда бир томондан ўқувчиларнинг дастурда кўзда тутилган билими, кўникмаси ва дастлабки малакаларини эгаллашларига имконият яратилса, иккинчи томондан эса, тегишли касбга бўлган муносабати шакллантирилади. Шунингдек, касбга йўналтиришни амалга оширувчи педагогик воситаларга дастурдаги мавзулар моҳиятини ёритиб берувчи кўргазмали қуроллар каби таълим мазмунининг элементлари билан биргаликда таълимнинг ташкил этиш шакллари, амалга ошириш методлари ва фойдаланиладиган воситалари ҳам хизмат қиласди.

Математикани ўқитишининг асосий мақсади ўқувчиларни ишлаб чиқариш жараёнида фикрларини жамлашга ўргатиш ва унинг айрим томонларини функционал боғлиқликда кўра олишга ҳамда улар орасидаги миқдорий муносабатларни кўрсатишдан иборат. Касбий таълим учун шундай амалий материални танлаш керакки, у ўқувчиларга математикани ўқув предмети сифатида тушинишларига ёрдам бериши билан биргаликда бу материални эгаллаш ўқувчиларда математик билимларни бўлажак касбий фаолиятларида фойдаланиш кўникмасининг ҳосил бўлишига имкон яратсин.

Математика ўқув предметини ўқитища унинг татбиқий ва амалий йўналганлигини кўрсатиши лозим. Бунинг учун кескин ўзгаришларни кутиб ўтирмасдан, мавжуд бўлган имкониятлардан фойдаланиш зарур, яъни ўқув режалар, ўқув дастурлари, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалардан фойдаланган ҳолда бу ишни янада олға силжитиш керак.

Касбий йўналтирилган таълим - таълимни табакалаштириш ва индивидуаллаштириш воситаси бўлиб, касбий таълим-тарбия жараёнида бўлаётган ўзгаришларга мос ҳолда таҳсил олувчиларнинг ниятлари, қизиқишилари, лаёқат ва қобилиятларини эътиборга олиб, уларнинг касбий қизиқишилари ва истакларига мос шарт-шароит яратишни кўзда тутади.

Умумтаълим умумкасбий ўқув предметларини касбга йўналтириб ўқитища қуйидаги асосий мақсадлар кўзда тутилади:

- ўқув предметларини чуқур ўрганилишини таъминлаш;
- ўқувчиларда мавжуд имкониятлар асосида уларнинг индивидуал дастурларини тузиш орқали таълим мазмунида яққол кўзга ташланадиган табакалаштиришни амалга ошириш;
- Турли даражадаги лаёқатлари, қобилиятлари, индивидуал хусусиятларга эга ўқувчиларни тўлиқ ва етарли таълим олишлари учун шарт-шароит яратиш;

- Ўқувчиларни ижтимоийлашувини кенгайтириш, умумий ва касбий таълим узвийлигини таъминлаш йўли орқали таълим самарадорлигини ошириш.

Хозирги пайтда ЎМКХ таълими муассасалари учун тайёрланаётган педагог кадрлар сифатини тубдан яхшилаш, ўқув жараёнини замонавий талаблар асосида қайта ташкил этиш ва тайёрланаётган педагог кадрлар рақобатбардошлигига эришиш асосий вазифалардан биридир. Ушбу мақсадни амалга оширишга қаратилган омиллардан бири умумтаълим фанларини ўрганилаётган касбларга йўналтириб ўқитиш хисобланади. Математика мантиқий фикрлаш, фазовий тасаввурлаш, бир сўз билан айтганда касбий маданияти ривожлантиришнинг муҳим воситасидир. Инсоннинг фикрлаш фаолияти таҳлил ва синтез жараёнларини ўзига қамраб олади. Масалан, масала еча олиш қобилияти синтез бўйича натижага олиб келади. Демак, математикани ҳаёт ва касби билан боғламасдан, юзаки ўқитиш бўлажак мутахассиснинг фикрлаш қобилияти, яъни интеллектига таъсир этади.

Математик билим айниқса, касбий ижодкорлик, ишбилармонлик сир-синоатларини эгаллаётганлар учун муҳим бўлгани боис фикрлаш маданияти таркибидаги қатъийлик, аниқлик, изчилика, мантиқийлик ва асослаш сингари шахсий фазилатларини шаклланишига хизмат қиласди. мутахассис шахсининг касбий шаклланиши умумкасбий, маҳсус ва табиий-илмий фанларни ўзлаштириш жараёнида амалга ошади. Чунки математик билимларсиз фаолият кўрсата олмайди.

Аниқ ихтисосликлар бўйича топшириқлар, масалалар ва мисоллар предметлараро алоқадорликка асосланмоғи керак. Математика курсини ўрганишда мустақил ишлар ва рефератлар касбий йўналтирилмоғи лозим.

ЎМКХТ муассасаларида ўрганилиши кўзда тутилган математик таълимнинг мақсади, мазмуни ва вазифалари давлат таълим стандартлари (ДТС) да зарур ва етарли даражада белгиланиб қайд этилган.

Алгебра ва анализ курсини ўрганиши натижасида ўқувчилар қуидаги билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим:

- -тўплам тушунчасига эга бўлиши, тўпламлар устида амаллар бажариши, мантиқий амаллардан фойдалана билиши;
- ҳақиқий ва комплекс сонлар устида амаллар бажариши, ҳақиқий сонларнинг модулини билиши, комплекс сонлардан квадрат илдиз чиқариш;
- математик индукция усулини, сонларнинг бўлиниши, ийғиндиларини хисоблаш, тенгсизлик ва айниятларни исботлашга қўллаши;
- кўрсатгичли, логарифмли, тригонометрик функцияларнинг асосий хоссаларини билиши ҳамда уларга кўра функциялар графигини чизиши;
- квадрат тенгламага келтирилган тенгламалар кўрсатгичи, логарифмик тригонометрик тенглама ва тенгсизликларни еча олиши, тенгламалар ечишнинг умумий, хусусий усулларини билиши;
- ҳосила, ҳосилани хисоблаш қоидалари, элементар функцияларнинг ҳосилалари, ҳосилалар жадвалини, ҳосилани геометрик,

физик маъносини билиши;

- эгри чизиқли уринманинг таърифи, уринма тенгламасини билиши;
- функциянинг оралиқдаги энг катта, энг кичик қийматини топиши;
- бошланғич функция, аниқмас, интеграл ва уларнинг хоссаларини билиши;
- аниқ интеграл ёрдамида юза ва ҳажмларни ҳисоблашни билиши;
- ўринлаштириш, ўрин алмаштириш, гурухлашнинг сонини топиш формуласини билиши;
- эҳтимоллашнинг асосий, статик ва геометрик таърифини билиши.

Геометрия курсини ўрганиш натижасида ўқувчилар қуидаги билим ва кўникмаларга эга бўлиши лозим:

1. ясси фигуранлар ва асосий муносабатлар ҳақида маълумотлар ўзлаштириши;
2. теоремаларни исботлаш, масала ва мисоллар ечишда мантиқий мулоҳаза юритишни билиши;
3. строометрия элементлари ва аксиомаларни билиши;
4. тўғри призма, пирамида, цилиндр, конуслар ён ва тўла сирти ҳақида умумий тушунчаларга эга бўлиши;
5. моделларда, чизмаларда қўпёқлар, айланма жисмларни ажратиш, уларнинг элементларини айта олиши, курсга доир масалалар ечишни билиши;
6. векторнинг таърифи, модулли қарама-қарши векторлар, векторлар устида амалларни бажариши;
7. базис векторлар тушунчаси билиши. Базис векторлар ёйилмасини билиши.

Касб-хунар коллежларида математика фанини ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири- ўқувчиларнинг кундалик ҳаётида, танлаган касбий фаолиятида, келгуси каръерасида зарур бўладиган математик билим, кўникма ва масалалар тизимини чуқур ва онгли равища ўзлаштирилишини таъминлашдан иборатdir.

Маъruzaga ажратилган вакт-2 с	Тингловчилар сони – 24 та
Ўқув машғулотининг шакли	Маълумотли маъруза
Ўқув машғулотининг тузилиши	<ul style="list-style-type: none"><li>• Дастур ва унинг мазмуни.</li><li>• 5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги.</li><li>• 8-9 синф касб тайёргарлик мазмуни.</li><li>• Академик лицей ва касб-хунар коллежларига тайёргарлик.</li></ul>

<b>Ўқув мақсади</b>	<b>машғулотининг</b>	Тингловчига 5-9-синфларда меҳнат таълимининг мазмунни ва унинг ривожланиш тараққиёти ҳақида билим кўникма ва малакалар бериш.
<b>Педагогик вазифалар:</b> Меҳнат таълими фанининг ўқув дастури ва унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш. <b>3-илова</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• 5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги ҳақида тушунчалар бериш.</li></ul> <b>4-5-6-7 иловалар</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• 8-9 синф касб тайёргарлик мазмунини очиб бериш</li></ul> <b>8-9 иловалар</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• Академик лицейо ва касб-хунар коллажларига тайёргарлик мазмунини ўргатиш.</li></ul> <b>10-илова</b>	<b>Ўқув фаолияти натижалари:</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• Меҳнат таълими фанининг ўқув дастури ва унинг мазмун-моҳиятини ҳақида маълумотга эга бўладилар..</li><li>• 5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги ҳақида тушунча хосил бўлади.</li></ul> <b>4-5-6-7 иловалар</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• 8-9 синф касб тайёргарлик мазмуни билан танишадилар.</li></ul> <b>8-9 иловалар</b> <ul style="list-style-type: none"><li>• Академик лицейо ва касб-хунар коллажларига тайёргарлик мазмунини ўргатиш</li></ul> <b>10-илова</b>	
<b>Таълим методи</b>		Маъруза, тушунтириш, сухбат, “Еркин ёзиш” интерфаол методи, Тоифалаш жадвали
<b>Таълимни ташкил этиш шакли</b>		Маъруза, оммавий, гурӯҳли
<b>Дидактик воситалар</b>		Маъруза матни, слайд-презентация
<b>Таълимни ташкил этиш шароити</b>		Махсус техник воситалар билан жиҳозланган хона
<b>Назорат</b>		Ўз-ўзини назорат қилиш, рефлексия

**5-7 синфларда меҳнат таълими мазмуни» мавзуси бойича ўқув машғулотининг технологик картаси**

Иш босқичлари ва вақти	Фаолият мазмуни	
	Ўқитувчи	Тингловчи
<b>1-bosқич. Ўқув машғулотига кириш (Даъват босқичи) (10 минут)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тингловчига беш минут вақт ичida ўтилган мавзу юзасидан саволларга жавоб ёзиш вазифаси берилади.</li> </ul> <p align="center"><b>1-илова</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Баъзи тингловчининг эркин ёзишларини эшитади</li> <li>• Мавзунинг номланиши, мақсад ва</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• Тингловчига беш минут вақт ичida ўтилган мавзу юзасидан саволларга жавоб ёзадилар.</li> </ul> <p align="center"><b>1-илова</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>• Баъзи тингловчининг эркин ёзишларини эшитадилар.</li> <li>• Мавзунинг номланиши, мақсад ва</li> </ul>

	кутилаётган натижаларини баён этади. 2-илова	кутилаётган натижалари билан танишадилар. 2-илова
<b>2-босқич.</b> <b>Асосий</b> <b>(Англаш босқичи)</b> <b>(50 минут)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мехнат таълими фанининг ўқув астури ва унинг мазмун-моҳиятини очиб бериш. 3-илова</li> <li>5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги ҳақида тушунчалар бериш. 4-5-6-7 иловалар</li> <li>8-9 синф касб тайёргарлик мазмунини очиб бериш 8-9 иловалар</li> <li>Академик лицейо ва касб-хунар коллежларига тайёргарлик. мазмунини ўргатиш. 10 илова</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Мехнат таълими фанининг ўқув дастури ва унинг мазмун-моҳиятини ҳақида маълумотга эга бўладилар..3-илова</li> <li>5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги ҳақида тушунча ҳосил бўлади. 4-5-6-7 иловалар</li> <li>8-9 синф касб тайёргарлик мазмунни билан танишадилар. 8-9 иловалар</li> <li>Академик лицейо ва касб-хунар коллежларига тайёргарлик. мазмунини ўрганадилар. 10 илова</li> </ul>
<b>3-босқич.</b> <b>Якуний</b> <b>(Фикрлаш босқичи)</b> <b>(20 минут)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тингловчига Тоифалаш жадвалини тақдим этади. 11-илова</li> <li>Тоифалаш жадвали асосида савонни бериш орқали тингловчининг умумий тасаввурларини аниқлайди. 12-илова</li> <li>Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушуниради.</li> <li>Мустақил иш учун топшириқ беради ва уни баҳолаш мезонлари билан таништиради.</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>Тингловчига Тоифалаш жадвалини дафтарларига чизиб оладилар.. 11-илова</li> <li>Тоифалаш жадвалини кичик гурухларда тўлдирадилар.. 11-илова</li> <li>Аниқ тасаввурлар шаклланмаган қисмларини тинглайлилар ва тушунадилар</li> <li>Бажаришлари лозим бўлган мустаўил ишларини дафтарларига ёзиб оладилар.</li> </ul>

## 1-илова

### Тингловчиларни фаоллигини ошириш учун саволлар:

- ДТС қандай талабларни белгилайди
- Мехнат таълими йўналишлари айтинг?
- Мехнат ҳақида мақол айтинг?
- Ўқув режа нима?

### Мавзу: «5-7 синфларда меҳнат таълими»

Режа:

1. Даструр мазмунини ва унинг йўналишлари.
1. 5-7 синфларда умумий меҳнат тайёргарлиги
2. 8-9 синфларда касб тайёргарлигигача бўлган тайёргарлик мазмуни.
3. Академик лицей ва касб-хунар коллажларида касб-хунар тайёргарлиги.

**Мақсад:** Тингловчига 5-9-синфларда меҳнат таълимининг мазмуни ва унинг ривожланиш тараққиёти ҳақида билим кўникма ва малакалар бериш.

**Натижса:** Тингловчи 5-9-синфларда меҳнат таълимининг мазмуни ва унинг ривожланиш тараққиёти ҳақида билим кўникма ва малакаларга эга бўладилар.

## 3- ИЛОВА

5-7 синфларда ўқувчиларнинг ижтимоий эстетик диidi ва дунёқарашини кенгайтирадиган оиласиий ҳаёт ва турмушда керак бўладиган юқорида кўрсатилган ўқув курслари ўқувчиларда миллий маданият ва анъаналарга меҳр-муҳаббат уйғотади.

8-9 синфларда касб-хунарга йўналтириш курси таълим олувчиларнинг ижтимоий дунёқарашини кенгайтиради, касб-хунар таълими йўналишларини онгли равишда танлашларига кўмаклашади.

## 4- ИЛОВА

### Меҳнат таълими бўйича Давлат таълим стандарти

Ушбу стандарт умумий ўрта таълим мактаблари учун меҳнат таълими фанидан ўқув даструр, ўқув методик қўлланма, дарслик ва бошқа расмий меъёрий материалларни ишлаб чиқиш, ўқув-тарбия жараёнини ташкил этиш, хамда илмий тадқиқотлар олиб бориш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатдир.

### **Назорат саволлари**

1. Ўқувчиларни касб танлашига таъсир кўрсатувчи омилларини айтиб беринг.
2. Ўқувчиларни меҳнат ва касбий таълим жараёнида касбга йўналтириш ишлариҳақида айтиб беринг.
3. Умумтаълим фанларини касбга йўналтириб ўқитиш методикасини айтиб беринг.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
2. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
3. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
4. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.

## **5- Мавзу: Таълим мазмунини интеграциялаш турлари, йўналишлари, функциялари ҳамда ривожлантириш истиқболлари**

**Режа:**

1. Касб танлашга йўллашнинг тарихий тараққиёти.
2. Мехнат таълими жарёнида касб танлашга йўллаш.

**Таянч иборалар:** касб-хунар, хунарманд, касбга йўналтириш, касб турлари, интеллектуал қобилият, маслаҳат бюроси, бозор иқтисодиёти шароитида касблар, касбий консультацияси.

**1. Касбга йўналтиришнинг тарихий тараққиёти.** Мехнат ва касбий тайёргарлик тизими бевосита ёшларнинг мехнат ва касб тарбиясини касбий ахборотлар, касб танлаш, касбга йўналтириш ишларини амалга оширадиган улкан ишлардан бири бўлиб, ўз ўтмиш тараққиётига эгадир. Халқимизнинг миллат, элат бўлиб шаклланишини меҳнатсиз, касбларсиз, хунарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Одамзод пайдо бўлишидан бошлаб меҳнат билан шуғулланган. Дастлаб фақат кун кечириш учун қилинган меҳнат кейинчалик, каттароқ мақсадни, моддий манфаат кўриш учун амалга оширилиб ҳатто, X асрларда йирик ҳарбий қўшинларни, миллионлаб халқларни буюмлар, анжомлар билан таъминлай оладиган ишлаб чиқариш соҳалари даражасигача тараққий этган.

XII - XV асрларда Мовароуннахр ва Хурросонда хунар илми, кўлами ривожланиши энг юқори поғонага кўтарилиган. Ҳар бир халқ ота-бобосидан мерос бўлиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ўзининг тарихий-маданий бирлиги билан ажralиб, ўзига хос-хусусиятларни сақлаб келган. Ўзбеклар ҳам шулар жумласидандир. Республикамиз худудида ўтказилган археологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, хунармандчилик бу ерларда икки минг йиллар олдин ривожланган. Бу даврда синфий жамият пайдо бўлиб, йирик меҳнат тақсимоти негизида хунармандчилик мустақил соҳа бўлиб ажralиб чиққан.

IX - XII асрларда хунармандчилик кенг ривожланиб, халқимизнинг хорижий давлатлар билан иқтисодий-маданий алоқалари авж олган. Айрим

манбаларда қайд этилишича, 32 хил ҳунар тури мавжуд бўлган аҳоли яшайдиган жойни шаҳар деб аташган. 1897 йили биринчи аҳоли рўйхати вақтида катта шаҳарларда аҳолининг кўпчилик қисми ҳунармандлар хисобланган. Масалан, Наманган аҳолисининг 64 фоизи, Қўқоннинг 52 фоизи, Чустнинг 54 фоизи, Марғилоннинг 50 фоизи, мустақил касб-ҳунар эгаси хисобланган<sup>1</sup>.

Ҳунармандчиликнинг қадимий даврларда энг кўп тарқалган тури темирчилик, заргарлик, мисгарлик ва тунукасозлик бўлган. Ҳозиргача кенг тарқалган қадимий касблардан бири ёғоч буюмлари ясаш ҳунармандчилигидир. XX аср бошларида тикув машиналарини пайдо бўлиши билан янги ҳунармандчилик касби - тикувчилик юзага келади. Ўзбекларнинг энг кенг тарқалган уй касбларидан бири дўпидўзликдир.

Булардан ташқари, ҳунармандлар теридан ҳар хил буюмлар ясаганлар, пояфзалчилар ўз маҳсулотларини шаҳар ва қишлоқларда юриб аҳолига сотганлар. Нонвойлик, қандолатчилик ва қассоблик ҳам касблардан бўлиб уларнинг дўконлари ҳар қадамда учраган. Катта тўй-маъракалар ўтказиш одати маҳсус ошпазлик касбини юзага келтирган.

Тарихий маълумотларга асосланиб айтишимиз мумкинки, касбга йўналтириш ишлари қадимдан шаклланиб келган. Касбга йўналтириш ишлари ҳам инсоният жамият тараққиётининг эҳтиёжларидан келиб чиқсан ва у ҳам жамият каби ўз ривожланиш тарихига эга. Табиийки, касбга йўналтириш касблар пайдо бўлишидан ва демак унга эҳтиёж юзага келишидан илгари пайдо бўлиши мумкин эмас эди.

Инсоннинг билим, кўникма ва қобилиятларини ташхис қилиш билан боғлиқ касбга яроқлилик даражасини баҳолаш элементларининг пайдо бўлиш тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Эрамизгача бўлган ИИИ минг йилликдаёқ қадимги Вавилонда мирзалар тайёрловчи мактабда битирувчилар синовдан ўтказиб борилган. Ўша даврлар билим даражасидан келиб чиқилганда касбий тайёргарлик кўрган мирза Месопатамия сивилизатсиясида

---

<sup>1</sup> И.Жабборов. Ўзбек халқи этнографияси. Т.,1995.

марказий ўринда шахс турган: у майдонларни ўлчашни, мулкни бўлишни, мусиқа асбобларида ижро услубини ва ашула айтишни билган. Синов даврида унинг газламаларни, металларни, ўсимликларни турларини билиши, шунингдек, барча тўрт арифметик амалларни бажара олиш кўникмалари текшириб кўрилган. Қадимий Мисрда касбни эгаллашга даъвогарлар сухбатдан ўтказилиб, унинг таржимаи ҳоли, билим савияси, ташқи қўриниши ҳамда сухбатни олиб бориш қобилияtlари аниқланган. Сўнгра меҳнат қилиш, эшитиш, сукут сақлаш қобилияtlари олов, сув ва ўлим билан кўрқитиш воситасида синааб кўрилган.

Айтилишича, синааб қўриш ва танловдан ўтказишнинг бундай жиддий тизимини ўтмишнинг буюк алломаси Пифагор ўз бошидан ўтказган. Ўқищдан сўнг Гретсияга қайтгач, у ўзи босиб ўтган синовлар тизими асосида ўқувчилар танлаб олинувчи мактаб очган. Пифагор интеллектуал қобилияtlарга асосий эътиборни қаратган ва бадиий қилиб айтганда: "Ҳар қандай ёғочдан ҳам меркурийни йўниб бўлмайди"- деб ҳисобланган. Шунингдек, у ёш инсонларнинг ўзини тутишига ҳам алоҳида эътиборни қаратган ва уни инсон характерида намоён бўлувчи асосий кўрсатгичлар деб санаган. Пифагор ўқитувчилар ва ота-оналар тавсияларига этибор билан қараган, ҳар бир янги ўқувчини синчиклаб кузатиб борган. Шундан сўнг уни ўз фикрини эркин ифодалашга ва сухбатдошлар билан баҳслашишга ўргатган. Эрамизгача бўлган минг йилликда Хитойда хукумат амалдори касби ва мансаби кенг тарқалган. Мос равища ушбу касбни танлашдаги дастлабки элементлар ҳам шу ернинг ўзида юзага келган. Бундай касбни эгалашга жазм этган ёшлар тантанаворлик руҳи билан суғорилган муҳитда давлат имтиҳонларини топширишган. Имтиҳон саволларини кўпчилик ҳолатларда император ўзи белгилаган, шунингдек, синовдан ҳам ўзи ўтказган ва даъвогарларни саралаш кўп босқичли усулда амалга оширилган.

**2. Мехнат таълими жараёнида касб танлашга йўллаш.** Касб танлашга йўллаш бутун педагоглар жамоаси томонидан ҳал этиладиган умуммактаб вазифаси ҳисобланади. Шу билан бирга, бу ишда меҳнат таълими алоҳида

ўринни эгаллайди. Бунга сабаб шуки, меҳнат таълиминиг мазмунига қатор касблар билан узвий ва тизимли равишда таништириш ва бу таништириш нафақат назарий жиҳатдан, балки амалий жиҳатдан ҳам олиб борилади. Маълумки, касблар тўғрисида тасаввур ана шундай тарзда берилгандагина у ҳақида тўлиқ тассаввурга эга бўлиш мумкин бўлади.

Касб танлашга йўллаш иши бутун меҳнат таълими давомида олиб борилади, лекин унинг вазифалари ўзининг турли босқичларида ўзгариб туради.

5-7-синфларда асосан касб ҳақида маълумот берилади. Ўқувчилар қандай касблар борлиги, унинг типлари билан танишадилар. Бу касбларнинг элементлари ўқувчиларнинг устахонадаги фаолияти мазмунини ташкил этади. Бу ҳол ўқитишининг шу даврида ўқувчиларни умуммеҳнат тайёргарлик вазифасига тўла мос келади.

6- синфда ва айниқса, 7-синфда касб тўғрисида маълумот бериш билан бир қаторда меҳнатда тарбиялаш ишлари ҳам олиб борилади. Бунга сабаб шуки, 7-синфни битириш арафасида ўқувчилар бўлғуси меҳнат тайёргарлигининг соҳаси(йўналиши)ни танлаб олишлари зарур. Ҳар бир соҳа бўйича кўплаб оммавий кичик мутахассислар касбларини ўз ичига олади. Булар устахонадаги машғулотларнинг мазмуни билан изчил алоқада бўлган касблар бўлиши (масалан, металлга ва ёғочга ишлов бериш технологиясига оид касблар) ёки улар билан ҳеч қадай алоқадор бўлмаган касблар (чунончи, сувоқчилик, буёқчилик ва шу каби қурилиш касблари) бўлиши мумкин.

Меҳнат тайёргарлигининг соҳани танлашда кўпинча мунозарали вазиятлар вужудга келиб, бу мунозарада ўқувчиларининг ота-оналари ҳам иштирок этишлари мумкин. Меҳнат тайёргарлигининг айрим соҳалари гўё эътиборсиздек туюлиб, ҳеч ким бу касбни танлашни хоҳламайди. Бошқа соҳаларга эса, аксинча, керагидан кўпроқ ўқувчилар қизиқиб қолишади.

Амалда учрайдиган барча касблар билан ўқувчиларни таништириб чиқишининг имкони йўқ, албатта. Лекин қўпгина касблар инсон олдига қатор умумий талабларни қўяди. Ўсмирларни ана шу талаблар билан таништириб

улар ҳақидаги тасаввурини кенгайтириш мүмкін. Масалан, кейинги вақтда жисмоний меңнатнинг маънавий савияси ортаётганлиги кузатилмоқда. Ақлий меңнат фаолиятига қўйиладиган талаблар тобора ортиб бормоқда. Меңнат жамоасида ўзини тутишига нисбатан ҳам юқори талаблар қўйилмоқда. Шуни ҳисобга олиб, касб танлашга йўллаш ишини шундай ташкил қилиш мүмкинки, ўқувчилар фақат муайян касблар тўғрисида тасаввур олибгина қолмасдан, меңнат фаолиятига нисбатан қўйиладиган умумий талаб тўғрисида ҳам тасаввурга эга бўлаётганликларини англайдиган бўлишсин.

Касб танлаш жуда муҳим масала бўлиб, кўпинча ўқувчилар уни мустақил ҳал қила олмайдилар. Бу масалада уларга мактаб ёрдам бериши керак. Кўпинча синф раҳбари ҳар бир ўқувчига карточка тутиб, ўқувчининг у ёки бу ўқув фанга муносабати, касбга бўлган қизиқиши, ўқишдаги муваффақиятлари, шахсий фазилатлари ҳақида ўқитувчилар айтган маълумотларни шу карточкага ёзиб боради. Бу эса ўқувчининг нималарга қизиқишини аниқлашга имкон беради. Агар ўқувчининг қизиқишлиари барқарор бўлса, синф раҳбари ўқувчида у танламоқчи бўлган касб учун зарур аломатлар бор-йўқлигини аниқлашга киришади. Ўқувчининг соғлиғи у танлаган касб талабларига тўғри келмайдиган ҳоллар ҳам учрайди. Бу масалани врач ҳал қиласди. Шундан сўнг ўқитувчилар ўқувчининг ота-онаси билан сухбатлашиб, болани бошқа касбга қизиқтиришга ҳаракат қиласдилар. Лекин бу ишни хушмуомалалик, эҳтиёткорлик билан бажариш лозим, акс ҳолда ўсмирнинг кўнгли чўкиши, ўзини тўлақонли одам эмасдек хис этиши мүмкин.

Ўқувчилар ўзларига касб танлаётганларида ўқитувчилар ўз таъсирини ўтказишга ҳаддан ташқари интилмасликлари керак. Бу ўрнида жуда эҳтиёт бўлиш ва ўқувчилар ушбу касбга чиндан ҳам қизиқадиларми ёки бу қизиқиши тасодифий қизиқиши, аниқлаб олиш лозим.

Касб танлашга йўллаш ишини олиб борища мактабнинг ҳақиқий иш шароитларини ҳисобга олиш даркор. Мамлакатимиз турли туманларининг ишлаб чиқариш базаси бир хилда эмас. Масалан, агар гап яъни дам олиш

масканига яқин жойлашган шаҳар ҳақида борадиган бўлса, ўқувчиларнинг кўпчилик қисми келгусида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида ишлаш кераклигини эътиборга олишга тўғри келади. Туман иқтисодиёти меҳнат билан таъминлаш имкониятларини кўп жиҳатдан белгилаб беради. Бироқ инсоннинг индивидуал хусусиятлари ҳам, одатда, қатор касб талабларига жавоб беради, ўқувчиларнинг қизиқишиларини эса шакллантириш мумкин. Шундай қилиб, касб танлашга йўллаш ишини давлатнинг у ёки бу касбга бўлган эҳтиёжларини ва ўқувчиларнинг қизиқишиларини ҳамда иштиёкларини эътиборга олган ҳолда олиб бориш мумкин.

Касб танлашга йўллаш ишида 8-9-синфлар алоҳида ўринни эгаллайди. Бунда бир томондан касб танлашга йўллаш иши бевосита меҳнат дарсларида давом2этиб, ўқувчилар ўзлари танлаган меҳнат тайёргарлиги соҳаси таркибиға кирувчи касблар тўғрисида тасаввур олишади, яъни касбга интилиш гўё “торайиб боради”. Бошқа томондан эса “Ишлаб чиқариш асослари”, “Касб танлаш” маҳсус фанларини ўрганиш жараёнида ўқувчиларни халқ хўжалигининг асосий касблари ва ихтисосликлари билан таништириш юзасидан тизимга солинган касб танлашга йўллаш иши бошланади. Мазкур фанда меҳнат дарсларида, фан асослари ўрганиладиган дарсларда ўқувчилар касблар тўғрисида олган билимлар умумлаштирилади.

Шундай қилиб, 8-9- синфларда маълум даражада қарама-қарши вазифа кўйилади. Ўқувчи кенгайтирилган меҳнат таълимини ўтиб қатор ўхшаш касблар элементларини (масалан, металлга ишлов бериш учун слесарлик, токарлик, фрезерлик иши) ўзлаштириб олади. Бунинг натижасида у бошланғич касб тайёргарлигини олади ва уни касб-ҳунар коллажларида давом эттириши зарурдек туюлади. Айни пайтда ўқувчи олдида касблар дунёси биринчи маротаба тизимга солинган ҳолда тўлиқ очиб берилади, гўё улардан ҳоҳлаганингни танлаб ол, дейилгандек бўлади. Касб танлаш эркинлиги ана шу кўринишдаги зиддиятда намоён бўлади. 9-синфда ўқувчи ўзи аввал танлаган касбдан айниб, меҳнат таълимининг бутунлай бошқа йўналишини ихтиёрий қилиб олиши ҳам мумкин. Демак, ўқувчи факат 9-

синфда бирор касбни танлаш ҳақида узил-кесил қарорга келиши мумкин. Лекин бу билан касб танлашга йўллаш иши тугайди ёки бўшаштириб юборилади, дейиш хато бўлади. Аксинча, бу иш энди янада таъсирчан бўлиши лозим, аммо унинг мақсади ўзгаради, энди биринчи режани танлаган касбга муҳаббат уйғотиш эгаллайди. Касб танлашга йўллаш ишининг бутун мазмуни, формалари ва методлари ана шу мақсадга қаратилади.

Юқорида айтилганлардан, меҳнат таълими жараёнида касб танлашга йўллаш иши бир неча босқичдан ўтиб, бу босқичларнинг ҳар бирида ўз вазифалари ҳал этилади, деган хulosани чиқариш мумкин. Бунда касб танлашга йўллаш иши, бошқа ҳар қандай ўқув-тарбия иши каби, икки ёқламали жараёндан иборат бўлиб, бу жараёнда ўқитувчига ҳам, ўқувчига ҳам тенг даражада аҳамият ажратилади. Шунинг учун касб танлаш ишига нисбатан қўйиладиган энг муҳим талаб - ўқувчиларнинг юқори даражада фаол бўлиши лозимдирки, бу фаоллик касбий тарбия, касб танлаш негизларини шакллантириш ҳисобига таъминланади. Меҳнат ўқитувчилари касбий ташхис ҳамда касбий консултатсияга тайёргарлик кўрган бўлсалар ва бу ишни ўз вақтида ўтказсалар, ўқувчиларнинг фаоллиги ортади.

### **Назорат саволлар:**

1. Касбга йўналтириш ишлари қайси даврлардан бошланган?
2. IX - XII асрларда ҳунармандчиликнинг энг кўп тарқалган турига қайси ҳунарларни киритиш мумкин?
3. XX асрларда касб танлашга йўналтириш ишлари қандай ривожланиб борган?
4. Меҳнат таълими жарёнида касб танлашга йўллаш ишлари қандай амалга оширилади?
5. 8-9 синфларда касб танлашга йўллаш ишлари қандай амалга оширилади?
6. Ўқувчилар ўзларига касб танлаётганларида уларга қандай ва ким томонидан методик ёрдам кўрсатиш керак?

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

5. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003. – 192 б.
6. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008. – 180 б.
7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарбияда Инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009. – 160 б.
8. Педагогика назарияси ва тарихи // М.Х. Тўхтахўжаева таҳрири остида. – Т.: “Молия-иқтисод”, 2008. – 208 б.

**6- Мавзу: Мехнат таълими ўқитувчининг технологик маҳорати, ижодкорлиги ва новаторлиги. Курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертацияларини бажариш жараёнида узвийлик ва узлуксизлик**

**Режа:**

1. Курс ишини бажаришдан мақсад ва тузилиши.
2. Курс ишини бажариш юзасидан кўрсатмалар.
3. Битирув малакавий ишининг мақсад ва вазифалари.
4. Курс иши битирув малакавий ишини бажаришда узвийлик ва узлуксизлик.

**Таянч иборалар:** курс иши, битирув малакавий иш, магистрлик диссертация, узвийлик, узлуксизлик дарс ўтиш методикаси, дарсни ташкил этиш, дарс режаси, календарь мавзули режа, дарснинг хронологик харитаси, конспект, тарқатма материаллар, тест сўровномалари, жадваллар, расмлар, технологик харита, схемалар, педагогик технология методларидан фойдаланиш, ўқув ишлаб чиқариш ишлари, техник база тайёрлаш, инструкцион-технологик ҳужжатлар.

**Курс ишини бажаришдан мақсад ва тузилиши.**

**Мехнат таълими ўқитиши методикаси** фанидан курс ишлари фан юкламаси тутатилгандан сўнг, талабаларда меҳнат таълими ўқув курслари ҳақида тўлиқ маълумот шакллангандан кейин бажарилиши талаб қилинади. Курс ишлари талабанинг эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, мустаҳкамлаш ва бойитиш, эгалланган билимларни амалда қўллай олиш, мустақил илмий изланишлар олиб бориш, адабиётлар билан ишлашга ўргатиш каби мақсадларни кўзлайди.

**Шу мақсадларнинг тўла-тўқис амалга ошиши учун курс иши топшириқлари шундай тузилиши керакки, уни бажариш учун талаба курснинг барча бўлимларига, методик адабиётларга, амалий иш тажрибасига мурожаат қилишга тўғри келсин.**

Курс иши тушунтириш хати ва чизмаларни ўз ичига олади. Тушунтириш

хатининг ҳажми чекланмайди. У тахминан 25-30 бетни ташкил этади. Чизмаларнинг мазмуни аниқ топшириклар билан белгиланади.

Курс иши топшириғи бирор мавзуга тегишли календарь-тематик режа; мавзуга бағищланган дарслар тизимини ишлаб чиқиш, бирор мавзунинг дарс режа-конспектини тузиш, педагогик технологияларга асосланган дарс ишланмаларини тайёрлашдан иборат бўлиши мумкин.

Дастлаб мавзунинг ўқув дастуридаги тутган ўрни, уни ўрганишнинг календарь муддатларини аниқлаш талаб этилади, сабаби бусиз бошқа ўқув фанлари билан дидактик алоқа ўрнатиб бўлмайди.

Курс ишида қуидагилар акс эттирилади:

1. Мавзу тавсифи. Мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси.

2. Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили.

3. Мавзунинг ўқув-тарбиявий вазифалари.

4. Мавзуни ёритища фойдаланиладиган илмий- тадқиқот методлари.

5. Мавзу материалларни назарий ва методик асосларини очиб бериш.

6. Мавзунинг назарий асосларини ўқув жараёнидаги меҳнат операциялари бажарилишининг методик жиҳатдан тавсифи.

7.Мавзуни ёритиш методикаси. меҳнат таълими ўқитиш методикаси фанининг асосий тушунчалари, дарс ўтиш методикаси, дарсни ташкил этиш, дарс режаси, календарь мавзули режа, дарснинг хронологик харитаси, конспект, тарқатма материаллар, тест сўровномалари, жадваллар, расмлар, технологик харита, схемалар ва ҳоказо.

8.Мавзуни ёритища педагогик технология методларидан фойдаланиш.

Педагогик технология тушунчасини ўзлаштириш, педагогик технологияга берилган таърифлар билан танишиш, педагогик технология методларини қўллаган ҳолда дарс ишланмаси тайёрлаш.

9.Ўқув ишлаб чиқариш ишлари.

10. Мавзуни ўрганиш учун зарур моддий-техник база тайёрлаш.

11. Инструксион - технологик хужжатлар.

12. Ўқитувчининг дарсга тайёргарлиги.
13. Мавзуни ўрганиш режаси ва техник ҳужжатлар.
14. Хулоса тайёрлаш ва таклиф ва мулоҳазаларни билдириш.
15. Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхатини келтириш.

### **Курс ишини бажариш юзасидан кўрсатмалар**

#### **Курс ишининг тузилиши**

Кириш.

Масаланинг долзарблиги; мавзуга доир адабиётлар таҳлили; илмий-тадқиқот методлари.

Асосий қисм:

1-бўлим. Мавзунинг илмий-назарий асослари.

2-бўлим. Мавзуни ёритиш методикаси ва педагогик технология методлари асосида дарс ишланмаси.

3-бўлим. Тажриба-синов ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари.

Хулоса. Илмий изланишдан олинган натижалар юзасидан фикр ва мулоҳазалар.

Фойдаланилган ва тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.

#### **Курс ишини бажариш босқичлари ва уни ҳимоя этиш тартиби**

1. Мавзуни танлаш. Курс иши режасини тузиш ва уни тасдиқлаш.
2. Адабиётларни ўрганиб таҳлил қилиш.
3. Курс иши мавзуси юзасидан илғор педагогик ишларни ўрганиш.
4. Олинган маълумотларни жадвал ва схемада ишлаб чиқиши.
5. Курс иши ҳимоясида кафедра ўқитувчилари иштирок этади.
6. Курс ишини баҳолашда ҳар томонлама бажарган ишлар ҳисобга олинади.
7. Курс иши раҳбари ҳимоя қилинган ишни таҳлил қилиб, якунлаб беради.
8. Курс иши ҳимояси тақдимот шаклида намоён қилинади.

9. Муддатида улгура олмаган ёки ҳимоя қила олмаган талаба академ қарздор деб ҳисобланади.

### **Курс ишини ҳимоя қилиш тартиби**

Олий таълим муассасида бакалавриатуранинг тўрт йил давомида ҳар бир талаба ўқув режасига биноан камида 4 та курс иши ёки курс лойиҳаларини бажаради. Курс ишлари талабанинг профессор-ўқитувчилар раҳбарлигида бажарилган мустақил иши бўлганлиги учун унинг натижаси, кафедра томонидан тайинланган, деканат томонидан тасдиқланган уч кишидан иборат комиссияда, аввалдан белгиланган режа асосида ҳимоя қилинади.

Кафедра томонидан берилган топшириққа асосан талаба курс ишларини тўлиқ бажариб, расмийлаштиради ва кафедрага расмий равишда топширади. Шундан сўнг курс иши раҳбарининг ижобий тақризи билан ҳимояга қўйилади.

Ҳимоянинг ўтказилиш тартиби қўйидалардан иборат:

1. Комиссияга тақдим этилган иш комиссия раиси томонидан эълон қилинади эътиrozлар бўлмаса, муаллифга 5-10 дақиқа ишнинг мақсади, моҳияти, олинган натижа ва хulosаларни баён қилишга рухсат этилади.
2. Ҳимоя вақтида талаба курс ишлари материалларидан, график тасвиirlари ва қўшимча маълумотлардан фойдаланишга ҳақли ҳисобланади.
3. Ҳимоя режада кўрсатилган барча талabalар ҳимоя қилингандан сўнг, комиссия аъзолари ҳоли қолиб, бир қарорга келинади ва рейтинг тизимиға асосан баҳоланади.
4. Сўнг ҳимоячилар, қатнашувчиларнинг барчалари таклиф этилиб қўйилган баҳолар эълон қилинади.
5. Қониқарсиз баҳолангандар, академик қарздор ҳисобланиб, деканат белгиланган режага асосан яна бир бор ҳимоя қилишлари мумкин.
6. Комиссияга топширилган курс ишлари расмий равишда кафедрага сўнг архивга камида 5 йил муддатда сақлаш учун топширилади.

Курс ишлари 100 балли тизим асосида баҳоланади. Курс ишини бажаришда 55 балдан кам тўплаган талаба академ қарздор ҳисобланади.

	Эътибор бериладиган ҳолатлар	Балларнинг вазифалар бўйича тақсимланиши
	Курс ишининг тузилмаси	5
	Мавзунинг долзарблигини асослаш	5
	Мақсаднинг тўғри қўйилганлиги ва ечимга эришилганлиги	10
	Мавзуни ёритища фойдаланилган адабиётлар таҳлили	5
	Мавзуни ёритиш методларининг тўғри танланганлиги ва татбиқ қилинганлиги	30
	Аниқланган назарий маълумотларни амалда синаб кўрилганлиги ва асосланганлиги	15
	Дарс ишланмаларини тайёрлашда педагогик технологияларнинг тўғри қўлланилганлиги	25
	Олинган якуний хуносаларнинг белгиланган мақсадга мувофиқлиги	5
	Жами	100

### **Курс ишларини бажаришда техник моделлаштириш ва лойиҳалаш**

Олий таълим муассасаларида айниқса бўлажак меҳнат таълими ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашда меҳнат ва касб таълими методикаси фанларидан курс ишларини бажаришда техник моделлаш ва лойиҳалаш мухим аҳамият касб этади. Бу борадаги вазифаларни муваффақиятли бажаришда турли ташкилий шакл ва методлардан фойдаланилади, жумладан:


- техник маълумотлар бериш;
- тадқиқотчилик ва амалий фаолият, қўнижма ва малакаларни шакллантириш;
- техник билимларни, меҳнат усулларини, бажарилган ишлар сифатини назорат қилиш;
- дизайн, эстетик дид ва меҳнат маданияти қўнималарини, мустақил ишлаш қобилиятини шакллантириш;
- конструкторлик-технологик мазмундаги ижодий масалаларни хал қилиш, юксак даражадаги меҳнат интизомига ва меҳнат муҳофазаси талабларига риоя этиш учун маълум шарт-шароитлар яратилиши ва ҳ.к.

Техник моделлаштириш жараёни бирор бир ноёб, қимматбаҳо хуллас кўп маблағ сарфланадиган иншоотлар, агрегатлар, машиналар ва ҳоказоларнинг моделини яратиш ҳисобланади. Одатда моделнинг ўлчамлари асл нусхага нисбатан анча кичик бўлади ва шунга кўра ундан арzonга тушади. Модель тузилиши жиҳатидан аслидан фарқланиши мумкин, лекин унда ишлаш жараёнида аслида содир бўладиган физик ҳодисалар кузатилиши керак.

Техник моделлаштириш жараёни учта асосий босқичдан иборат:

- модель ясаш учун техник хужжатларни (техник шартлар, чизмалар, технологияни) тайёрлаш, модель ясаш ва уни синааб қўришдан иборат.

Техникада ишлатиладиган моделлар 3 турга булинади. Мехнат ва Касб таълими методикаси фанларидан талабалар курс ишларини бажаришлари учун ушбу турларни билиши талаб этилади.



Геометрик ўлчамларда ўхшашлик-Кўргазмали қурол мақсадида ишлатиладиган обйектнинг ташқи қиёфасини англатади. Бундай моделлар талабаларни замонавий машина, механизмлар тузилиши, ишлаш мезонлари билан таништиради.

Физикавий ўхшашлик-Ўрганилаётган обйектнинг ҳаракат динамикаси, ўзаро боғлиқлиги қонуниятлари, хусусиятлари ва ўхшашликларини кўрсатади.

Ҳаракатли ўхшашлик-Тирик мавжудодларнинг ҳаракатларини моделлаштириш тушунилади. Бу турдаги моделларнинг аслига яқин бўлишни таъминлаш мақсадида кўп ҳолатларда улар тирик мавжудотлар,

инсонларга ўхшаш қилиб яратилади.

Талабаларга техник моделлаштиришни ўргатиш жараёнида инсон ўз амалий фаолиятида табиат қонуниятлари ва ҳодисаларидан фойдаланишини кўрсатиб бериш, уларни замонавий ишлаб-чиқариш соҳалари билан таништириб чиқиш керак. Бунда талабаларнинг фан асослари бўйича олган билимларини устахонадаги амалий ишлари билан боғлаш керак.

Талабаларнинг техник моделлаштириш жараёнидаги фаолияти асосан техник хужжатларни ишлаб чиқиш ва модель ясашдан иборат бўлади. Шунинг учун энг аввал талабаларни чизмаларни ишлашга, технологик жараённи тузишга, моделнинг деталларини тайёрлаш ва уларни йиғишга жалб этиш учун энг қулай моделлар ясашни назарда тутиш лозим.

Талабаларга моделлаштиришни ўргатиш жараёнида обьектларни тайёрлаш қўйидагicha уч босқичда амалга оширилади:

- 1) мукаммал техник хужжатлар бўйича;
- 2) қисқартирилган техник хужжатлар бўйича;
- 3) техник шартлар ёки ўз шартлари бўйича;

Моделлаштиришни ўргатишдаги биринчи босқичнинг хусусияти шуки, унда талабалар топшириқни бажариш учун барча бошланғич маълумотларни тайёргина оладилар. Бу эса ана шу босқичда талабаларнинг ижодкорлиги учун ҳеч қандай шароит бўлмайди дегани эмас. Чунки чизмалар, обьектнинг техник шартлари ва технологик харита мавжуд бўлган тақдирда ҳам, талабаларнинг маълум даражада мусатақил ишлашига тўғри келади. Улар аввало техник хужжатларни тушуниб олишлари: чизмани ўқишлиари ва технологияни ўрганишлари шарт.

Моделлаштиришни ўргатишнинг иккинчи босқичи талабалар топшириқни бажариш учун керакли маълумотларни тўлиқ олмаслиги билан тавсифланади.

Улар ёрдамчи адабиётдан фойдаланиб, буюмнинг лойихасини, уни тайёрлаш технологиясини ишлаб чиқишга ва ҳоказоларга жиддий ёндошиб, мазкур маълумотларнинг бир қисмини мустақил ҳолда ўзлари топишлари

керак. Қисқартирилган техник хужжатларда бир йўла ҳам чизмаларни ўқиш ва ишлаб чиқиш, ҳам лойихалаш ва технологик жараённи ташкил этиш вазифаларини назарда тутиш тавсия қилинади. Талабалар етишмайдиган маълумотларни шу тарзда топиш учун чизмачиликдан, шунингдек лойихалаш ва технологиядан олинган билимларни ижодий қўллашлари лозим.

Моделлаштиришни ўргатишнинг учинчи босқичи талабаларнинг ўз ижодий тасаввури ёки буюмга қўйиладиган шартлар бўйича бажарадиган мустақил ишидир. Моделлаштиришда талабаларнинг индивидуал хусусиятлари фарқи айниқса яққол кўринади.

Бунда маълум даражада айрим талабаларнинг онгли мустақил таълим фаолияти билан шуғулланиши хар хил техник қурилмаларни лойихалаш ва тайёрлашга қизиқишилари сабаб бўлади.

Лойихалаш-асл нусхадаги машиналар, мосламалар, жихозлар ва ҳоказоларнинг чизмаларини яратишга қаратилган ижодий жараёндир. Лойихалаш билан шуғулланиш учун аввало кенг график ҳамда технологик билим ва малакаларга эга бўлиш керак. Шунингдек, буюмларнинг мустаҳкамлиги, аниқлиги ва ҳоказоларига оид мураккаб ҳисобларни бажариш имконини берадиган маҳсус лойихалаш билимлари ва малакалари ҳам зарур.

Талабалар техник моделлаштириш билан шуғулланишда буюмларни лойихалаш, тайёрлаш ва пардозлаш бўйича қўйидаги ишларни бажарадилар:

1. Лойихаланадиган буюмнинг вазифаси ва қўлланиши билан танишиш;
2. Буюмдан фойдаланиш ва уни тайёрлаш жараёнига асос бўладиган физик, кимёвий ва бошқа жараёнларни аниқлаштириш;
3. Умумтехник ва қўшимча адабиётларни ўрганиш, қўйилган вазифани ҳал қилинишининг энг яхши вариантини танлашда улардан фойдаланиш;

4. Буюмнинг бир нечта эскиз варианларини тайёрлаш ва улардан ЭНГ яхшисини танлаш;
5. Буюмнинг техник лойихасини ишлаб чиқиш;
6. Буюмга ишлов бериш технологиясини ишлаб чиқиш;
7. Айрим деталларни, узеллар ва умуман буюмни тайёрлаш ҳамда ростлаш;
8. Буюмнинг камчиликларини аниқлаш ва бартараф этиш;
9. Буюмни пардозлаш;
10. Буюмни тайёрлашга доир ўқув-техник хужжатларга тузатишлар киритиши.

## **11. Билимларни мустаҳкамлаш учун саволлар**

1. Курс ишлари мавзуларини танлашга қўйиладиган талаблар.
2. Курс ишларини тайёрлашга қўйиладиган талаблар.
3. Курс ишини бажариш кетма-кетлиги; мазмуни ва унда қўйиладиган муаммоларни ҳал қилиш методикаси.

### **10.2. Битириув малакавий ишлари бажариш**

Режа:

1. Битириув малакавий ишни бажаришнинг мақсад ва вазифалари.
2. Битириув малакавий ишларини амалга оширишда тадқиқот методлари.

**Таянч иборалар:** малака иши, илмий раҳбар, маслаҳатчи, илмий ходим, хисоб графика, мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади, тадқиқот вазифалари, тадқиқот обьекти ва предмети, кутиладиган натижа, тадқиқот методлари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти,

#### **Битириув малакавий ишиниг мақсад ва вазифалари**

Битириув малакавий иш талабанинг ўқиши даврида эгаллаган назарий ва амалий билимлари асосида бажарган илмий-тадқиқот ишларининг натижаси хисобланади.

Битириув малакавий ишнинг мақсади талабаларнинг барча блок фанлари бўйича олинган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш, бу билимларни муайян илмий, техникавий, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий, маданий вазифаларни ҳал этишда қўллашдан иборатдир. Талаба узлуксиз таълим турлари бўйича ўқув дастурлари, ўқув режалари билан таниш бўлиши, мутахассислик фанларини ўқитиш методикаси, педагогика ва психология фанлари, янги педагогик технологияларни чуқур билиши ва билимларни амалда қўллай олиши керак.

Битириув малакавий ишнинг вазифаси олиб борилган тадқиқот мавзуси бўйича олинган умумий ахборотни мустаҳкамлашни, манбалардан тўпланган илмий ва амалий далилларни тизимли тарзда изчил тартибга солишини назарда тутади.

Битириув малакавий ишнинг муаллифи илмий тадқиқотни мустақил олиб бориши, таълимий муаммоларни топиши ва уларни ҳал қилишнинг умумий метод ва қоидаларини амалда қўллай билиши, таҳлил қила олиши, натижанинг самардорлигини кўрсата билиши керак.

Битириув малакавий ишнинг вазифалари сифатида мутахассислик ва бирор ихтисос бўйича тайёрлаш соҳасида илмий-тадқиқот ва амалий ишларда билимларни мустаҳкамлаш, мустақил ҳолда маълумотларни излаш ва муайян муаммоларни ечиш, танланган мавзу бўйича касбий, педагогик ва психологик категориялар, ходисалар ва муаммолар моҳиятини очиш, мавжуд материалларни тизимлаштириш, таҳлил қилиш ва қайта ишлаш, узлуксиз таълим тизимида таълим сифати ва самарадорлигини оширишга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ва ҳ.к.лардан иборат.

Диссертациянинг ёзилиши, тайёрланиши ва очиқ ҳимоя қилиниши талабанинг мутахассислиги бўйича танлаган мавзуси негизида нечоғлик мустақил тадқиқот олиб бориш тажрибасига эга бўлганлигини аниқлаб беради.

### **Битириув малакавий ишлар мавзуларини танлаш ва тасдиқлаш тартиби**

## Умумий талаблар

Бити्रув малакавий иш талабанинг олий таълим муассасасидаги барча таълим олиш даврларида эгаллаган назарий билимларини тизимлаштириш, тадқиқот, тажриба-синов ва лойиҳалаш методикаларини амалиётда қўллай олиш кўнижмасини назорат қилиш, шунингдек, битирувчи талабанинг замонавий касб-хунар таълими соҳасида касбий мажбуриятларни мутахассис сифатида бажаришга тайёргарлик даражасини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Битириув малакавий иш мавзулари Республикаизда ўрта маҳсус таълим муассасалари ўқув дастурларига мос равишда, Давлат таълим стандартларида белгиланган талабларга асосланган ҳолда, замонавий фан ютуқлари ва технологияларини хисобга олган ҳолда тузилади.

### **Битириув малакавий ишлар мавзуларига қўйиладиган талаблар**

Битириув малакавий ишнинг намунавий мавзулари мутахассислар тайёрловчи кафедралар томонидан ишлаб чиқилади. Мавзулар алоҳида хужжат сифатида тақдим этилиб, давлат ва жамият талаблари асосида даврий янгилашиб турилади.

Намунавий мавзулар асосида шаклланган битириув малакавий иш мавзуи илмий ва амалий жиҳатдан долзарб бўлиши лозим.

Битириув малакавий иш мавзунинг шаклланиши касб-хунар таълими самарадорлигини оширишга қаратилган муайян амалий масалаларни ҳал этиш кўзланганлиги тўғрисида аниқ тасаввур бериши лозим.

Мавзу танлашда талабани кейинги илмий тадқиқот ишлари олиб боришини назарда тутган ҳолда битириув малакавий иш мавзусининг номзодлик ва ҳатто докторлик диссертатсиялари ёзишда ҳам долзарб бўлишига эришиш лозим. Битириув малакавий иш учун танланган мавзу номзодлик ва докторлик диссертатсиялари тайёрлашда ҳам давом этишини мақсад қилиб қўйилади.

### **МАЛАКАВИЙ ИШНИ ТАЙЁРЛАШ ТАРТИБИ**

#### **Битириув малакавий ишни бажариш жараёнига тайёргарлик**

Битириув малакавий ишни бажаришга тайёргарлик жараёни талабага

танланган мавзунинг ўрганилганлик даражасини баҳолашга ёрдам берувчи адабиётлар, монография ва ўқув қўлланмалар, илмий мақолалар билан танишишдан бошланади.

Манба ва адабиётлар билан ишлаш жараёнида тадқиқ этилаётган у ёки бу муаммога тааллуқли бўлган далил ва воқеаларни ёзиб олиш тавсия этилади.


Ёзиб олинган маълумотлар кўпчилик ҳолларда материални қайта ишлаш ва гурухлашда қийинчилик туғдирмаслиги учун битта вараққа жойлаштирилиши мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун маълумотлар чиқсан манба ва адабиётларнинг қайеридан ёзиб олинганлигини аниқ кўрсатиш талаб этилади.

Манба ва адабиётлар ўрганилиб бўлгач эса, битирув малакавий ишнинг тўлиқ режасини тузиши ва уни илмий раҳбар билан, зарур ҳолларда эса илмий маслаҳатчи билан келишиши лозим. Ушбу режага иш жараёнида аниқлик киритиш мумкин. Унинг охирги варианти асосий манба ва адабиётлар билан ишлаб бўлгач тузилади ва у илмий раҳбар томонидан тасдиқланиб, муҳим хужжатга айланади, унга киритиладиган ўзгаришларни фақат раҳбар розилиги билан амалга ошириш мумкин.

Битирув малакавий ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш талабанинг ўз мустақил ишини ташкил этиш қобилятига бевосита боғлиқ. Малакавий ишни бажаришни талаба битирув малакавий иш режасини тузишдан бошлайди. Режа асосида боблар ва параграфлар бажарилиш кетма-кетлиги ва муддатлари кўрсатилади.

Талаба битирув малакавий ишнинг кириш ва бошқа бўлимлари ҳамда хулосаларини тайёрлаши билан уни илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчига тақдим этади. Улар кўрсатган камчилик ва таклифларни битирув малакавий ишни тайёрлаш жадвалида кўрсатилган муддатгача қайта ишлаб чиқади (3-илова).

## Талабалар мустақил фаолиятини ташкил этиш натижалари сифатида битирув малакавий ишни бажариш ва тайёрлашнинг педагогик модели



Бити्रув малакавий ишни ўз вақтида ва сифатли бажариш талабанинг ўз мустақил ишини ташкил этиш қобилиятига бевосита боғлиқ. Малакавий ишни бажаришни талаба тақвим режа тузишдан бошлайди. Тақвим режа асосида боблар ва параграфлар бажарилиш кетма-кетлиги ва муддатлари кўрсатилади.

*1-жадвал*

### **Битириув малакавий ишни бажариш учун зарур бўладиган психологик-педагогик шароитлар**

<b>Шароитлар гурухи</b>	<b>Умумий</b>	<b>Битириув малакавий ишни тайёрлаш учун энг асосий заруратлар</b>
<b>1</b>	<b>2</b>	<b>3</b>
<b>Ташкилий-педагогик шароитлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– Ташкилий-иктисодий,</li> <li>– илмий-услубий,</li> <li>– ташкилий-бошқарув</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– таълимнинг касбий йўналганлиги;</li> <li>– илмий ва ижтимоий ҳамкорлик;</li> <li>– фаол ўзаротаъсир, ишни ишлаб чиқиш учун ташкилот, муассаса, лаборатория, кафедрага ариза берилиши, касбга оид муҳим муаммоларни ечиш;</li> <li>– Битириув малакавий ишмавзуи, илмий раҳбар ва илмий маслаҳатчини эркин танлаш имконини яратилиши</li> </ul>
<b>Субъект-шахсига оид шароитлар</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– касбий ўзлаштириш мотиватсияси;</li> <li>– ўз вақтини эркин режалаштириш;</li> <li>– ўзига хосликнинг юзага келишига бўлган хурмат;</li> <li>– долзарб муаммоларни мухокама килиш;</li> <li>– таълимнинг индивидуал чўққиси</li> </ul>	<ul style="list-style-type: none"> <li>– ижобий психологик муҳит;</li> <li>– ўзаро хурмат;</li> <li>– эмпатия;</li> <li>– талаба ва ўқитувчининг ишchan руҳдаги, ҳамкорликдаги муносабати;</li> <li>– талаба томонидан ўз қадр-қиммати ва камчиликларининг англаниши;</li> <li>– билимлар кўлами, мулоқот қила олиш кўникмаси;</li> <li>– ўз ҳаётий ва касбий фаолиятини олиб бориш санъатини лойиҳалаш қобилияти</li> </ul>

<b>Захиравий шароитлар</b>	<p>– молиявий-иқтисодий, – моддий-техник, – меёрий-хукукий, – ахборотли – илмий-назарий дастурый-методик, – кадрлар масаласи</p> <p style="text-align: right;">ва</p>	<p>– таълим жараёнида замонаивй, илмий асосланган ўқув-услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш;</p> <p>– зарур бўладиган ўқув-услубий ва маълумотлар бўйича тайёрланган материалларнинг тушунарлилиги (оммабоплиги);</p> <p>– фаннинг ишчи дастури хақида маълумот берадиган услугбий қўлланима ишлаб чиқиш; «ўқитувчи-талаба» ўртасида сафарбар қайта алоқа тизимни яратиш</p>
----------------------------	---	---

Тақвим режада талаба бажарадиган қуйидаги ишлар акс эттирилиши лозим:

- мавзу бўйича адабиётларни танлаш ва танишиб чиқиш;
- малакавий ишнинг дастлабки режасини тузиш;
- танлаб олинган адабиётларни чуқур ўрганиш ва йиғилган материалларни қайта ишлаш;
- малакавий ишнинг охирги вариантдаги режасини тузиш;
- малакавий ишни матнини ёзиш;
- малакавий ишни расмийлаштириб, дастлабки ҳимояга олиб чиқиш.

Мавзуни баён қилишда, авваламбор, бу мавзуни моҳиятини очиб бериш, иккинчидан кўйиладиган масалалар ва уларни ёритилиши бир бирига боғлик ҳолда бўлиши лозим. Шу боис, малакавий ишга қўйилган асосий талаблардан бири танланган мавзуни чуқур ва кенг қамровли баён қилиш хамда кўрилаётган саволларни узвий боғлиқликда ёритиб беришдан иборат.

Битирув малакавий ишни бажариш уч босқичда қуйидаги амалга ошириш технологияси бўйича бажарилиши мумкин:

## Бити्रув малакавий ишнинг тавсифий хусусиятлари ва уни амалга ошириш технологияси

Малакавий ишнинг тайёрлаш илмий тадқиқот мантиқи асосида илмий тадқиқот тизимга ўхшаш ёки айнан шундай тузилмага эга



### I. Тайёрлов босқичи

- 1.1. Малакавий иш мавзусининг долзарбилигини асослаш
- 1.2. Малакавий иш муаммоларини, унинг предмети ва объектини шакллантириш
- 1.3. Қарор тахминини олдинга суринш
- 1.4. Малакавий иш вазифаларини белгилаш
- 1.5. Маълумотлар манбаларини аниқлаш
- 1.6. Тадқиқот усулларини танлаш

### II. Бајарши босқичи

- 2.1. Тадқиқотни амалга ошириш
- 2.2. Хуносалар
- 2.3. Тадқиқот натижаларини аниқлаш, уларни янада ривожлантириш учун янги муаммоларни белгилаш

### III. Натижса босқичи

- 3.1. Олинган натижаларни тақдим этиш ва муҳокама қилиш
- 3.2. Бити्रув малакавий ишига ташқи (эксперт) баҳоси

Битирув малакавий ишда кўриладиган саволлар унинг мақсадини очиб беришга қаратилган бўлиши лозим. Малакавий иш матнида унинг мавзусига таалуқли бўлмаган матн ва амалий материаллар келтирилмайди. Барча бўлимларда ғоя бирлиги ва изчиллиги таъминланиши зарур. Аксарият ҳолларда малакавий ишнинг биринчи бобида танланган мавзунинг назарий жиҳатлари ёритилади. Унда талаба шу мавзуни назарий жиҳатдан қанчалик даражада билишини, турли муаллифларнинг асарлари ва шу соҳадаги фикрларини ўргангандиги, мазмуний ва мантиқий жиҳатдан тадқиқот қилинаётган мавзуга ўз фикрини билдира олишини кўрсата олиши жуда муҳим ҳисобланади.

### **Битирув малакавий ишнинг мазмуни ва таркибий тузилиши**

Битирув малакавий ишнинг асосий таркибий қисмлари қўйидагилардан иборат: сарварак, мундарижа, кириш, асосий қисмнинг боб ва бўлимлари, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати, иловалар.

Битирув малакавий ишнинг таркиби, шунингдек, маълумотлар берадиган саҳифа остидаги изоҳ, қисқартмалар рўйхати, нотаниш ва тушунилиши қийин бўлган таянч сўзлар лугати ҳам кириши мумкин.

Битирув малакавий ишнинг мундарижасида варақлар тартиб рақамлари билан кўрсатилган кириш, барча боб ва бўлимлар, хулоса, фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловаларнинг сарлавҳалари келтирилади. Мундарижа сарваракдан кейин жойлаштирилади.

Битирув малакавий ишнинг **кириш** кисми қўйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

- мавзунинг долзарблиги (мавзу асосномаси);
- муаммонинг ўрганилганлик дарajasи;
- тадқиқот мақсади;
- тадқиқот вазифалари;
- тадқиқот обьекти ва предмети (воқеаларнинг ижтимоий психологик, педагогик, этник, миллий, ҳудудий ва жинсий кетма-кетликда содир бўлишига асосланган доиралари)

- кутиладиган натижа;
- тадқиқот методлари;
- тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти;
- фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлили;
- ишнинг таркибий тузилиши.

Битирув малакавий ишнинг **кириш** қисмида малакавий ишнинг долзарблиги асосланади, амалий аҳамияти, илмий янгилик ёки муаммолик томонлари акс эттирилади, тадқиқот предмети малакавий ишда кўриб чиқиладиган муаммолар, ишнинг мақсад ва вазифалари белгилаб берилади.

Фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлилини тузища кўйилган муаммони ўрганиш учун улар нимага эътибор беришлари кераклигини аниқлаш, шунингдек, уларнинг муаллифи қандай манбаларга таянганликларига эътибор қаратиш лозим. Бунинг учун фойдаланилган манба ва адабиётларнинг танқидий таҳлили сифатида оддий келтирилган меёрий-хукукий далолатномалар, уларнинг муаллифлари ва ишларини алмаштириш мумкин эмаслигини унутмаслик лозим.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар таҳлили мавзууси ёки кўргазмали тамойил бўйича тузилиши, талабанинг (яъни, унинг ўқиган материалларига шахсий муносабати) баҳосини ўз ичига олиши, муаммонинг қайта ишланганлик даражасини кўрсатиши, тўлиқ ўрганилмаган масалаларни аниқлаши лозим. **Кириш** битирув малакавий иш умумий ҳажмининг 10 -15 фоизини ташкил этиши лозим.

Битирув малакавий ишнинг **асосий** қисмида тадқиқот учун танланган мавзунинг назарий жиҳатларини ёритувчи боб ва бўлимлардан ташкил топиши, мавзу хусусияти мос тарзда машинашунослик ва машинасозлик фанлари, ихтисослик фанлари мазмуни, тадқиқот методи ва техникаларини киритувчи мазмун, кутиладиган натижаларнинг баён этилиши, хулосаларнинг шакллантирилиши ва амалий тавсиялар берилиши лозим.

Зарурат туғилганда битирув малакавий ишда талаба томонидан таклиф этилаётган тавсияларнинг татбиқ этилишидаги ижтимоий-иктисодий

самарадорлик кўрсаткичлари берилади.

**Асосий** қисмни назарий ва методик қисмлар ташкил этиб, бунда ташкил этувчи боб ва бўлимларнинг мазмуни битирув малакавий иш мавзуига тўлиқ мос келиши ва уни тўла очиб бериши даркор. Боб ва бўлимлар талабанинг қисқа, мантиқан тўғри ва далиллар келтириб тўплаган, тизимлаштирган ҳамда таҳлил қилган материалларини баён этиш қобилиятини намойиш этиши лозим.

**Назарий** қисмни ташкил этувчи бўлимлар:

- ўрганилаётган муаммонинг назарий-методик асослари;
- ўрганилаётган муаммонинг қайсиdir муайян ўкув муассасасида аникланиши ва таҳлил қилиниши;
- муаммони бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар ва тавсиялар ишлаб чиқиши;
- малакавий ишнинг бажарилишини таъминловчи техник таъминот;
- малакавий ишнинг иқтисодий қиймати;
- ихтисослик фанларидан мавзуга мос назарий материаллар;
- битирув малакавий ишнинг хуқукий таъминоти каби масалаларни ўз ичига олиши лозим;
- тадқиқот обьектининг функциялари, вазифалари, соҳаси;
- ташкилий тузилма, бошқарув тизими, унинг ташқи ва ички алоқаларининг ўзига хослиги;
- тадқиқот обьектининг техник иқтисодий кўрсаткичлари;
- техник ечим ва хисоб китоб ишлари;
- техник чизмачилик ва лойихалаш асослари;
- тадқиқот обьектида мавжуд камчилик ва муаммолар;
- муқобил вазифаларни назарий ва амалий ҳал этишнинг умумий усууллари ва x.

Касб таълими таълим йўналишлари талбаларининг битирув малакавий ишларида назарий қисмида дизайн ва конструкциялаш қисмлари киритилиши

тавсия этилади. Бунда :

- конструкцияланаётган буюм учун талабларни аниклаш;
- костюм стилистикаси ва конструктив –декоратив ечимни асослаш;
- асос конструкциясини қуриш учун керакли ўлчовлар;
- асос конструкциясини хисоблаш ва қуриш;
- конструкцияланаётган буюмни техник моделлаштириш;
- ишчи хужжатларни тузиш;
- конструкцияланаётган буюм узелини тикиш учун асбоб-ускуна ва тикиш усулларини танлаш;
- буюмга ишлов бериш технологик картаси;
- материал танлаш ва асослаш.

Битирув малакавий ишнинг назарий қисмида кўргазмали ва рақамлар билан кўрсатилган материаллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Кўргазмали материаллар (жадвал, диаграмма, гистограмма, расм, чизма, сурат ва фотохужжатлар)ни намойиш қилиш шаклларини танлаш асосан тадқиқот мавзусининг тавсифи ва мақсадига боғлиқдир. Бироқ бунда битирув малакавий ишнинг асосий қисмига жойлаштирилувчи барча кўргазмали материаллар юқори даражадаги янги фойдали маълумотларни бериши зарурлигини хисобга олиш лозим. Масалан, матнда келтирилган жадвалнинг асосий қисми таҳлилий тавсифга эга бўлиши, рақамли кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қайта ишлаш натижалари хисобланиши лозим. Дастребки статистик маълумотларни ўз ичига олган жадваллар ишнинг алоҳида илова қисмида келтирилиши талаб этилади.

#### **Педагогик-методик қисмни ташкил этувчи бўлимлар:**

Педагогик-методик қисмнинг параграфларини сони ва мазмуни ишни турига қараб белгиланади. Одатда биринчи бобда тадқиқот олиб борилган обьект бўйича қисқача маълумот бериш билан бирга мавзунинг умумий назарий масалалари бўйича мазкур тадқиқот натижаларининг амалиётда тадбиқ этилиши мумкин бўлган муассасанинг қисқача тавсифномаси берилиши лозим. Мазкур бобда қуйидаги параграфлар ўзаро мантиқий

изчилиқда берилади:

- касбий таълим жараёнларини ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот технологияларнинг аҳамияти;
- касбий таълим жараёни бўйича фан ривожи ва истиқболларини ўқитишда электрон дарсликларнинг аҳамияти;
- касб таълими муассасаларида таълим тарбия жараёнига қўйиладиган талаблар;
  - технологик жараёнлар ва замонавий техникаларнинг ишлаш механизми бўйича ўқувчи-талабаларни мустақил ижодий фаолиятининг ташкил этиши;
  - турли маҳсулот ишлаб чиқариш учун технологик жараёнларни бошқариш ва уларнинг омилларини ўзгартириш услубияти бўйича масофадан ўқитиш методлари;
  - турли хом-ашёларни қайта ишлашдаги ўзига хос жихатларини ўқитиш жараёнида ўқитувчининг педагогик маданияти ва касбий маҳоратининг аҳамияти;
  - технологик ускуналарни танлаш ва асослаш усулларини белгилаш жараёнида дидактик воситалардан фойдаланиши;
  - хом-ашё, ярим тайёр ва тайёр маҳсулотнинг сифатини аниқлаш ва назорат қилиш бўйича ташкил этиладиган факултатив ва қўшимча машғулотлар мазмуни;
  - маҳсулотдаги нуқсонларнинг сабабини аниқлаш ва бартараф этиш услублари ўқитиш жараёнида қўлланиладиган педагогик-психологик усуллар;
  - касб-хунар коллажларида таълим-тарбия жараёнининг туғри ташкил этилувчиси ва уларда интегратсиялашув жараёнининг амалга ошиши;
  - касб-хунар коллажларида ўқитиш жараёнида баҳолашнинг рейтинг тизими;
  - касб-хунар коллажларида таълим жараёнларни бошқариш бўйича ташкил этиладиган мустақил таълим мазмуни;

- касб-хунар коллажларида ўқитиши жараёнида қўлланиладиган моделлаштириш ва автоматлаштириш методлари;
- касб-хунар коллажларида ўқитишнинг умумий принциплари ва методлари;
- касб-хунар коллажларида таълим жараёнларни компьютер графикасининг дастурий воситаларини ишлаб чиқиши;
- «инсон – техника – мухит» тизимини лойиҳалашда инсон омили муаммоларини ҳал қилишнинг илмий асослари ва усуллари;
- техника обьектлари ва жараёнларини патентга лойиқлиги ва патентни чинакамлигини тадқиқ этишнинг педагогик-психологик асослаши;
- ўлчов воситаларини текшириш усуллари ва уларда юл қўйиладиган хатолик чегаралари бўйича меёрий ҳужжатларни яратиши;
- замонавий педагогик ва ахборот технологиялари асосида дарс ўтиш методикаси;
- дарсни тўғри ташкил этиш режаси ва унда тақдим этиладиган ахборотларни интегратсиялаш;
- дарснинг технологик харитаси, профессиограммаларга қўйиладиган талаблар;
- муаммоли таълим ва уни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари;
- педагогик маданият ва касбий маҳорати;
- педагогик, психологик ва касбий йўналишларда ташкил этиладиган факултатив ва қўшимча машғулотлар мазмуни;
- ўқувчи-талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ташкил этиш мақсадида семинар, амалий ва лаборатория машғулотларида фойдаланиладиган муаммоли топшириклар мазмуни;
- педагогик, психологик ва касбий йўналишларда ташкил этиладиган мустақил таълим мазмуни;
- ўқитиши жараёнида қўлланиладиган педагогик-психологик усуллар;
- ўқув жараёнида қўлланиладиган моделлаштириш ва автоматлаштириш

методлари;

- дарс жараёнида қўлланиладиган техник (компьютер, аудио ва видеотехникалар) ва бошқа ёрдамчи дидактик воситалар (тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар ва х.к.);
- электрон дарсликлар асосида технологик жараёнларни ўқитиши тамойиллари ва методлари (мавзуни ёритиш жараёнида электрон дарсликлар имкониятлари ёрдамида тақдимотлар намойиш этиш ҳамда улардан самарали фойдаланишнинг йўл-йўриқлари);
- касбий фанларни ўқитишининг умумий тамойиллари ва методлари;
- касбий таълим жараёнида масофадан ўқитишиш методлари;
- ўқув жараёнида қўлланиладиган интерфаол методларни аниқлаши ва уларни қўллаши;
- дарс учун зарур бўладиган ўқув ва услубий материаллар ишлаб чиқиши;
- амалий машғулотлар ҳамда лаборатория машғулотлар жараёнида ўқувчи-талабаларнинг мустақил ижодий фаолиятини ташкил этувчи муаммоли топшириқлар яратиши;
- ўқувчи-талабаларнинг лойиҳачилик қобилиятини шакллантиришга хизмат қилувчи топшириқлар тўпламини ишлаб чиқиши;
- дарсга оид асосий ва ёрдамчи воситалар(тарқатма материаллар, кўргазмали қуроллар, аудио, видео, технологиялар)ни тайёрлай олиши ва дарснинг технологик харитасини тузиши;
- ўқувчилар фаолиятини баҳолашнинг рейтинг тизимини ишлаб чиқиши;
- мавзуни ёритиш жараёнида электрон дарсликлардан самарали фойдаланишнинг йўл-йўриқларини ишлаб чиқиши;

- касбий таълим жараёнида масофадан ўқитишни ташкил этишда ўқитиш методларини таҳлил қилиб, уларни қўллаш учун методик тавсияларни ишлаб чиқиши кўзланади.

Шунингдек, бу қисмда муаллиф томонидан ўрганиб чиқилган материаллар таҳлили асосида эришилган натижалар, янгиликлари, ихтиrolар, меёрий кўрсаткичлар, тавсия этилаётган технологик жараёнлар асослаб берилади, шунга мос жадваллар тавсия этилади, таклиф этилаётган обьектни такомиллаштириш йўллари, иқтисодий самарадорлиги аниқланади, илгари сурилаётган ғоя ва таклифлар илмий жиҳатдан асосланади.

Тахлилнинг дастлабки материаллари талаба томонидан педагогик амалиёт жараёнида ўрганилган ўқув муассасасининг иш режаси ёки уларнинг бир қисми, йиллик хисботи, молиявий ва статистик хисбот материаллари ва бошқа ҳужжатлар бўлиши мумкин.

Тўпланган материал хажми ва тавсифи қабул қилинган тадқиқот методикасининг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ. Бунда қуйидаги методлардан фойдаланиш кўзланиши мумкин: эмпирик (кузатув, таққослаш, чамалаш, ўлчов, тажриба-синов), эксперт баҳолаш, эксперт таҳлил, хисоблаш таҳлили, меёрий, ташкилий-лойиҳалаш, график таҳлил, параметрик, коррелятсион таҳлил, вариатив, дискриминант, асосли таҳлил, эвристик (аналогия, инверсия, эмпатия, идеализатсия, «ақлий ҳужум», ассотсиатсия, синектика, морфологик таҳлил ва б.), иқтисодий-математик моделлаш, ижтимоий-иктисодий таҳлил (таққослаш, танлаб ўрганиш, гурухлаш ва коррелятсион таҳлил), муҳандис-иктисодий ҳисоб.

Таълим муассасаларида умумкасбий ва ихтисослик фанлар ўқитилишини ўрганиш тўпланган материалларни қайта ишлашни мўлжаллайди. Маълумотларни қайта ишлаш иқтисодий, ижтимоий ва психологик таҳлилни замонавий методлардан фойдаланиш билан амалга оширишни тақозо қиласди.

**Холоса ва таклифлар** қисми малакавий ишнинг умумий ҳажмининг 5-7 фоизини ташкил этади. Унда иш мазмуни бўйича ишлаб чиқилган холосалар

ва аниқ таклифлар, эришилган натижалар мужассамлаштирилади. Малакавий иш айрим боблардаги хulosалар ва таклифлар билан ҳам тугалланиши мумкин, аммо ундан энг муҳимлари ишнинг охирида, яъни хulosса бўлимида акс эттирилиши керак.

Битирув малакавий ишнинг **хulosса** қисмида олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилади, умумлаштирилган ҳолда малакавий иш мақсади ва вазифаларида ифодаланган масалани ўрганилганлик хulosалари баён этилади, мавзунинг истиқболдаги ишлаб чиқилиши мўлжалланади.

Битирув малакавий ишининг хulosса қисмида талаба тугалланган касбий топшириқни ечади. Яъни у битирув малакавий ишнинг хulosса қисмидаги асосий масалаларда ўз нуқтаи назарларини асосли тарзда баён этиши лозим. Бунда бакалавр:

- ечилаётган топшириқ бўйича масала ҳолатини ўрганиб, уни таҳлил қилиб беради;
- касбий-педагогик талабларни ифодалайди, топшириқни ечиш талқинларини кўриб чиқади ва оқилона йўлни аниқлайди;
- психологик, педагогик ва методик ечимнинг математик-статистик таҳлилини қилиб беради;
- ҳал этилган масаланинг иқтисодий самарадорлик даражасини белгилайди;
- топшириқ ечими бўйича хulosса ва таклифларни беради ҳамда уларни амалиётга татбиқ этиш имкониятини аниқлайди.

Бу қисмда кўрилаётган масаланинг ҳозирги аҳволи таҳлил қилинади, амалиёт даврида тўпланган статистик материаллар асосида тадқиқот обьектида мавжуд камчиликларни йўқотишга қаратилган таклифлар ва тавсиялари асосланиши керак. Тажриба орттириш вақтида йигилган ҳамда тадқиқот жараёнида таҳлил қилинган материаллар ҳал қилинмаган масалалар, муаммоларни аниқлаш ва шунга мувофиқ хulosалар келтирилади. Муаммони ўрганиш услугуб ва услубияти ёритилади. Бу малакавий иш мазмунининг асосий ғоясини ифодалайди.

Хулоса янги маълумотлар, далиллар, белгиларни ўз ичига олмаслиги, балки хулосалар ишнинг асосий матнидан мантиқий келиб чиқиши зарур. Хулосанинг тахминий ҳажми 3-5 варақдан ошмаслиги керак.

**Қисқартмалар рўйхатида** ишда қўлланиладиган библиографик маълумотлар, тушунча ва атамалар, муассасаларнинг номланиши қисқартирилган ҳолда шартли белги ва рақамлар билан ёзилиши даркор.

**Фойдаланилган манба ва адабиётлар** талаба томонидан битирув малакавий ишни тайёрлаш ва ёзиш жараёнида қўлланилган манба ва адабиётларни ўз ичига олади ва у тадқиқот мавзуига боғлиқ тарзда 25-30 (ва ундан кўп) номдан ташкил топади. Манбалар хақидаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси олий таълим Давлат таълим стандартлари талабларига мос тарзда келтирилади.

Бунда битирув малакавий ишни ёзиш жараёнида қўлланилган барча қонун чиқарувчи ва меёрий-хуқуқий материаллар, илмий, ўкув ва даврий нашрлар тўлиқ библиографик тавсифи (нашр жойи, нашриёт номи, чоп этилиш йили ёки нашри)ни ўз ичига олиши лозим. Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхатини тузиш жараёнида нашр қилинган ва чоп этилмаган ишлар ажратилган бўлиши керак.

Ишнинг **илова қисмида** битирув малакавий иш асосий мазмунини қўшимча тўлдирувчи ва кўргазмали тасвирловчи барча материаллар келтирилади. Бунда, асосан чизма, жадвал, диаграмма, гистограмма, расм, сурат ва фотохужжатлар, шунингдек, ҳар хил турдаги матнлар, ташкилий-хуқуқий хужжатлар, маълумотномалар, эълонлар жойлаштирилади.

Битирув малакавий иш илмий раҳбар ва кафедра билан келишилган ҳолда чет тилларда ёзилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин. Ҳимояга чет тилида тақдим этиладиган битирув малакавий ишни тайёрлаш бўйича тавсия 9-иловада келтирилган.

Айрим ҳолларда агар талаба изланиш мобайнида ўрганилаётган масалани янги кирраларини очса, малакавий иш мавзусига ва режага ўзгартиришлар киритиши мумкин. Шу билан бирга агар ўрганилаётган мавзу

бўйича ўқув муассасасининг маълумотлари тижорат сири бўлиб талабага берилмаган ва шунга ўхшаш бошқа ҳолларда ҳам талаба малакавий иш мавзусини ҳамда амалиёт базасини ўзгартириш хуқуқига эга.

Битирав малакавий иш олий таълим муассасасининг, одатда, ушбу мақсадга маҳсус ажратилган хоналарида бажарилади. Айрим ҳолларда, малакавий иш ўқув муассасалари, илмий-тадқиқот олий таълим муассасалари ва бошқа таълим муассасаларда бажарилиши мумкин. Битирав малакавий ишнинг бажарилиши бўйича тақвим режани назорат қилиш кафедра ҳамда деканат томонидан амалга оширилади.

### **Малакавий ишни баҳолаш мезонлари**

Битирав малакавий ишни асосий баҳолаш мезонлари қўйидагилардан иборат:

- мавзунинг долзарблиги ва янгилиги, уни ишлаб чиқишининг мураккаблиги;
- кўрилаётган масала бўйича маҳаллий ва хорижий манба ва маҳсус адабиётлардан тўла фойланилганлиги;
- тадқиқот обьекти бўйича далилий маълумотларни тўлиқ ва сифатли тўпланганлиги;
- қўйилган масалани ҳал қилишда метод ва воситалардан фойдаланишнинг тасдиқланганлиги;
- олинган натижаларни таҳлил қилиб, шарҳлай олинганлиги;
- хулоса, таклиф, тавсияларнинг илмий, услугубий ва амалий аҳамияти ҳамда уларни исботланганлик даражаси ва реал тадбиқ этиш имкониятлари;
- материални аниқ ва тўғри, хатосиз баён этилганлиги, ишни сифатли расмийлаштирилганлиги, мазкур «Методик тавсиянома» талаблари ҳисобга олинганлиги;
- битирав малакавий ишнинг назарий ва амалий масалалар бўйича мунозара юрита олинганлиги, ДАҚ аъзоларининг саволлари ва тақризчилар камчиликларига берилган жавобларнинг тўғри ва чуқур ифодаланганлиги.

Агар иш мавзуи илмий асосланиб, ўзида назарий, услугубий ёки амалий

қизиқишиңиң уйғота олса, қўйилган масалани ҳал қилишда муаллиф томонидан мақбул таҳлил қилиш усуллари, замонавий метод ва воситаларни қўллаш мумкинлиги тасдиқланса, шунингдек, у касб-хунар таълим мининг илмий-назарий, услубий ёки амалий масалаларига ёрдам берсагина, битирув малакавий иш «аъло» баҳога лойик деб топилади. «Аъло» баҳолангандан ишнинг таркибий тузилиши аниқ, мантикан тўғри ва қўйилган мақсадга мувофиқ бўлиши лозим. Хулоса қисмда аниқ, қўйилган масалани ҳал қилишда хисса қўшадиган ҳар томонлама асосланган хулосалар келтирилиши лозим. Чунки бу унинг келажакдаги истиқболини белгилайди.

Битирув малакавий иш адабий тилда ёзилиши, тўғрилиги пухта текширилган, унда берилган маълумотлар амалдаги Давлат таълим стандартига ва мазкур методик тавсияномага мос бўлиши, чизма, расм, жадвал ва турли хил кўргазмали материаллар шаклидаги иловаларни ўз ичига олиши лозим.

Талабанинг чиқиш сўзи қисқа ва изчил тарзда асосий холатлар ёритилган, шунингдек, ДАК аъзолари саволларига аниқ ва исбатланган жавоблар берилган шартлардагина, унга «аъло» баҳо қўйилади.

Агар битирув малакавий иш юқорида келтирилган талабларга тўлиқ жавоб бермаган ҳолларда, у кўпроқ паст балл билан баҳоланади.

Низомий номидаги ТДПУ “Касб таълими” факултети битирувчи барча мутахассисликлар учун битирув малакавий ишларини баҳолашнинг

### **mezонлари**

БАҲОЛАШ МЕЗОНИ	БАЛЛ
<b>Мавзуу долзарблигининг асосланганлиги:</b> Республикамиз таълим тизимида мавзуга оид масалаларнинг акс этиши, бу борадаги амалга оширилган назарий, амалий ва методик ишларнинг ёритилиши.	10
<b>БМИ тузилиши:</b> Боб ва параграфларнинг ўзаро мантиқан, тўғри изчил ишлаб чиқилганлиги, мавзуни ёритиши, қўйилган муаммонинг ечимиға қаратилганлиги.	20
<b>БМИ мазмuni:</b> Боб ва параграфлар мазмунининг қўйилган мавзуга мослиги, уни ёритиш даражаси, талаба ўз шахсий фикри қай даражада	30

ифодаланганлиги	
<b>Амалий таклиф, тавсияларнинг аҳамиятлилиги:</b> Таклиф ҳамда тавсияларнинг амалиётга тадбиқ қилиш имкониятлари, миқёси, таълим сифатини оширишга таъсири, педагогик, психологик ҳамда методик самараси.	10
<b>Битирув малакавий ишининг бажарилиш саводхонлиги:</b> Имловий ва стилистик жиҳатдан саводхонлиги, фикрни аник ва мантиқан тўғри ифодаланганлиги, жадваллар ва графикларни талаб даражасида расмийлаштирилиши.	10
<b>Талабанинг БМИни ҳимоя қилиши:</b> Мавзу матнини бутун тафсилотлари билан билиш ва тушуниш, мазмунини изчил, мантиқан боғланган ҳолда хатосиз баён этиш, саволларга жавоб беришда ўзлаштирилган билимларни мустақил, дадил ва тўғри татбиқ эта билиш ҳамда улардан ўринли фойдаланиш, талаб даражасида сифат кўрсаткичларига риоя қилиш.	20
<b>ЖАМИ</b>	100

### Назорат саволлар

1. Битирув малакавий ишлари мавзуларини танлашга қандай талаблар қўйилади?
2. Битирув малакавий ишни тайёрлашга қўйиладиган талаблар.
3. Битирув ишини бажариш кетма-кетлигини айтиб беринг.
4. Битирув малакавий иш мазмуни ва унда қўйиладиган муаммоларни ҳал қилиш методикасини очиб беринг.

### Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни (Баркамол авлод -Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.-Т.: Шарқ нашриёт матбаа-концерни. 1997.-Б.20-29.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий таълим муассасасаларида битирув малакавий ишини тайёрлаш тартиби ҳақида НИЗОМ.-Т.: 2008.-20 б.
3. Олимов . Қ.Т. Касб таълими услубияти. ўқув қўлланма. –Т.: 2006. 164 б.
4. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А. Касб таълими методикаси” фанидан ўқув-методик мажмуа. Низомий номидаги ТДПУ, 2011.-20 б.
5. Муслимов Н.А., Шарипов Ш.С., Қўйсинов О.А, “Касб таълими педагогикаси” фанидан ўқув методик мажмуа. Низомий номидаги ТДПУ, 2011.-20 б.
6. Муслимов Н.А., Қўйсинов О.А., Абдураимов Ш.С. Мехнат ва касбий

таълим методикаси фанларидан курс ишлари. Методик қўлланма. –Т.: ТДПУ, 2009. - 38 б.

Қўйсинов О.А., Муллахметов Р.Г., Саттаров В.Н. Битирув малакавий ишларни тайёрлаш. Методик тавсиянома. –Т.: ТДПУ, 2011. - 80 б.

**7- Мавзу: Талабаларнинг билимларини холисона баҳолаш механизmlари. Рейтинг тизими ва унинг дидактик воситалари: стандарт, ностандарт тест ва ўқув топшириклари мажмуи.**

**Режа:**

1. Мехнат таълими, касб танлашга йўллаш дарслари жараёнида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларни баҳолаш ва унинг аҳамияти
2. Баҳолашда ҳисобга олинадиган омиллар.
3. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш мезонлари

**Таянч иборалар:** Баҳолаш, баҳо, балл, бошланғич баҳолаш, жорий баҳолаш, якуний баҳолаш, баҳолаш обьективлиги, вақт меёри, баҳолаш мезони, баҳолаш шакллари, баҳолаш турлари, баҳолаш тамойиллари, баҳолаш тизимлари.

**1. Мехнат таълими, касб танлашга йўллаш дарслари жараёнида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларни баҳолаш ва унинг аҳамияти.** Мехнат таълимида ўқувчилар томонидан ўқув материаллари ўзлаштирилганлигини, кўникма ва малакалар ҳосил бўлганлигини текшириш ва баҳолаш таълим жараёнининг зарур таркибий қисми ҳисобланади. Бу фақат ўқитиши натижаларини назорат қилиш эмас, балки ўқув жараёнининг турли босқичларида таълим олувчиларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиш ҳамdir. Ўз билимини меҳнат таълими ўқитувчиси томонидан тўғри, баҳоланишига ишоич ҳосил қилган ўқувчида ва шу муаллимга нисбатан ўқувчилик ҳурмати ортади, аксинча ўқувчи билимини баҳолашда принципсизликка йўл қўйган меҳнат таълими ўқитувчиси, гарчи у назарий билим ва амалий фаолияти жиҳатдан жуда танилган бўлса ҳам аста-секин ўз ўқувчилари назарида қола бошлайди. Бу масалани хавфли томони шуки, ўқувчининг билим олишга бўлган интилиши, шижоати сусая бошлайди. Бу барча муаллимларга таниш хақиқатдир.

Баҳолаш – таълим жараёнининг маълум босқичида ўқув мақсадларига эришилганлик даражасини олдиндан белгиланган мезонлар асосида ўлчаш, натижаларни аниқлаш ва таҳлил қилишда иборат жараёндар.

Баҳолаш - ўқувчиларни ўқув фаолиятида рағбатлантириш билим,

кўникма ва малакаларни текшириш ўқитувчи ўқувчиларга ёрдам кўрсатишининг муҳим воситасидир. Ўқитувчи текшириш жараёнида ўқувчиларнинг ишларидағи хатоларни кўрсатиш билан чекланиб қолмай, бу камчиликларни бартараф қилишга ёрдам берсагина бунга эришиш мумкин. Бундан ташқари, ўқитувчи ўқувчиларга улар бажарган иш босқичининг умумий тавсифини беради, бунда у ўқувчиларда бажариладиган ишнинг бажарилган ишлардан фарқлари ҳақида унинг мураккаблик даражаси ёки жавобгарлилиги ва хоказолар ҳақида аниқ тасаввур қиласи. Натижада ўқувчилар келажакни кўрадилар ва бу уларни сафарбар қиласи, уларда ўз ишларини тўғри ташкил қилиш, меҳнат топшириғини сифатли бажариш иштирокини уйготади.

Баҳолаш ўқув жараёнини ташкил қилиш ва ўтказишдаги нуқсонларини аниқлашда ёрдам беради. Меҳнат ўқитувчиси ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини текширас экан, Айни бир вактда у ўз ишининг сифати ҳақида ҳам хукм чиқаради. Агар ўқувчилар фаолиятида типик хатолар учраса, бу ҳол аксарият ўқитувчи ишида камчилик мавжудлигини билдиради ва аксинча, ўқувчиларнинг мувафақиятли ишлаши меҳнат усулларини тўғри бажариши ва хоказолар ўқитувчи ўқув материалини тушунарли баён қилган деган хуносага олиб келади.

Ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини таркиб топтиришда баҳолаш муҳим рол ўйнайди. Меҳнат таълими ўқитувчиси кўникма ва малакаларни текширишга ўқувчиларнинг ўзларини ҳам жалб этади. Чунончи, буюм ўлчамининг аниқлигини текширишдан олдин ўқитувчи бу ишни ўқувчилардан бирига топширади. Бунда ўқувчи ўлчов асбобини тўғри ушлаётганини, тўғри фойдаланаётганигини, ишни моҳирлик билан бажаришини кузатиб туради. Шундан кейин ўлчашни ўқитувчининг ўзи бажаради. Агар биринчи ва иккинчи ўлчашлар, яъни ўқувчилар ва ўқитувчи бажарган ўлчаш натижалари фарқ қиласа, ўқитувчи бу нимадан келиб чиққанини, қандай хатога йўл қўйилганини тушинтириб беради. Натижада ўқувчиларга иш жараёнида ўз - ўзини назорат қилишни тўғри бажариш

усуллари ўргатилади. Бундан ташқари, ўқитувчи ўқувчиларга ҳар қандай фаолиятда ўз- ўзини назорат қилишларининг аҳамиятини тушунтиради.

Билим, кўникма ва малакаларни текшириш бирдан - бир мақсад эмас, балки бутун таълим жараёнининг таркибий қисми бўлиши керак. Шу талабдан келиб чиқиб, меҳнат дарсларида назорат қилишнинг якка ва фронтал шаклларидан фойдаланиш, уларни ҳар бир аниқ ҳолда тўғри амалга ошириш лозим. Масалан, кириш инструктажида янги ишнинг биринчи босқичларида ўқувчилар қўллаши мумкин бўлган малакалар фронтал текширилиши мумкин. Ишнинг кейинги босқичларида керак бўлган малакалар ўқувчиларнинг ҳар бири бу ишларни бажаришга қандай киришишига қараб, якка текширилади. Билимларни текшириш ҳақида ҳам шуларни айтиши мумкин. Меҳнат машғулотларининг тавфсифи билимларни якка ҳолда текширишда уларнинг амалиётда қўлланишини боғлаш имконини беради. Шу туфайли, бир томондан, ўқувчилар текширишнинг зарурлигини тушуниб етадилар ва унга катта масъулият ҳисси билан муносабатда бўладилар, иккинчи томондан, ўқитувчи ҳар бир ўқувчи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш имконига эга бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, баҳолашнинг моҳияти ҳақида қўйидаги хуносаларни айтиш мумкин:

### ***Нима учун баҳолаши керак?***

- Ўқув мақсадларига эришилганликни аниқлаш учун;
- кейинги босқичга ўтишдан олдин аввалги ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- натижага эришганлигини тасдиқлаш учун;
- ўқувчиларнинг қизиқишлигини аниқлаш учун;
- ютуқ ва камчиликларни аниқлаш учун;
- ўқитувчи ўз фаолиятига тузатишлар киритиши учун;
- ялпи ўзлаштириш даражасини аниқлаш учун;
- таълим жараёни ютуқларини аниқлаш учун;
- ўқувчиларни ютуқларга қизиқтириш учун;

- ташқи қизиқувчиларга, иш берувчиларга, юқори ташкилотларга ва ота-оналарга маълумот бериш учун.

### ***Нимани баҳолаш керак?***

- Назарий билимларни;
- амалий қўникма ва малакаларни;
- хулқ — атворт ва шахсий фазилатларни.

### ***Қачон баҳолаш керак?***

- Таълим жараёни бошида (бошланғич баҳолаш);
- Таълим жараёни давомида (жорий баҳолаш);
- Таълим жараёни якунида (якуний баҳолаш).

### ***Баҳолашнинг асосий хусусиятлари:***

- Таълим мақсадига йўналганлик;
- Мунтазам ўтказиб бориш;
- Педагогик, психологик ва хуқуқий тамойилларга асосланганлик;
- Умумий қабул қилинган натижа стандартларига асосланганлик.

Юқорида таъкидланганидек, назарий билимлар баҳоланаётганда когнитив ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади. Амалий қўникма ва малакалар баҳоланаётганида психомоторик, хулқ - атворт ва шахсий фазилатлар баҳоланаётганида эса — аффектив ўқув мақсадларига эришганлик даражалари аниқланади.

## **2. Баҳолашда ҳисобга олинадиган омиллар**

Баҳонинг обьективлиги, айрим ўқувчилар меҳнати натижаларини таққослаш имконини берувчи миқдор ва сифат кўрсаткичлари (буюмнинг аниқлиги, буюмлар миқдори ва ҳоказолар)га асосланади. Баҳонинг ягона талаблар асосида қўйилиши ҳам унинг обьективлигидир. Ана шу талаблар қўйидагилардан иборат:

**1. Ишиш аниқлиги.** Аниқлик – ҳар қандай маҳсулотни, шу жумладан, тикувчилик саноати маҳсулотларини тайёрлашга қўйиладиган талабдир.

**2. Вақт меёри.** Меёrlаш хусусида меҳнат топширигини бажаришни

вақт бўйича чегаралаш ўқувчилар меҳнат операцияларини бажариш усуларини эгаллаб олганларидан кейин амалга оширилиши керак. Бунда ўқувчилар бир йўла ҳам ишнинг сифатли бажарилишини кузатишни, ҳам уни маълум муддатда бажаришга интилишни уddyalай олмаслиги ва таълимнинг биринчи босқичида вақт меёри киритилса, микдор кўрсаткичлари сифат хисобига ортишидан келиб чиқади.

**3. Ўқувчиларнинг билимлари.** Ўқувчиларнинг амалий ишлари уларнинг билимларига асосланиб ташкил қилинади. Шу сабабли уларнинг фаолиятини баҳолашда ўқувчилар дастур материалини қандай ҳамда ва қанчалик чуқур ўзлаштирганини ҳисобга олиш керак.

**4. Меҳнат усулларини тўғри бажариши.** Ўқувчилар асбобни ушлаш, иш ҳолатида туриш, асбобнинг ишлов берилаётган сиртга нисбатан қандай ҳолатга тутиш ҳақидаги кўрсатмаларни қатъий бажаришлари керак. Меҳнат усулларини тўғри бажариш кўниммалари ўқитувчи томонидан баҳоланади.

**5. Иш ўрнини тўғри ташкил қилиши.** Ишлаб чиқаришда иш ўрнини тўғри ташкил меҳнат унумдорлигини оширади. Ўқувчилар меҳнат маданиятининг савияси кўпроқ ўз иш ўрнини тўғри ташкил қила олишига боғлиқдир.

**6. Меҳнат хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиши.** Агар ишнинг хавфсизлигини таъминловчи қоидалар бузилса, жароҳатланиш хавфи туғилади. Жихозлар ва асбобларни ишлатишдаги меҳнат усуллари ва ҳоказоларни бажаришдаги хавфсизлик қоидаларини бузган ўқувчиларнинг баҳосини пасайтириш керак.

Баҳолаш ўтказилиш вақтига кўра уч турга ажратилади:

- Бошлангич баҳолаш
- Жорий, яъни шакллантирувчи баҳолаш
- Якуний, яъни умумлаштирувчи баҳолаш

Бошлангич баҳолаш - таълим жараёни бошида таълим оловчиларнинг дастлабки билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш учун ўтказилади. Бундай баҳолаш натижалари таълим жараёнининг мазмуни,

усуллари ва шаклларини танлаш имконини беради.

Жорий (шакллантирувчи) баҳолаш мунтазам равишда ўтказиб борилади. У таълим жараёнидаги ютуқ ва камчиликларни, таълим жараёни самарасини тезкор (оператив) аниқлаб бориш, ўкув жараёнини мувофиқлаштириш ва таълим берувчи ва таълим оловчи ўртасидаги қайтар алоқани таъминлаш имконини беради.

Якуний (умумлаштирувчи) баҳолаш - таълим оловчининг таълим жараёнининг маълум давридаги ўзлаштириш натижаларини белгиланган мезон ва стандартларга жавоб беришини аниқлайди. Якуний баҳолаш таълим жараёнининг маълум босқичи якунида ўтказилади. У жорий баҳолаш натижаларини жамлайди.

Умумлаштирувчи баҳолашни ўтказишида қуидагиларга эътибор бериш лозим:

Таълим оловчи умумлаштирувчи баҳолаш нима учун ўтказилиши хақида маълумотга эга бўлиши лозим. Бу уни баҳолашга тайёргарлик кўришга олиб келади.

Баҳолашни ўтказиш шартлари унга жиддий ёндашишига, диққатни чалғитадиган ёки тасодифий узилишлардан ўзини четга олишга ҳамда таълим оловчини ўз қобилиятини намойиш қилишига имкон беради.

Баҳолаш ўтказиш шароитида ўкувчи ўзини эркин тутиши ва нохушлик хис қиласлигига имконият яратиш керак. Баҳоловчи ва таълим оловчи баҳолаш нима бериши, у қачон, Ким томонидан ва қандай ўтказилишини билишлари муҳим аҳамиятга эгадир. Кўйилган баҳо ўкув натижасини тушуниш ва уни мужассамлаштириш учун аҳамиятлидир. Таълим оловчи олдиндан белгиланган натижалар мезони ёрдамида баҳоланиши лозим. Режалаштирилмаган баҳолашни ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Қуидаги бешта асосий тамойиллар баҳолаш тизими самарадорлигининг пойдевори ҳисобланади.

- Ўкув мақсадларига асосланганлик
- Ҳақиқийлик

- Ҳаққонийлик
- Ишончлилик
- Қулайлик

1. Ўқув мақсадларига асосланганлик. Самарали баҳолашнинг асосий тамойили ўқув мақсадларига асосланганлик ҳисобланади. Баҳолашнинг сифати ўқув мақсадларига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Ўқув мақсадлари баҳолаш мазмунини аниқлаб беради. Ўқув мақсадларининг қўйилиш даражасига қараб, баҳолашнинг шакли ва усуллари танланади. Шунингдек, ўқув мақсадларига эришиш учун бажарилган фаолият натижаси, баҳолаш мезонларини аниқлашда муҳим аҳамиятга эга.

2. Ҳақиқийлик. Ўқув мақсадида кўзда тутилган натижанигина баҳолашга қаратилган топшириқ ёки тест ҳақиқий ҳисобланади. У баҳоланиши озим бўлган билим ва кўникмалар соҳасидаги натижаларга қаратилган бўлиши лозим.

3. Ҳаққонийлик (объективлилик). Бир-биридан мустақил таълим берувчилар бир хил таълим оловчиларга берилган бир хил топшириқ ва тестлар бўйича бир хил баҳо берган ҳолдагина мазкур топшириқ ва тест ҳақиқий ҳисобланади. Бу ҳаққонийлик ҳар хил вақтларда берилган баҳолар учун тааллуқлидир.

4. Ишончлилик. Натижаларни баҳолаш мобайнида ҳар хил усулардан фойдаланиш мумкин. Лекин бу усулларни танлашга қўйиладиган асосий шарт ишончлилик ҳисобланади. Услуб ишончли бўлиши учун баҳолаш асосли ва аниқ маълумотларга асосланган бўлиши зарур. Бунда топшириқ ёки тестнинг ўрганиш мақсадларини назорат қилишга йўналтирилганлигини қанчалик ишончлиеканлилиги назарда тутилади.

5. Қулайлик. Баҳолаш тизими ўқув мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ўқув ва ишлаб чиқариш стандартларига мосбўлиши, мураккаб бўлмаслиги, назорат ўтказувчи ва таълим оувчи учун қулай бўлиши лозим. Баҳолашни ўтказишда имкон қадар компьютерлардан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Охирги пайтларда Республикализ таълим муассасаларида қуидаги иккита баҳолаш тизими қўлланилиб келинмоқда - баҳолашнинг беш баллик тизими ва рейтинг тизими.

Баҳолашнинг беш баллик тизимида баҳолашга қуидаги дидактик талаблар қўйилади:

- Текшириш ва назорат қилиш тизимли, доимий тарзда бўлиши шарт. Бу талабга риоя этилмаса, ўқувчиларнинг ўқишга нисбатан муносабати ёмонлашади, билимларнинг сифатига салбий таъсир қиласи. Таълим олувчилар дарсга ҳар куни тайёрланиб боришлари керак. Таълим берувчининг доимий равишда назорат қилиб туриши шунга мажбур этади.

- Билимларни баҳолаш индивидуал характерга эгадир. Ҳар бир ўқуувчи унинг билимлари, кўникма ва малака баҳоланаётганини тушуниши керак.

- Давлат таълим стандартларига асосланганлик. Таълим олувчиларнинг билимлари, малака ва кўникмалари давлат ўқув дастурларининг бажарилиши нуқтаи назаридан текширилади ва баҳоланади.

**3. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини баҳолаш мезонлари.** Ҳар қандай баҳолаш натижалари ўзаро таққосланиши, яъни ўлчаниши лозим бўлади. Уларни таққослаш баҳолашдан олдин ёки кейин ишлаб чиқилган мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин. Баҳолаш мезонлари ўқув мақсадларига қай даражада эришилганликни англатувчи кўрсаткичdir. Бу кўрсаткичлар сонлар («беш», «тўрт», «уч» ва ҳоказо) сўзлар («аъло», «яхши», «қониқарли» ва ҳоказо) ёрдамида тавсифланиши мумкин. Бошқача қилиб айтадиган бўлсақ, баҳолаш мезонлари таълим олувчининг қайси ўзлаштириш даражасини намойиш қилишига қараб мос қўйиладиган баҳо кўрсаткичининг тавсифидан иборат.

Баҳолаш унинг мохиятидан келиб чиқиб, икки хил шаклда ўтказилиши мумкин: мезонга асосланган баҳолаш ва меёрга асосланган баҳолаш.

Мезонга асосланган баҳолаш — баҳоланувчининг таълим жараёнида қўлга киритган натижаларини, билим, малака ва кўникмаларини олдиндан белгиланган ўқув мақсадлари асосида ишлаб чиқилган хамма учун умумий ва

бир хил мезонларга кўра таққослаш ва ўлчашдан иборат бўлган баҳолаш шаклидир. Бундай баҳолаш мезонларни аниқ белгилаб берувчи ўрганиш мақсадлари бўйича натижаларга баҳо бериш имкониятини яратади. Бу орқали натижалар тўғридан-тўғри ва холис баҳоланади, шунингдек, кучли гуруҳларни қучсиз гуруҳлардан яхшироқ фарқлаш имконини беради. Бу баҳолаш шакли икки босқичдан иборат бўлиб, биринчи босқичда баҳоланувчининг эришган натижаларини аниқланади, иккинчи босқичда эса, натижалар мезонларга таққосланади ва ўлчанади.

Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини ҳисобга олиш яъни аниқлаш, янги материални мустаҳкамлаш вақтида ўтилган ўқув материалларини ўзлаштириш, меҳнат усулларини эгаллаш ва мустақил меҳнат топшириқларини, график ишларини ва уй топшириқларини бажаришларини ҳамда ўқувчиларнинг билимлари текширилади ва унга баҳо қўйилади.

Ўқувчиларнинг ўқув-меҳнат фаолиятини мунтазам текшириб бориш ва унга баҳо қўйиш - уларнинг берилган топшириқларини ўз вақтида ва пухта, мустақил бажаришларини таъминлайди, илмий -амалий билимларни, меҳнат кўникмалари ва малакаларини астойдил эгаллашга ундейди. Шу билан бирга ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими ўқитувчиларининг ўқувчиларда мавжуд бўлган камчиликларни аниқлаш билан бирга уни тузатиш чораларини излашга ундейди.

Бундан ташқари ўқувчиларнинг ўзлаштиришини текшириш ўқитувчиларнинг фаолиятига баҳо беришга ҳам асос бўлади, яъни, у усулларини кўрсатиши, меҳнат ва ҳунар таълим мининг ташкилий формалари, методларидан ҳам кўрсатмали қўлланмалардан самрали фойдаланишига, мустақил ишларни ташкил этиш, уларнинг бажарилишига раҳбарлик қила олишига баҳо бериш имконини беради.

Билим, дастлабки кўникмалар сифатини назорат қилиш бўйича баҳолаш мезонларини кўргазмала қўлланма сифатида тайёрлаб устахонага олиб қўйиши ижобий натижга беради. Бундан ташқари, кўргазмали қўлланманинг охирида изоҳ ўрнида қуйидагиларни ёзиб қўйиш мумкин:

Меҳнат таълими ва йўналишлари мактаб жойлашган иқтисодий худудда кенг тарқалган соҳалар, касбларга мувофиқ танланади. Шунга кўра йўналиш танлангандан кейин жойларда меҳнат таълими ўқитувчилари ўзлари баҳолаш мезонларини ишлаб чиқаришлари зарур. Баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича умумий тавсияларга кўра, ўқувчиларнинг назарий, техника ва технологияга доир билимларни ва дастлабки кўникмалари бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқаришда қўйидагиларни ҳисобга олиш керак;

- технологияга, техникага, иқтисодиёт ва меҳнатни ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этишга доир назарий билимларни;

- асосий технологик операциялар ва технологик жараёнларни билишни;

- асосий асбоб ва мосламаларни (қирқиши, ўлчаш текшириш мосламаларини, приборлар, аппаратлар, станоклар, машиналарни, агрегатларни, уларнинг вазифасини, ишлаш принципларини, бошқарилишини, таъмирланиши ва ҳоказоларни) билишни;

- хавфсизлик техникаси ва шахсий гигиёна қоидаларини билишни;

- асосий манбаларни, таълимнинг техник ва дидактик воситаларини ва улардан фойдаланишни билишни;

- ҳар - хил ўқув фанлари (математика, кимё, физика ва х.к) бўйича тегишли маълумотлардан фойдалана олиш кўникмасини;

- ишлаб чиқариш мазмунидаги масалаларни ҳал қилиш (ашёларнинг зарурлигини, уларни ишлатишни ҳисоблаш ва х.к) учун турли билимлардан мустақил фойдаланишни;

- буюмлар тайёрлашнинг сифатини назорат қилиш кўникмасини.

Амалий лаборатория машғулотлари бўйича баҳолаш мезонларини ишлаб чиқищда эса қўйидагилардан фойдаланиш тавсия этилади.

- навбатдаги ишни режалаштиришда мустақилликдан, иш ўрнини ратсионал ташкил этишдан;

- текшириш, созлаш, ростлашдан;

- мустақил ҳолда бошқариш, ишлаш қайта тиклаш, танлаш ва х.к. лардан;

- танлашни асолаш, ишлаш режими, бўёқнинг ранги, ишлаш усуллари, технологик операциялари ва ҳоказолар нималарга асосланиб танланганини исботлашдан ва ҳ.к.

Ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига ўқитувчи беш балли тизимда баҳо қўяди. Баҳо қўйишнинг беш балли тизимини амалда татбиқ этишда сўзлар билан ифодаланадиган "5", "4", "3", "2", "1", баллардан ифодаланади.

Кўпинча ўқитувчилар ўқувчиларнинг интизомига оид бирорта камчилиги (кечикиб келиши, машғулотларга келмай қолиши, дарс вақтида гаплашиб ўтириши ва ҳоказолар) учун баҳони камайтириш каби хатога йўлқўядилар. Бу ўринда ўқитувчи тарбиявий таъсир кўрсатишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиши лозим.

Баҳо мезонлари қуидагича тавсифланади;

Аъло (5 балл) - ўқув материалини бутун тафсилотлари билан билиш ва тушуниш, материални изчил, мантиқан боғланган ҳолда ҳатосиз баён этиш, ҳисоб - китоб ва графика ишларини намунали бажариш, меҳнат топшириқларини мустақил, далил ва тўғри татбиқ этиш, меҳнат усулларини тўғри бажариш (меҳнат таълими дастурининг талаблари доирасида), техникавий талаблар доирасида сифат кўрсаткичларига риоя қилиш, ишни вақт нормаси доирасида бажариш "5" балл билан баҳоланади.

Яхши (4 балл) - баҳо бутун ўқув материалларини билиши ва тушуниши, уни оғзаки ва ёзма равища тўғри баён этиши, ҳисоб -китоб ва графика ишларини тўғри ва пухта бажариши, олинган билимлардан ўқув - меҳнат топшириқларини, берилган ишни белгиланган вақт меёрига мувофиқ вақтида бажарилганлиги учун қўйилади.

Қониқарли (3 балл) - баҳо дастуридаги асосий материални бундан кейинги ўқув - меҳнат вазифаларини бажаришга имкон берадиган ҳажмда билиши ва тушуниши, ўқув материалин бирмунча хато ва камчиликлар билан, ўқитувчининг озгина ёрдами орқали содда қилиб баён этиши, меҳнатни ташкил этишда бир оз камчилик бўлган ҳолда белгиланган вақт нормасини

75 % бажаргани учун қўйилади.

Ёмон (2 балл) - баҳо дастур материалнинг кўп қисмини яхши тушунмаслик, уни қўпол хатолар билан баён қилиш, ҳисоб - китоб ва графика ишларини етарли даражада бажармаслик, олинган билимларни хатоларга йўл қўйиб тадбиқ этиш, меҳнат операцияларини кўп хатолар билан бажариш, меҳнатда белгиланган сифат кўрсаткичларини таъминлай олмасликлари учун қўйилади.

Жуда ёмон (1 балл) - бутун дастур материалини билмаслик ва тушунмаслик, ўтилган материални баён қилиб бера олмаслик, олинган билимлардан амалда фойдалана билмаслик, меҳнат усул-ларини қўллай олмаслик, бракка йўл қўйиш учун " 1" баҳо қўйилади.

Баҳоларни тарбиявий ролини ошириш масаласи дикқатга сазовордир. Шу муносабат билан уста, ўқитувчилар қўйган баҳоларини изоҳлаб бериши мухимдир. Бу холл ўқувчиларга ўз билимларидаги камчиликларини, амалий ишларидаги нуқсонларни билиб олишларига ёрдам беради. Баҳоларни мунтазам изоҳлаб бориш, уларнинг таълимиy ролини оширади.

Дарс жараёнида ўқувчиларни билим, малака ва кўникмаларини ўқитувчи томонидан тўғри баҳолаш кўп муаммоларни ечишга, таълим тарбияни йўлга қўйишга ёрдамлашади. Билимларни ва меҳнат кўникмаларини текшириш ва уларга баҳо қўйиш меҳнат таълимини ҳамма босқичларида ўтилган материални мустаҳкамлаш вақтида меҳнат усулларини эслаш ва мустақил топшириқларни бажаришда графика ишларини ва уйга берилган вазифаларини адo этишда амалга оширилади. Ўқитувчиларни ўқув меҳнат фаолиятларини мунтазам текшириб бориш ва ўша баҳо қўйиш уларга бериладиган топшириқларни ўз вақтида бажаришларини таъминлайди. Меҳнат техниқавий билимларни, меҳнат кўникмаларини ва масалаларини астойдил эслашга ундейди. Баҳолашда баҳонинг обьективлиги ўқув тарбиявий ишда мухим рол ўйнайди. Шунингдек, меҳнат ўқитувчилари ва усталари учун ўқувчиларнинг ўқув меҳнат фаолияти вақтида қўйиладиган талабларга риоя қилиш ҳам анча мухимдир. Бундай талабларга қуйидагилар

киради: ўқув материалини меҳнат ва ҳунар таълими дастурида белгиланган ҳажмда билиш, олинган билимлар ва меҳнат кўникмаларини чуқурлиги ва англанганлиги, жавобларнинг ва кўрсатилаётган усулларнинг тўғрилиги, ўрганилган материални таҳлил қилиш ва умумлаштира билиш, ўрганилган ва эгалланган билимлардан амалий фаолиятда фойдалана олиш. Ишдаги мустақиллик ва олинган билимларни амалда қўлланилиши, иш жойини тўғри ташкил этиш ҳамда тайёрланаётган буюмларга нисбатан кўйиладиган техникавий талабларга риоя қилиш, белгиланган вақт нормасини бажариш ва хавфсизлик техникаси қоидаларига амал қилиш ва хоказолар.

Ана шу талаблар асосида қуйидаги баҳо мезонлари белгилаб чиқилган. Ўқувчилар билими, кўникма ва малакаларни текшириш жараёни дидактик масалаларни ҳал қилишга, яъни билим, кўникма ва малакалар сифатини аниқлашга йўналтирилган. Билим, кўникма ва малакаларнинг сифати энг аввал уларнинг пухталиги ва онглилиги билан тавсифланади. Билим, кўникма ва малакаларнинг пухталигига ишонч хосил қилиш учун уларни фақат ўзлаштирилаётган пайтда эмас, балки ўқувчиларнинг кейинги фаолиятларида ҳам текшириш керак. Шундай қилиб, бутун таълим давомида ўқувчиларни тизимли ва режали равишда назорат қилиш керак.

### **Назорат учун саволлар**

1. Меҳнат таълими, касб танлашга йўллаш дарслари жараёнида ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларни баҳолаш қандай амалга оширилади?
2. Баҳолаш таълим-тарбия жараёнида қандай аҳамиятга эга?
3. Баҳолашда қандай омиллар ҳисобга олинади?
4. Ўқувчиларнинг ўзлаштиришини қандай мезонлар асосида баҳоланади?
5. Баҳолаш объективлиги
6. Баҳолашнинг қандай турлари мавжуд?
7. Баҳолашнинг асосий хусусиятларини тушунтириб беринг.
8. Баҳолаш ўтказилиш вақтига кўра қандай турларга ажратилади?
9. Баҳолаш тизими самарадорлигининг пойdevori ҳисобланадиган асосий тамойилларни биласизми?
10. Баҳолашга қандай дидактик талаблар кўйилади?

## **8- Мавзу: Мехнат таълимининг дидактик таъминоти. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликлар, портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари.**

### **Режа**

1. Электрон дарсликлар ҳақида умумий тушунча ва уни меҳнат таълими дарсларида қўллаш.
2. Меҳнат таълими дарсларида электрон дарсликларга қўйиладиган талаблар ва унинг тузилмаси.
3. Меҳнат фани бўйича яратилган электрон дарсликлардан ўқув жараёнида фойдаланиш.

**Таянч тушунчалар:** дидактика, дарслик, ўқув-методик қўлланма, электрон дарслик, портфолио, электрон-таълим ресурслари, силлабус.

Фан-техника ва технологияларнинг жадал ривожланиши туфайли таълим тизимида фойдаланилаётган ўқув адабиётлари мазмунини ислоҳ қилиш, уларни мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эҳтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқларидан келиб чиқсан холда қайта ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди. Бу ўз навбатида, таълим тизими тамомила янги мазмун касб этаётган айни вақтда, ўқув адабиётлари мазмунини қайта тахлилдан ўтказиш, шулар асосида янги авлод дарсликларини яратиш лозимлиги кўрсатилди.

Илм-фан жадал тараққий этаётган замонавий ахборот-коммуникация тизимлари воситалари кенг жорий этилган жамиятда турли фан соҳаларида билимларнинг тез янгиланиб бориши, таълим олувчиilar олдиги уларни жадал эгаллаш билан бир қаторда, мунтазам ва мустақил равишда билим излаш вазифасини қўймоқда.

Шунинг учун “Узлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларининг янги авлодини яратиш консепсияси” да ўқув адабиётларнинг янги авлодини яратиш учун илмий-гоявий, услубий-дидактик, психологик-педагогик, санитария-гигиена талабларни ишлаб чиқиш, ўқув адабиётларидан тўғри ва ратсионал фойдаланиш мақсадида уларнинг мавжуд шакллари ва турларига аниқ таърифлар бериш хамда мамлакатимиз миқёсида замонавий ўқув адабиётларини тайёрлаш бўйича дастурларни амалга ошириш учун стратегия масалаларини аниқлаш вазифалари кўрсатилган.

Шунингдек концепция электрон ўқув адабиётлари билим олувчиilarнинг тасаввурини кенгайтириш, билимларини ривожлантириш ва чукурлаштириш, қўшимча маълумотлар билан таъминлашга мўлжалланган бўлиб, улар кўпроқ чукурлаштириб ўқитиладиган фанлар бўйича яратилиши мақсадга мувофиқ деб кўрсатилган. Шунинг учун таълим тизимида фан ва технологияларнинг жадал ривожланганлигини эътиборга олган холда, мазмуни тез ўзгарувчан, чукурлаштириб ўқитиладиган, умумкасбий фанлар бўйича электрон ўқув адабиётларини тайёрлаш мақсадга мувофиқ.

Ўқув адабиётлари- фанлар бўйича тегишли ўқув дастури асосида зарур билимлар мажмуаси келтирилган, ўзлаштириш услублари ва дидактикаси

ёритилган манба бўлиб, 2 хил шаклда тайёрланади.

1. Анъанавий (босма) ўқув адабиётлари қоғозга чоп этиладиган манба.

2. Электрон ўқув адабиётлари – замонавий ахборот технологиялари асосида маълумотларни жамлаш, тасвирилаш, янгилаш, сақлаш, билимларни мулоқот усулда тақдим этиш ва назорат қилиш имкониятларига эга бўлган манба.

Ҳозирги кунда таълим ва ўқитиш жараёнларига бошқача ёндашув ҳамда эътибор билан қаралмоқда. Таълим жараёни ўқитувчи ва ўқувчи ўзаро муносабатидаги яхлит жараён бўлиб, ушбу жараён электрон ўқув адабиётлари – электрон дарсликлар, видео аудио кассеталар, компьютер дастурлари, телевизион ва радио ўқув курслари билан уйғунлашиб бормоқда. Бу жараёнда ўқитиш ўқувчининг кўпроқ ички имкониятлари, интелектуал потенсиали, ахборотни қабул қилиши ва ўзлаштириш хусусиятларига бевосита боғлиқ.

Электрон ўқув адабиётларининг афзалликларидан бири мустақил таълим олишни, ижодий фикрлашни, малака ва кўникмаларни шакллантириш орқали ўқув материаллари ва илмий маълумотларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштиришларига мўлжалланганлигидадир. Шунингдек ушбу турдаги адабиётлар илмий маълумотларнинг жамланганлиги, кўргазмаларга бойлиги, яъни турли хил аниматсиялардан фойдаланилганлиги, таълим олувчиларнинг ёши ва физиологик хусусиятларини ҳисобга олганлиги жиҳатидан анъанавий ўқув адабиётларидан афзаллигини эътиборга олган холда таълим тизимида ўқув адабиётларнинг электрон версиясини яратишга катта аҳамият берилмоқда.

**Биринчидан**, злекtron версияда ахборотлар замонавий усулда мултимедия ва аниматсия воситалари ёрдамида тўлақонли ёритилади.

**Иккинчидан** олинган билимларни интерактив усулида назорат қилиш имкони мавжуд.

**Учинчидан** злекtron ўқув адабиётларда матнлар жозибали, таъсирли шаклда баён этилади, асосий тушунча ва таърифлар аниқ ва равшан ёзилади, шу билан бир қаторда фойдаланувчиларнинг билимларини назорат қилиш имкониятига эгалигидир.

Электрон дарслик ўқувчиларнинг Давлат таълим стандартида белгилаб берилган билим, малака ва кўникмаларни фаол ўзлаштиришга ёрдам беради.

**Электрон дарслик қўйидаги талабларга жавоб берииши керак:**

- ўқув дастурига, злекtron нашр талабига мос келиши;
- фан мазмунини очиб бериш учун етарлича материал ва хажмга, иллюстратив материалларига эга бўлиши;
- дарсликнинг барча қисмларига ва ресурсларга эркин мурожаат мавжудлиги;
- ўзини-ўзи баҳолаш учун назорат саволларининг мавжудлиги.

**Электрон дарсликларнинг хусусиятига қўйидагилар киради:**

- ўқув материалини мултимедия, яъни маълумот беришнинг визуал, гиперматн, овоз шаклларидан фойдаланилган холда тақдим этилиши;

- турли ўқув адабиётлари – дарслик, луғат, лойихалаш ишлари ва амалий ишлар учун тегишли маълумотларнинг бир жойда жойлашиши;
- ўрганувчи ва ўргатувчи ўртасида бевосита алоқа ўрнатилиши;
- ўқув материалига нисбатан енгил ўзгартиришлар киритилиши ва такомиллаштириш имкониятларининг яратилиши;
- ўқув материали яратиш ва нусхалашнинг арzonлиги;
- таълимда масофадан ўқитиш услубини ташкил этиш имкониятининг мавжудлиги.

### Ўқитишига уч хил ёндашув

Кўргазмали тушунтириш (анъанавий)	Технологик	Изланувчан
Ахборотни ўқитувчидан талабага ўтказиш	Тизимли ёндашув асосида ўқув жараёнини лойихалаш	Муаммоларни ҳал қилиш
<p>Таърифлашга кўпроқ эътибор бериш, маълум даражада ваъзхонлик. Ахборотни ўз ҳоҳишига қараб ёдлаш.</p> <p>Доимо эслаб қолишига ундаш, хотирада ахборотларнинг йиғилиши.</p> <p>Билиш босқичларини алоҳида олинган фанлар ташкил қилиши, яхлитликнинг этишмаслиги.</p> <p>Машғулотлар юқори илмий салоҳиятда ва талабанинг мутахассислиги билан боғланмаган тарзда олиб борилиши.</p>	<p>Талабаларни уларнинг хатти – ҳаракати орқали ўқитиш. Созловчи қайтувчан алоқа. Шаклланувчи ва жамланувчи баҳолаш.</p> <p>Мезоний назорат (тест).</p> <p>Билим ва кўникмаларнинг тўла ўзлаштирилиши.</p> <p>Белгиланган мақсадларга эришишнинг кафолатланиши.</p> <p>Ўқитишининг самарадорлиги.</p>	<p>Маълумот йиғиш Моделлаш, тажриба ўтказиш. Ижодий, танқидий фикр юргизиш.</p> <p>Кўп мезонийлик, асосланганлик.</p> <p>Қарор қабул қилиш.</p> <p>Ролларни ижро этиш.</p> <p>Шахсий фикр маъносини излаш.</p> <p>Ақл – заковат, жавобгарлик, маънавий ва ахлоқий сифатларни ривожлантирувчи янгиликларга сезгир бўлиш.</p>

## **Назорат учун тест топшириқлари**

### **1. Таърифларнинг қайси олимга тегишли эканлигини аниқланг.**

1. Сакомото	А. Ўқитиш технологияси психология фани ютуқларининг педагогик амалийтда қўлланишидан иборат.
2. Скиннер	Б. Ўқитиш технологияси – илмий ва бошқа билимлардан тизимли равища амалий масалаларни ҳал этишда қўллашдан иборат.
3. Голбрайт	В. Педагогик технологияга – «таълимни тизимлаштириш» ёки «синфдаги ўқитишни тизимлаштириш» каби ғояларни педагогикага татбиқ этишдан иборат.

### **ИИ. Педагогик технологияга ЮНЕСКО томонидан берилган таърифни ёзинг.**

---



---



---



---



---

### **ИИИ. Педагогик технологиянинг вужудга келиш сабабларини кўрсатинг.**

A) \_\_\_\_\_

Б) Дидактик қоидалари ўзи конструктив бўлмай, замон талабидан орқада қолганлиги

B) \_\_\_\_\_

### **ИВ. Педагогик технология ривожланиш босқичлари кетма – кетлигини белгиланг.**

А. Дарслик ва қўлланмалар.

Б. Ўқитувчининг тажрибаси (сўзи)

В. Ўргатувчи машиналар.

### **В. Мувофиқликни аниқланг**

1. Педагогик технологий.

А. Мақсаднинг аниқлиги

2. Ўқитишнинг одатдаги уси.

Б. Натижанинг кафолатланганлиги.

В. Такрорланувчан ўқув цикли.

Г. Тезкор қайтувчан алоқа.

Д. Тузатишлар киритиш.

## Тұғри жавоблар

Топшириқлар	1	2	3	4	5
Жавоблар	И - В, 2 -А, 3 - Б	12 – бетда	А) дидактик қоидаларни АҚШда тарқалмaganligи	И - Б, 2 -А, 3 -В	И – АБВГД, 2 – 0

### **Назорат саволлари**

1. Электрон дарсликлар ҳақида умумий түшүнчә ва уни мөхнат таълими дарсларида құллаш имкониятларини айтиб беринг.
2. Мөхнат таълими дарсларида электрон дарсликларга қўйиладиган талаблар ва унинг тузилмасини изоҳлаб беринг.
3. Мөхнат фани бўйича яратилган электрон дарсликлардан ўқув жараёнида фойдаланиш технологияси.
4. Мөхнат таълим мининг дидактик таъминоти.
5. Дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар, электрон дарсликларга қўйиладиган талаблар.
6. Портфолио, ўқув курсининг электрон-таълим ресурсларини ва силлабусини яратиш технологиялари.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори Т. : «Шарқ», 1997 й. 64 б.
2. Джурайев Р.Х. Теория и практика интенсификатии профессиональной подготовки учащихся профтехучилиш . Т.: «Фан», 1992 й. - 260 с
3. Кларин М.В. Педагогическая технология и учебном протессе. Анализ зарубежного опыта. – М. : «Знаниe», 1989. – 80с.
4. Фарберман Б.Л. Прогрессивные педагогические технологии. Т. ИПВССИИ. 1994г – 84с.
5. Ишматов Қ. Илғор педагогик технологиялар фанидан маъruzалар матни. Наманган НамМПИ, 2000., 84б.

# Меҳнат таълимини ўқитишида замонавий ёндашувлар **модули бўйича**

**АМАЛИЙ МАШГУЛОТ**

## **Тингловчилар учун амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича дарс ишланмаларидан намуналар**

### **МЕТАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ АСБОБ УСКУНАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ПЕДАГОГИК АННОТАТСИЯ**

**Фаннинг номи:** “Меҳнат таълими”.

**Мавзунинг номи:** “Металларга ишлов бериш асбоб ускуналаридан фойдаланиш”.

**Иштирокчилар:** 6-синф ўқувчилари

**Таълимнинг мақсади:** ўқувчиларга металларга ишлов берувчи асбоб ускуналар, уларни ишлатиш, саклаш, таъмирлашга доир маълумотлар бериш.

**Режалаштирилаётган ўқув натижалари:** ўқувчилар арра билан ишлаш, аррани иш холатида ишлатиш қонун қоидалари, қирқиши жараёнида арра холати, 90 ° даража бурчак остида қирқиши, арралаш жараёнида қўл ва гавданинг холати, трубаларни қирқиши, арралаш дастгохи, металларни плита устида қирқиши, зубило геометрияси, болға билан зарб бериш усуллари, тўғри юзали сиртларни эговлаш, эговни ушлаш қоидалари, эгов турлари, эговланган сиртни текшириш ва ҳ. маълумотларга эга бўлади ҳамда амалий кўникмаларга эга бўлади.

*Лойиҳалашириши фаолияти бўйича қўйидаги амалий кўникмаларга эга бўлади:* арра билан ишлаш қоидалари, 90 ° даража бурчак остида қирқиши, арралаш жараёнида қўл ва гавданинг холати, трубаларни қирқиши, арралаш дастгохи, металларни плита устида қирқиши болға билан зарб бериш усуллари, тўғри юзали сиртларни эговлаш, эговни ушлаш қоидалари, эговланган сиртни текшириш ва ҳ. амалий кўникмаларга эга бўлади.

**Ўқувчилар лойиҳани муваффақиятли бажаришлари учун билишлари лозим бўлган билим ва кўникмалар қўйидагилардан иборат:**

**Ўқувчи қўйидагиларни билиши керак:**

Арра, ишлов бериш жараёнида харакат, зубило, эгов, труба, болға, текшириш қоидалари.

**Ўқувчи қўйидаги кўникмаларга эга бўлиши керак:**

Арралаш қонун қоидалари, плита устида қирқиши, эговлаш, сиртларни текшириш.

**Лойиҳани бажариш тартиби:** ўқувчиларнинг синфда ва синфдан ташқари мустақил фаолиятларида бажарилади, амалий машғулотда тақдим этиб борилади. Лойиҳа натижаси навбатдаги машғулотда амалга оширилади.

**Лойиҳанинг баҳоланиши** – ишчи гурухчалар томонидан бажарилган лойиҳа қўйидагича баҳоланади (гурухнинг ҳар бир аъзоси учун): ўқувчилар томонидан бажарилган лойиҳанинг алоҳида қисмлари (макс. балл – 2); ҳисобот (макс. балл – 1,5); лойиҳа тақдимоти ва ҳимоя этиш жараёни (макс. балл – 1,5).

**Лойиҳавий таълимни ташкил этиш босқичлари**

**Тайёрлов босқичи:** лойиҳа билан танишиш; синфдаги машғулот вақтида ўқувчилар фаолиятини ташкил этиш.

*Лойиҳани бажарии босқичлари:* синф ва синфдан ташқари фаолият даврида.

*Яқуний босқич:* лойиҳа тақдимоти, синф машғулотида ўқувчиларнинг лойиҳалаштириш фаолиятини баҳолаш.

*Лойиҳа асосида ўқитишни бошқарии:* синф ва синфдан ташқари фаолиятда.

### **Таълим моделининг қисқача тавсифномаси**

Лойиҳа асосида ўқитиши жараёнида қўйидагилар қўлланилади:

*ўқитиши усуллари:* лойиҳалаштириш усули, матн ва ахборот манбалари билан ишлаш, тақдимот;

*ўқитиши шакллари:* оммавий, алоҳида, гурухий;

*ўқитиши воситалари:* лойиҳа топшириғи, услубий кўрсатмалар, ахборот технологиялари.

## **И. Лойиҳалаштириш фаолиятини босқичма-босқич бажариш учун кўрсатма**

### **1. Тайёрлов босқичи.**

1.1. Лойиҳа мавзуси билан танишинг, долзарблигини асосланг ва ечишингиз керак бўлган муаммони шакллантиринг.

1.2. Лойиҳа мақсади, предмети, обекти ва вазифаларини белгиланг.

1.3. Лойиҳа мавзусига доир ахборотлар билан танишинг.

### **2. Ўқув фаолиятини режалаштириш босқичи.**

Мақсадга эришиш кетма-кетлигини ишлаб чиқинг.

Иш режасини тузинг (лойиҳани ишлаб чиқиш, расмийлаштириш, уни тақдимотга тайёрлаш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш бўйича топшириқларни иштироқчилар ўртасида тақсимланг, уларни бажариш ва тайёр ҳолатга келтириш муддатини белгиланг).

## **П. Лойиҳа иши тўғрисидаги ҳисботга тайёргарлик бўйича йўриқнома**

1. Сиз таклиф этган ва тавсия этаётган лойиҳани татбиқ этишни исботловчи хulosаларни (1 бетдан кўп бўлмаган матн асосида) ифодаланг.

2. Сиз ҳал этмоқчи бўлган муаммони (5-6 сўз билан) асосланг.

3. Лойиҳангизнинг мақсади: унинг нима учун яратилиши, кутиладиган натижа қандай бўлиши ва у кимга қаратилганлигини (1-3 таклиф орқали) кўрсатинг.

4. Лойиҳа вазифаларини (қисқа ва бир маъноли) ифодаланг.

5. Лойиҳанинг иш режаси(жадвал)ни баён этинг.

6. Вазифанинг ечими натижаларини ва лойиҳада бажарилган ишларни кўрсатинг.

7. Сиз таклиф этган лойиҳа маҳсулини татбиқ этиш имкониятини тасдиқловчи хulosаларни шакллантиринг.

8. Бажарилган иш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхатини тартиблаштиринг.

9. Баҳоланг:

- лойиҳа сифатини;

- лойиҳа устида ишлаш жараёни: ишнинг натижавийлиги, қийинчиликлар

ва уни енгиб ўтиш йўллари.

10. Иловаларни тартиблаштиринг: лойиха иштирокчиларининг анкеталари ва лойиха ишининг иш материалларини киритинг.

## **П.Лойихани МС PoweР Поинтдатакдимотга тайёрлаш бўйича йўриқнома**

1. МС PoweР Поинтда тақдимотга тайёрлаш жараёни қуидагилардан иборат:

- тақдимот турини танлаш;
- тақдимотни умумий расмийлаштиришни танлаш;
- слайдларнинг мазмунли томонларини танлаш;
- янги слайдларни қўшиш;
- слайдларни белгилашни танлаш;
- зарур бўлган слайдларни расмийлаштиришни ўзгартириш;
- слайдларни намойиш этиш вақтида турли овозли аниматсияларни яратиш.

2. Слайдларни техник намойиш этиш қуидаги тавсифларга жавоб берниши керак:

- слайдлар микдори (8-12);
- слайдларнинг мазмунли кўрсаткичлари: 1) биринчи слайд: лойиха номи, муаллиф фамилияси, курс, груп, яратилган кунидан иборат; 2) охирги слайд ахборот манбасига бағишлиланган; 3) бошқа слайдлар лойиха мазмунини ихтиёрий шаклда акс эттиради;
- слайдлар ўз-ўзидан ишлаш тартибида намойиш эттирилади.

3. Тақдимотни расмийлаштириш қоидаси:

- агар матн оғзаки бўлса, қуидагича бўлиши зарур: юкори ахборотли; боғловчили; аниқ ва қисқа; мантиқан тушунарли ва аниқ бўлиши;
- овоз тиник бўлиши керак;
- расмлар аниқ ва етарлича каттароқ бўлиши зарур. Расмларнинг ўлчамини катта қилишга уринмаслик лозим;
- видеотасмалар тақдимот ойнасининг уч қисмини эгаллаши зарур.

Расмлар намойишили бўлиши керак. Безаклар чалғитиши мумкин;

- жадвалларда ажратилувчи маълумотлар аниқ кўрсатилиши, жадвалларнинг номланиши тагига катта ёзувларда берилиши зарур. Жадвалларни ҳаддан зиёд маълумотлар билан тўлдириш керак эмас! Тадимот бошлашдан аввал синфда ўтирганларга жадвал ва расм нусхаларидан тарқатиш зарур;

- чизмалар бир бўлимдан бошқа бўлимга аниқ ва мантиқий равища ўтишига молаштирилиши керак. Ўтиш чизиклари экранда яхши қўринишини текширинг.

## **III. Баҳолаш мезони ва кўрсаткичлари**

Грухли лойихада қуидагилар баҳоланади:

- ҳар бир ўкувчи томонидан бажарилган лойиханинг алоҳида қисмлари (макс. 2 балл);
- ҳисобот (макс. 1 балл);
- МС PoweР Поинт лойиха тақдимоти (макс. 1 балл);

оғзаки тақдимот ва лойиха ҳимояси (макс. 1 балл

Мавзу: “Металларга ишлов бериш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш”.

Сана: “\_\_\_\_\_”

Синф: 6-синф

Дарснинг мақсади:

а) **таълимий** – ўқувчиларига металларга ишлов бериш асбоб-ускуналаридан фойдаланишга оид билимларни, асбоб-ускуналарнинг тузилиши ва ишлаш тартиби хақида билимларни ўргатиш.

б) **тарбиявий** – ўқувчиларига металларга ишлов бериш асбоб-ускуналарини ишлатиш, иш жараёнида санитария-гигиена қоидалрига риоя қилиш.

в) **ривожлантирувчи** – “Нилуфар” гули усулидан фойдаланиш орқали металларга ишлов бериш асбоб-ускуналари, тузилишига оид билимларни шакллантириш.

Тури: амалий

Методлари: кичик гурухларда ишлаш, савол-жавоб, “Нилуфар” гули

Жиҳозлаш: компьютер, проектор, металларга ишлов бериш асбоб-ускуналари бўйича кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллари.

Дарс қисмининг мазмуни:

Дарс босқичи	Вакти (минут)	Ўқитувчи фаолияти	Ўқувчи фаолияти	Қўлла ниладига н метод
1- босқич. Ўқув машғу- лотига кириш (Даъват bosқичи)	20	1.1. Мавзунинг номланиши, мақсад ва кутилаётган натижаларини баён этади. 1.2. Мавзунинг режалари билан ўқувчиларни таништирилади. 1.3. Ўқувчиларни мавзуга оид бажариладиган амалий ишлар билан таништиради.	Тинглайдилар, ёзиб оладилар. Саволлар билан мурожаат этадилар. Аниқ тасаввурга эга бўлишади.	Кичик гурухларда ишлаш, савол-жавоб, “Нилуфар ” гули

<b>2- босқич. Асоси й босқич (Англаш босқичи)</b>	<b>50</b>	<p>2.1. Металларга ишлов бериш асбоб-ускуналари түғрисидаги маълумотлар билан ўқувчиларни таниширади.</p> <p>2.2. Жалб қилувчи саволлар билан мурожжат этади, мавзунинг энг асосий тушунчаларини ажратиб кўрсатади, хар бир ўқув бирлиги бўйича хуносалар қиласди.</p> <p>2.3. Ўқувчилар “Нилуфар” гули чизмаси бўйича муаммоларни ёзиб қўяди.</p>	<p>Тинглайд илар, ёзиб оладилар.</p> <p>Тинглайд илар, саволжавобларда иштирок этишадилар.</p> <p>“Нилуфар” гули катакларини тўлдириш</p>	
<b>3- босқич. Якуний (Фикрла ш босқичи)</b>	<b>20</b>	<p>3.1. “Нилуфар” гули катакларига келиб чиққан муаммоларни ёзиш сўралади.</p> <p>3.2. “Нилуфар” гули усулидан фойдаланиш орқали ўқувчиларнинг умумий тасавурларини аниқлайди.</p> <p>3.3. Аниқ тасавурлар шаклланмаган қисмларини қайта тушунтиради.</p> <p>3.4. Мустақил иш учун топшириклар беради ва бажарилган ишлар бўйича ўқувчилар баҳоланади.</p>	<p>“Нилуфар” гули катакларини тўлдиришни тугаллашади ва ўз тасавурларини бошқаларни билан таққослайди.</p> <p>Топширикларни ёзиб олишади.</p>	

### Дарснинг бориши:

**I. Ташкилий қисм:** Саломлашиш. Ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлигини назорат қилиш. Давоматни аниқлаш.

### II. Ўтилган дарс мавзусини сўраш:

- Металларнинг асосий механик хоссалари деганда нимани тушунасиз?
- Металларнинг турлари хақида маълумот беринг?
- Металларга босим билан ишлов бериш бўйича иш тартибини тушунтиринг?
- “Б–Б–Б” жадвалини устунларини қандай тўлдирилади?

### III. Янги мавзу баёни.

#### Режа:

- Кириш. Арра билан ишлаш.
- Металлни қирқиши учун асбоблар.
- Металлни чопиш.
- Эговлаш.

**КЕЙС: МЕТАЛЛАРГА ИШЛОВ БЕРИШ АСБОБ УСКУНАЛАРИДАН**

## ФОЙДАЛАНИШ

### Кириш. Аппа билан ишлаш

Аппа билан металлни кесиш қуидаги амалга оширилиши керак.

Кесиладиган материал ишланаётган пайтда сурилиб ёки сакраб кетмаслиги учун уни тискига маҳкам қистириб қўйилади (1-расм).

Кесиладиган материалнинг қаттиқлиги, ўлчами ва шаклига қараб тишларининг катталиги бўйича тегишли аппа полотноси танланади.

Ишловчи ўзининг гавдаси ва оёқларининг тўғри ҳолатда туришига эътибор беради. Бу ишни бажаришда ҳам металларни қирқишдаги каби ҳолатда турилади. Ишлаётганда аррани икки қўл билан ушланади ва кесилаётган текисликка параллел ҳолатда тутиб, сакратмай ҳамда силтамай бир маромда юргизилади. Ҳар бир юришда аппа полотноси узунлигининг энг камида 2/3қисми ишлаши шарт.




1-расм. Чилангарлик арраси билан ишлашда гавда ва қўлларнинг ҳолати.

Аппа полотносининг тишлари тез ўтмаслашиб қолмаслиги учун ишловчи уни қарши томонга юргизишида (ишни бажаришда) босиб, орқага қайтаришида (салт юришида) бўшатиб туриши лозим. Аппа билан қўлда кесишдан тезлик хар дақиқада энг ками 30 дан 60 мартагача жуфт юришдан иборат бўлиши керак.

### Металлни қирқиши учун асбоблар.


Қувурларни қирқиши учун уларни тискида горизонтал ҳолатда ўрнатилади. Девори ингичка бўлган қувурларни қирқиши учун ёғоч бруслар ёки бўлмаса, ингичка металл листлардан фойдаланилади (2-расм, а, б).



2-расм. Қувурларни темирава билан қирқиши усувлари: а) ёғоч бруслар

доиралар ёрдамида қирқиши мүмкін. Унинг учун абразив доиралари электр чахлағыч ёки электродрелга үрнатиш керак бўлади. (3-расм, а, б).

Шпинделнинг айланиш частотаси 1500-3000 айл/мин бўлиши керак.




3-расм. Металлни доира билан қирқиши: а) электродрел ёрдамида; б) электрочархлагич


### Металлни чопиш

Металлни чопиш зубило, крейсмейсел ва болға ёрдамида амалга оширилади. Ишлов бериш аниқлиги 1 мм ни ташкил қиласи. Зубило ва крейсмейсел бир-биридан қирқиши жараёни ва унинг асосига нисбатан бўлган жойланиши билан фарқ қиласи (4-расм).

Зубило асбобсозлик пўлатидан тайёрланади. Чилангарлик зубилоси ишчи, ўрта ва уриладиган қисмлардан иборат бўлади (5-расм). Қирқадиган қисми учбурчак шаклида бўлади. Зубилонинг қирқадиган қисмининг узунаси 15-25 мм ни ташкил қиласи. Ишчи, понасимон томон бурчаги учлаш бурчаги деб аталади. Қанчалик учлаш бурчаги кичкина бўлса, шунчалик унга зарб кучи кам ишлатишга тўғри келади. Учлаш бурчагини, ишлов бериладиган металлнинг каттиқлигига қараб учланади.



4-расм. Чопиш учун ишлатиладиган ас-боблар: тепада зубило, пастда крейсмейсел.




5-расм. Зубило: 1 - ишчи қисм; 2 - ўрта қисм; 3-уриладиган қисм.

### Эговлаш

Металлнинг сиртидан маълум бир қаватни эгов билан қирқиб олиш жараёни эговлаш деб аталади. Эговлашнинг бошланғич ва якунловчи турлари мавжуд. Эговлаш арраланган, кесилган, қуйилган заготовкаларга ва штампланган деталларга ишлов бериш учун қўлланилади. Эговлар тобланган асбобсозлик У 8 А ёки У 13 пўлатдан тайёрланади.

Эговнинг асосий элементлари 6-расмда кўрсатилган.



6-расм. Эгов элементлари: 1-ушлагич; 2-ҳалқа; 3-кесилмалар; 4-ён тарафи; 5-юз тарафи.

**ИВ. Дарсни мустаҳкамлаш:** Уқувчилар мавзуни ўрганишлари давомида турли муаммоларга дуч келадилар. Ушбу муаммоларни ҳал қилиш орқали ҳам ишларни ташкил этиш мумкин. Ўқитувчи келиб чиқсан муаммоларни ҳал қилишда ўқувчиларга “Нилуфар” гули усулини тушунтириб беради ва улардан берилган жадвал катакларини тўлдириб боришни сўрайди.

### “Нилуфар” гули усули бўйича методик тавсия

“Нилуфар” гули усули - муаммони ечиш воситаси. Ўзида нилуфар гули кўринишини намоён қиласи. Унинг асосини тўққизта катта тўрт бурчаклар ташкил этади. Тизимли фикрлаш, таҳлил қилиш кўникмаларини ривожлантиради ва фаоллаштиради.

1. Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алохида кичик гурухларда чизма тузадилар: тўрт бурчак марказида аввал асосий муаммони

(фоя, вазифа) ёзадилар. Унинг ечиш ғояларини эса марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзадилар. Марказий тўрт бурчакнинг атрофида жойлашган саккизта тўрт бурчакларга ёзилган ғояларни, атрофда жойлашган саккизта тўрт бурчакларнинг марказига ёзадилар, яъни гулнинг баргларига олиб чиқадилар. Шундай қилиб, унинг ҳар бири ўз навбатида яна бир муаммодек кўрилади

2. Чизмани тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гурухларда чизма тузадилар: аввал асосий муаммони (фоя, вазифа) ёзадилар, сўнгра кичик муаммоларни, уларнинг ҳар биридан эса, кичик муаммони батафсил кўриб чиқиш учун “кичик шохчаларни” чиқарадилар. Шунга асосан ҳар бир ғоялар ривожланишини батафсил кузатиш мумкин.

3. Иш натижаларининг тақдимоти.

### **“Нилуфар” гули чизмасини тузиш қоидалари**

1. Амалий нуқтаи назардан барча ғояларни ихчам деб тасаввур қилинг (битта-иккитаси билан чегараланинг), бу ҳам ақл учун фойдали машқ хисобланади.

2. Сизга катта қоғоз варағи зарур бўлади. Доимо ўзингиз мушоҳадаларингиз натижасини бир варақ қоғозда кўриш фойдали хисобланади. Қарама-қарши ҳолда эса сизга бир варақдан бошқасига сакраб юришингизга ва бунда зарурий бирор мухим нарсани унутишингизга олиб келади.

“Нилуфар” гули чизмаси

	<b>Б</b>	

	<b>З</b>	

	<b>С</b>	

	<b>Д</b>	

<b>Б</b>	<b>З</b>	<b>С</b>
<b>Д</b>	<b>А</b>	<b>Ф</b>
<b>Г</b>	<b>Х</b>	<b>Й</b>

	<b>Ф</b>	

	<b>Г</b>	

	<b>Х</b>	

	<b>Й</b>	

**В. Дарсни яқунлаш:** а) ўқувчиларни баҳолаш ва рағбатлантириш; б) уйга вазифа – уйларида мавзуга оид янги маълумотларни тўплаш ва мустақил равища “Нилуфар” гули жадвалини тўлдириб келиш.

### **Меҳнат таълими фанидан Таълим муассасасида педагогик ва ахборот технологиялари асосида ўтказилган дарсларни кузатиш ва таҳлил қилиш.**

#### **Меҳнат таълими дарсларини таҳлил қилиш**

Меҳнат таълими дарслари турли мақсадларда кузатилиши мумкин. Кўп ийлилк иш тажрибани ўрганиш мақсадида ёш ўқитувчига методик ёрдам кўрсатиш мақсадида, ўқувчиларнинг билимларини аниқлаш ва баҳолаш иш услубини ўрганиш ва ҳоказо. Бутун дарс жараёни бир неча қисмда таҳлил этилади.

И. Ташкилий.

ИИ. Дидактик.

ИИИ. Методик.

ИВ. Психологик.

В. Педагогик.

ВИ. Якуний таҳлиллардан иборат.

Ташкилий таҳлилда меҳнат хонасини дарсга тайёргарлиги, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги эътиборга олинади. Ҳатто бу босқичда ўқитувчининг ташқи қўриниши ҳисобга олинади.

Дидактик мавзунинг илмийлиги, изчиллиги, оддийдан мураккабга йўналишни кўрсатмалилиги, билим ва ахборотларни ҳаётийлилиги, жонлилиги равон тилда олиб борилиши ва ҳоказо.

Методик таҳлилда қандай усусларда дарсни олиб борилиши, кўлланилган дарс шакли мавзуга мос келадими ёки йўқми, тайёрланган кўргазмалар, намуналар мавзуни очиб беришга хизмат қилиши, дарсда тадбиқ этилган янги педагогик технологиялар қай даражада ўзининг самарасини берганлиги ҳақида маълумот берилади.

Педагогик таҳлил – бунда ўқувчини ташқи қиёфаси, нутқи, синф билан тил топа олиши, миллий тарбия, экология, иқтисодий тарбия, ахлоқий, ғоявий сиёсий элементларни, тарбия туридан қайси бирига эътибор бериш лозим, қандай дарс туридан фойдаланса, дарс самарали бўлади – бу масалалар педагогик таҳлилнинг асосини ташкил этади.

Якуний таҳлил – бунда дарс бўйича мулоҳаза, йўл-йўриқлар ёки тавсиялар берилади. Юқоридаги таҳлилни бажариш учун дарсни ҳамма босқичини тўғри кузатилиши ва таҳлил этилиши керак.

Дарс кузатиш натижасида у ҳақида тўлиқ тасаввур вужудга келиши керак. Шунинг учун маълум тарздаги умумий талабларга риоя қилиш лозим.

1. Дарс ҳақида умумий малумот: сана, жойи, синф, фан, ўқитувчининг исми, фамилияси, неchanчи соат (дарснинг жадвалдаги ўрни), ўқувчиларнинг сони, давомати, амалиётчи - талабалар қатнашиши.

2. Дарснинг мақсадлари. а) таълимий, б) тарбиявий, в)

ривожлантирувчи мақсадларнинг қўйилиши ва унинг дарс жараёнида ёритилиши.

3. Ташкилий қисмни кузатища асосан ўқувчиларни дарсга ҳозирлиги, синф хонасининг, ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлиги (иш кийими, енглари, рўмоллари) борми, уларни асбоб-ускуналар билан таъминланиши ва босқични қандай ўтганлиги даражаси етарли савияда ўтганлиги назорат қилинади.

4. Ўтилган мавзуни тақрорлаш. Ўқитувчи ўқувчиларга берган саволлари ўтган мавзуни қамрай олдими, саволлар аниқми, мавзуни тақрорлаща қайси усуллардан фойдаланди. Ўқувчиларнинг жавоблари мавзуни ўзлаштирадими дейишига асос бўладими, ўқувчиларнинг жавоблари таҳлил этилади.

5. Янги мавзуни тушунтириша қандай усуллар қўлланилди. Ўқувчиларни меҳнат таълими ва бошқа фан асослари бўйича билимларига таянилдими ёки йўқми. Етарлича кўрсатмалиликдан фойдаланилдими, ўқувчиларни қизиқтира олиндими, таълимда муаммоли вазият қўлланилдими, Янги билимни ўзлаштирилиши текширилдими, хаёт билан боғланганлиги ҳақида фикр билдирилади.

6. Кириш йўриқномаси. Меҳнат топшириғига тавсиф бериш: уни ўқувчилар бажара оладими, уларда қизиқиш уйғотадими? Топшириқни бажаришда ўқувчиларнинг меҳнат таълими ва фан асосларига доир назарий билимларидан фойдаланиши назарда тутилдими? Топшириқни бажариш билан боғлиқ ишнинг мазмuni Таълим муассасаси ўқув дастурининг ўрганилаётган мавзусига мувофиқми? Буюмга қўйиладиган талаблар, ўзини-ўзи назорат қилиш мезонлари кўрсатилдими? Кириш йўриқномаси қандай ўтди: қайси иш усуллари қўлланилди, уларни намойиш этишда етарлича кўрсатмалилик таъминландими? Ўқувчилар топшириқни қанчалик тушунгани текширилдими ва бу текшириш етарлими? Хавфсизлик техникаси қоидаларига эътибор қандай? Кириш йўриқномасида ўқувчилар қандай иштирок этдилар: улар пассив тингловчи ва кузатувчи бўлдиларми ёки ўқитувчи уларни айrim масалаларни ҳал килишга жалб этдими?

7. Ўқувчиларни мустақил иши. Ўқувчилар ишини ташкил қилишнинг қандай шакллари қўлланди? Ўқувчилар қандай хатоларга йўл қўйдилар, булар типик хатоларми? Ўқитувчи ўқувчиларнинг хатоларига қандай муносабатда бўлди? Қандай жорий йўриқномаси ўтказилди? Улар олдиндан режалаштирилганми? Жорий йўриқномаси ўз вактида ўтказилди, дейиши мумкинми? Ўқувчилар жисмоний ишдан дам олишлари учун танаффуслар режалаштирилганми, бу танаффуслардан ўқитувчи қандай фойдаланди? Ўқувчилар, меҳнат топшириғини бажариш билан боғлиқ баъзи масалаларни мустақил ҳал қилишларига тўғри келдими, улар бу ишни бажара олдиларми? Ўқитувчи умуман синфнинг ва алоҳида ҳар бир ўқувчининг фаолияти устидан назоратни таъминладими? Ўқитувчи кучли ўқувчилар учун қўшимча топшириқларни назарда тутдими? Ўқувчиларда ўз-ўзини назорат қилиш малакаларини шакллантиришга етарлича эътибор берилдими?

8. Якунловчи йўриқнома. Бу йўриқномага қанча вақт кетди, у нима хақида бўлди? Машғулот қанчалик чуқур ва тўлиқ якунланди? Типик хатолар, яхши ва кўнгилдагидек чиқмаган буюмлар кўрсатилдими?

9. Иш ўринларини йиғиштириш. Иш ўринларини йиғиштириш қанча вақт олди? Ўқувчилар йиғиштириш учун барча зарур нарсалар билан тамилландими? Иш ўринларини йиғиштиришнинг сифати ким томонидан ва қандай текширилди? Иш ўрнининг озодалиги учун мусобақа ўтказилдими? Бу мусобақада синф фаоллари қандай рол ўйнайди?

10. Умумий хуроса. Дарс қандай элементлардан ташкил топди? Дарс типи. Ўқитувчи кўзлаган мақсадга эришдими?